

**Султанова Гулноза Сабировна** Самарқанд Давлат университетини 2004 йил бакалавриат босқичини фалсафа йўналиши, 2006 йил магистратура босқичини “Диалектика ва билиш назарияси” мутахассислиги бўйича битирган. Г.С.Султанова 2018 йилда фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун “Постноклассик илмий тафаккур тарзида ғоявий ворислик ва инновация муаммолари ” мавзусида 09.00.01 – “Онтология, гносеология ва мантиқ” ихтисослиги бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қилган.

Г.С.Султанова 100 дан ортик илмий ишлар муаллифи, постноклассик илмий тафаккур тарзи, конструктивизм, креатив тафаккур, инновацион тафаккур тарзи муаммоларига бағишланган илмий мақолалари АҚШ, Ҳиндистон, Россия, Польша, Украина каби давлатларда чоп этилган. “Билиш фалсафаси” ва “Фанларнинг фалсафий масалалари” бўйича ўқув-услубий қўлланмалари нашр эттирилиб ўқув жараёнига татбиқ қилинган.

Самарқанд давлат универститети Юридик факультети “Фалсафа ва миллий ғоя” кафедрасида доцент вазифасида ишлайди.

ISBN 978-9943-6273-9-0

ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИДА КОНСТРУКТИВ КРЕАТИВЛИК

ГУЛНОЗА СУЛТАНОВА

ГУЛНОЗА СУЛТАНОВА

# ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИДА КОНСТРУКТИВ КРЕАТИВЛИК



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СУЛТАНОВА ГУЛНОЗА САБИРОВНА**

# ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИДА КОНСТРУКТИВ КРЕАТИВЛИК

**МОНОГРАФИЯ**

Самарқанд давлат университети Кенгаши
томонидан 2021-йил 31-майдаги 11-сонли
йиғилиш баённомаси асосида
нашрга тавсия этилган.

© “Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти
Самарқанд - 2021

УДК: 1: 14
ББК: 87.3
С 95

Султанова Г.С. Илмий тафаккур тарзида конструктив креативлик. Монография. – Самарқанд: “Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти, 2021. - 160 бет.

*Монографияда жамият тараққиётида маънавият, фалсафанинг роли ва аҳамияти, шу билан бирга ижтимоий тараққиётни муҳим омили ҳисобланган креатив фикрлаш, инновацион, конструктив илмий тафаккур тарзининг назарий ҳамда концептуал асослари кўрсатилган. Монографиядан Республикамиз олимлари ва мутахассисларининг илмий билиш методологияси, илмий тафаккур маданияти ва тарзи даражаси, креатив фикрлаш салоҳиятини такомиллаштириш ва юксалтиришга қаратилган мақсадларда фойдаланиш мумкин.*

*Монография олий ўқув юрти талабалари, магистрантлар, докторантлар, илмий-тадқиқотчилар, фалсафа ва фан методологияси билан шуғулланувчи барча китобхонларга мўлжалланган.*

Масъул муҳаррир: проф. Ш.С.Кушаков

Тақризчилар: проф. К.Ж.Туленова,
проф. Ж.Яхшиликов

ISBN 978-9943-6273-9-0

© “Самарқанд давлат чет тиллар институти”
нашриёти, 2021

# КИРИШ

Бугунги кунда жаҳон цивилизациясининг постиндустриал мамлакатлар ҳамжамиятига айланиб бориши, ахборотлаштириш, компьютерлаштириш ва турли маданиятлараро мулоқотнинг глобаллашуви инсон ҳаёти, илм-фан ва тафаккур тарзи жабҳаларида жиддий ўзгаришларга олиб келди. Фалсафа ва фан соҳаларида содир бўлаётган дифференциация ва интеграция жараёнлари эса, биринчидан, парадигмал инновацияларнинг, иккинчидан, янги типдаги фалсафий ва илмий тафаккур тарзининг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Жаҳонда XX асрнинг охирги чорагидан бошланган, моҳиятан инқилобий бўлган илмий-технологик ва когнитив ўзгаришлар ўз навбатида, ғоявий ворислик ва инновация жараёни алоқадорлигини кучайтирмоқда ҳамда янги илмий феномен бўлган замонавий конструктив креатив тафаккур тарзини ҳосил бўлишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги креатив тафаккур фалсафа, фан ва технологияларда яратилган янги ғоялар, концептуал технологик лойиҳаларни чуқур тадқиқ қилиш ва истиқболини прогноз қилиш имкониятини беради. Айни пайтда у фалсафа олдига янги мазмунга эга бўлган онтологик, эпистемологик ва методологик илмий-назарий муаммоларни қўяди. Бугунги кунда илмий тафаккур тарзининг креатив ва эвристик хусусиятлари, унинг ижодий имкониятларини таҳлил қилиш, илмий анъаналарга муносабат, етакчи фан ва технологияларда содир бўлаётган назарий ва концептуал трансформацияларни ўрганиш, улардаги эпистемологик, методологик ва парадигмал янгиланишларни тадқиқ қилиш каби масалалар ўта долзарбдир.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва барқарор ривожланиш жараёнлари динамикасини

жадаллаштириш ва юксалтириш, ижодиётнинг барча соҳаларини модернизациялаштириш ва либераллаш–тириш мақсадида замонавий илмий йўналишлар ва технологияларни яратувчи ёшлар онгида замонавий дунёқарашни ҳосил қилишни ҳамда креатив тафаккур соҳибларини тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Кенг кўламдаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш инновацион ва конструктив тафаккур тарзини шакллантириш ва юксалтиришни талаб қилади.

Когнитивлик, конструктивизм, креативлик муаммоларининг айрим жиҳатлари дастлаб қадимги дунё фалсафасидан янги замон фалсафасигача бўлган даврда маълум маънода стихияли тарзда тадқиқ этилган.

Мустақиллик йилларида фалсафада жиддий парадигмал ўзгаришлар содир бўлаётган бир пайтда креативлик, когнитология ва конструктивизм назарий методологиясига, бу методологияни илмий тафаккур тарзидаги инновацион, эвристик ва ночизиқликка хос томонларини ўрганишга қаратилган қизиқишни кучайтирди. Шу боис, кретивлик илмий тафаккур тарзини когнитив конструктивизм муаммолари доирасида таҳлил қилиш, унинг инновацион, эвристик ва проектив жиҳатларини очиб бериш мазкур монография олдига қўйилган бош мақсаддир.

## МУНДАРИЖА

**КИРИШ** ........ 3
**I БОБ. ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИНИНГ КОНСТРУКТИВЛИГИ МАСАЛАЛАРИ** ........ 5
1.1. Конструктивизмнинг генезиси ва эволюцияси ........ 7
1.2. Конструктивизм ижтимоий-гуманитар фанларидаги янги парадигма сифатида ........ 12
1.3. Илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси ........ 24
**II БОБ. ЗАМОНАВИЙ ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИНИНГ ЭВРИСТИКАСИ** ........ 62
2.1. Илмий тафаккур тарзининг эвристик ва инновацион жиҳатлари ........ 63
2.2. Эвристика ва инновацион тафаккур ........ 67
2.3. Замонавий илмий тафаккур тарзида конструктив эвристика ........ 72
**III БОБ. ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИНИНГ КРЕАТИВЛИГИ** ........ 75
3.1. Тафаккур креативлик ҳақидаги қарашлар эволюцияси ........ 76
3.2. Марказий Осиё алломалари ижодида конструктив креативлик ........ 79
3.3. Креативлик, ижодиёт ва норационаллик ........ 91
**IV БОБ. ЗАМОНАВИЙ ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИДА ИННОВАЦИОН ТРАНСФОРМАЦИЯ** ........ 105
4.1. Креатив ва инновацион тафаккур: қиёсий таҳлил ... 106
4.2. Проектив тафаккур тарзида конструктив инновациянинг намоён бўлиши ........ 121
4.3. Илмий тафаккур тарзида инновация ва инновацион фаолият ........ 132
**ХУЛОСА** ........ 137
**АДАБИЁТЛАР** ........ 141

# ОГЛАВЛЕНИЕ

**ВВЕДЕНИЕ** .......... 3
**ГЛАВА I. ВОПРОСЫ КОНСТРУКТИВИЗМА СТИЛЯ НАУЧНОГО МЫШЛЕНИЯ** .......... 5
1.1. Генезис и эволюция конструктивизма .......... 7
1.2. Конструктивизм как новая парадигма в социально-гуманитарных науках .......... 12
1.3. Конструктивная трансформация стиля научного мышления .......... 24
**ГЛАВА II. ЭВРИСТИКА СОВРЕМЕННОГО СТИЛЯ НАУЧНОЙ МЫСЛИ** .......... 62
2.1. Эвристические и инновационные аспекты стиля научного мышления .......... 63
2.2. Эвристика и инновационное мышление .......... 67
2.3. Конструктивная эвристика в стиле современного научного мышления .......... 72
**ГЛАВА III. КРЕАТИВНОСТЬ В СТИЛЕ НАУЧНОГО МЫШЛЕНИЯ** .......... 75
3.1. Эволюция взглядов креативного мышления .......... 76
3.2. Конструктивное креативность в работе ученых Центральной Азии .......... 79
3.3. Креативность, творчество и нерациольность .......... 91
**ГЛАВА IV. ИННОВАЦИОННАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ В СТИЛЕ СОВРЕМЕННОГО НАУЧНОГО МЫШЛЕНИЯ** .......... 105
4.1. Креативное и инновационное мышление: сравнительный анализ .......... 106
4.2. Проявление конструктивных инноваций в проективном стиле мышления .......... 121
4.3. Инновации и инновационная деятельность в стиле научного мышления .......... 132
**ЗАКЛЮЧЕНИЕ** .......... 137
**ЛИТЕРАТУРА** .......... 141

## TABLE OF CONTENTS

**INTRODUCTION** .......... 3
**CHAPTER I. ISSUES OF CONSTRUCTIVENESS OF THE STYLE OF SCIENTIFIC THINKING** .......... 5
1.1. Genesis and evolution of constructivism .......... 7
1.2. Constructivism as a new paradigm in the socio-humanitarian Sciences .......... 12
1.3. Constructive transformation of the style of scientific thinking .......... 24
**CHAPTER II. HEURISTICS OF THE MODERN STYLE OF SCIENTIFIC** thinking .......... 62
2.1. Euristic and innovative aspects of the style of scientific thinking .......... 63
2.2. Evristika and innovative thinking .......... 67
2.3. Constructive evristics in the style of modern scientific thinking .......... 72
**CHAPTER III. CREATIVENESS OF THE STYLE OF SCIENTIFIC THINKING** .......... 75
3.1. Evolution of views on contemplation creativity .......... 76
3.2. Constructive creativity in the work of Central Asian scientists .......... 79
3.3. Creativity, creation and irrationality .......... 91
**CHAPTER IV. INNOVATIVE TRANSFORMATION IN THE STYLE OF MODERN SCIENTIFIC THINKING** .......... 105
4.1. Creative and innovative thinking: comparative analysis .......... 106
4.2. Projectiv the manifestation of constructive innovation in the style of thinking .......... 121
4.3. Innovation and innovation activities in the style of scientific thinking .......... 132
**CONCLUSION** .......... 137
**LITERATURE** .......... 141

Султанова Гулноза Сабировна

# ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИДА КОНСТРУКТИВ КРЕАТИВЛИК

Монография

“Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти, 2021
140104, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй.

ISBN 978-9943-6273-9-0

Муҳаррир: Г.Раҳимова
Мусаҳҳиҳ: Ш.Абдурахимов
Техник муҳаррир: Ҳ.Амирдинов

2021 йил 31 майда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60×84 1/16.
“Cambria” гарнитураси. Офсет босма усули.
Ҳисоб-нашриёт т.: 10,0. Шартли б.т. 6,0.
Адади 100 нусха. Буюртма №146.

---

СамДЧТИ таҳрир-нашриёт бўлимида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд ш, Бўстонсарой кўчаси, 93.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТАНОВА ГУЛНОЗА САБИРОВНА

# ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИДА КОНСТРУКТИВ КРЕАТИВЛИК

**МОНОГРАФИЯ**

Самарқанд давлат университети Кенгаши
томонидан 2021-йил 31-майдаги 11-сонли
йиғилиш баённомаси асосида
нашрга тавсия этилган.

© “Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти
Самарқанд - 2021

УДК: 1: 14
ББК: 87.3
С 95

Султанова Г.С. Илмий тафаккур тарзида конструктив креативлик. Монография. – Самарқанд: “Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти, 2021. - 160 бет.

*Монографияда жамият тараққиётида маънавият, фалсафанинг роли ва аҳамияти, шу билан бирга ижтимоий тараққиётни муҳим омили ҳисобланган креатив фикрлаш, инновацион, конструктив илмий тафаккур тарзининг назарий ҳамда концептуал асослари кўрсатилган. Монографиядан Республикамиз олимлари ва мутахассисларининг илмий билиш методологияси, илмий тафаккур маданияти ва тарзи даражаси, креатив фикрлаш салоҳиятини такомиллаштириш ва юксалтиришга қаратилган мақсадларда фойдаланиш мумкин.*

*Монография олий ўқув юрти талабалари, магистрантлар, докторантлар, илмий-тадқиқотчилар, фалсафа ва фан методологияси билан шуғулланувчи барча китобхонларга мўлжалланган.*

Масъул муҳаррир: проф. Ш.С.Кушаков

Тақризчилар: проф. К.Ж.Туленова,
проф. Ж.Яхшиликов

ISBN 978-9943-6273-9-0

© “Самарқанд давлат чет тиллар институти”
нашриёти, 2021

# КИРИШ

Бугунги кунда жаҳон цивилизациясининг постиндустриал мамлакатлар ҳамжамиятига айланиб бориши, ахборотлаштириш, компьютерлаштириш ва турли маданиятлараро мулоқотнинг глобаллашуви инсон ҳаёти, илм-фан ва тафаккур тарзи жабҳаларида жиддий ўзгаришларга олиб келди. Фалсафа ва фан соҳаларида содир бўлаётган дифференциация ва интеграция жараёнлари эса, биринчидан, парадигмал инновациялар–нинг, иккинчидан, янги типдаги фалсафий ва илмий тафаккур тарзининг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Жаҳонда XX асрнинг охирги чорагидан бошланган, моҳиятан инқилобий бўлган илмий-технологик ва когнитив ўзгаришлар ўз навбатида, ғоявий ворислик ва инновация жараёни алоқадорлигини кучайтирмоқда ҳамда янги илмий феномен бўлган замонавий конструктив креатив тафаккур тарзини ҳосил бўлишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги креатив тафаккур фалсафа, фан ва технологияларда яратилган янги ғоялар, концептуал технологик лойиҳаларни чуқур тадқиқ қилиш ва истиқболини прогноз қилиш имкониятини беради. Айни пайтда у фалсафа олдига янги мазмунга эга бўлган онтологик, эпистемологик ва методологик илмий-назарий муаммоларни қўяди. Бугунги кунда илмий тафаккур тарзининг креатив ва эвристик хусусиятлари, унинг ижодий имкониятларини таҳлил қилиш, илмий анъаналарга муносабат, етакчи фан ва технологияларда содир бўлаётган назарий ва концептуал трансформацияларни ўрганиш, улардаги эпистемологик, методологик ва парадигмал янгиланишларни тадқиқ қилиш каби масалалар ўта долзарбдир.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва барқарор ривожланиш жараёнлари динамикасини

жадаллаштириш ва юксалтириш, ижодиётнинг барча соҳаларини модернизациялаштириш ва либераллаш–тириш мақсадида замонавий илмий йўналишлар ва технологияларни яратувчи ёшлар онгида замонавий дунёқарашни ҳосил қилишни ҳамда креатив тафаккур соҳибларини тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Кенг кўламдаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш инновацион ва конструктив тафаккур тарзини шакллантириш ва юксалтиришни талаб қилади.

Когнитивлик, конструктивизм, креативлик муаммоларининг айрим жиҳатлари дастлаб қадимги дунё фалсафасидан янги замон фалсафасигача бўлган даврда маълум маънода стихияли тарзда тадқиқ этилган.

Мустақиллик йилларида фалсафада жиддий парадигмал ўзгаришлар содир бўлаётган бир пайтда креативлик, когнитология ва конструктивизм назарий методологиясига, бу методологияни илмий тафаккур тарзидаги инновацион, эвристик ва ночизиқликка хос томонларини ўрганишга қаратилган қизиқишни кучайтирди. Шу боис, кретивлик илмий тафаккур тарзини когнитив конструктивизм муаммолари доирасида таҳлил қилиш, унинг инновацион, эвристик ва проектив жиҳатларини очиб бериш мазкур монография олдига қўйилган бош мақсаддир.

# I БОБ. ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИНИНГ КОНСТРУКТИВЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Республикамиз мустақилликка эришгач, миллий фалсафанинг шаклланиши ва ривожланишида катта ижодий имкониятлар ва тараққиёт истиқболи вужудга келди. Хусусан, янги илмий ва фалсафий тафаккур тарзини шакллантириш, бетакрор маънавий қадриятларимиз ва замонавий фан ютуқлари муштараклигига эришиш, энг янги илмий ва фалсафий йўналишларни ривожлантириш, уларга метафалсафий талқин бериш фалсафамиз олдида турган долзарб вазифалар қаторига киради.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозимлиги, ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шартлиги”, алоҳида таъкидланган.[1]

Шунингдек, ижтимоий онг ривожи ва тафаккурда инновацион ғоялар, янги тамойиллар ва йўналишлар ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда, улардан назарий ва амалий фаолиятда фойдаланиш учун кенг имкониятилар очилмоқда. Бу имконият эса ёш тадқиқотчилар изланишларида намоён бўлмоқда.

Ижтимоий тараққиёт ва фан-техника юксалиши давомида янги илмий тафаккур тарзи ва руҳий-маданий ҳаёт ўртасида чуқур монандликнинг мавжуд бўлиши аён бўлиб бормоқда.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020-йил 24-январь. uz.u

Илмий билиш, унинг шакллари ва мазмуни икки хл жараён, яъни, биринчидан, воқеликни онгда инъикос этиш, иккинчидан, когнитив конструктивлик (тафаккурдаги концептуал ва семантик трансформация) жараёнларининг мураккаб синтези маҳсулидир[2]. Шу боис, янги ғоялар ва назарияларни яратишда ўзига хос интелектуал механизм ролини ўйнайдиган когнитив коснтруктив маслаларига қизиқиш кучайиб кетди.

Илмий тафаккур тарзи ривожланаётган интеллектуал феномен сифатида вужудга келиш, шаклланиш ва ўзгариш босқичларини босиб ўтади. Бу борада, у тадрижий ва инқилобий янгиланиш жараёнларини бошидан кечиради. Тафаккур тарзи учун замин бўлган илмий билиш оламдаги нарсаларнинг хоссалари, ҳаракат ва мавжудлик қонуниятларнинг моҳиятини тафаккурда тушунчалар, назариялар ва таълимотлар ишлаб чиқиш йўли билан инъикос этиш, тушунтиришдан иборатдир.

Айтиш керакки, илмий билиш, унинг шакллари когнитивлик, конструктивизм, креативлик масалаларини фалсафий эпистемологик жиҳатдан ўрганиш масаласи XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фалсафа ва фан методологияси муаммолари доирасига кириб келган бўлса-да, бу муаммоларнинг эвоюцияси куртак ҳолатида ғоя ёки тасаввур шаклида қадимги давр фалсафасига бориб тақалади. Янги давр фалсафасида янада жонланиб, креатив тафаккур ва тафаккур тарзи муаммоларини ўрганиш учун асос бўлиб қолди.

---

[2] Кушаков Ш.С. Язык. Мышления и виртуальность (зарисовки к постнеклассической философии языка)//Глобаллашув шароитида фалсафа ва миллий ғоянинг долзарб масалалари. Тошкент,: ЎзМУ, 2017. – С. 34-36.

## 1.1. Конструктивизмнинг генезиси ва эволюцияси

Конструктивизм (constructivisme лотинчадан олинган бўлиб, constructio - қурилиш деган маънони билдиради) фан фалсафасида XX аср 70-йилларининг охири - 80-йилларининг бошларида, эпистемологик йўналиш сифатида вужудга келди.[3]

Конструктивизм ғояси америкалик файласуф Т.Рокмор фикрича, Гоббс, Вико, Кантга бориб тақалади.[4] Шунингдек, Фихте, Гегель, Маркс ҳам ўзларининг илмий-назарий фаолиятларида конструктивизмнинг турли кўринишларини намойиш этганлар. Лекин «конструктивизм» атамаси фақат ўтган асрнинг 70-йилларнинг охирида гуманитар фанлар доирасига кириб борди.

Айтиш керакки, XX асрнинг 60-йилларида когнитология фалсафий-психологик йўналиш сифатида ривожлана бошлади. Когнитология муаммолари билан У.Найссер, Р.Шеппард, Ж.Пиаже каби тадқоқотчилар шуғулланганлар.

Рус олимларидан Р.Г.Болбаков когнитивликнинг фан ва таълимдаги таҳлили борасида илмий изланиш олиб борган[5].

Фалсафа, психология, социологияда конструктивизм йўналиш ва методологик тамойил сифатида Ж.Келли[6], Ж.Пиаже, З.Шмидт, А.Шюц, К.Герген[7], П.Бергер, Х. фон Ферстер, Т. Лукман, В.С.Степин[8], У.Матурана, Ф.Варела[9],

---

[3] Конструктивизм // Новейший философский словарь. – Минск, 1999. - С. 142.

[4] Рокмор Т. Кант о репрезентационизме и конструктивизме // Эпистемология & Философия науки. 2005. № 1. С. 35-46.

[5]Болбаков Р.Г. Анализ когнитивности в науке и образование // Перспективы науки и образования. 2014. № 04. (10) – С. 15-17.

[6]Келли Дж. Теория личности. Психология личностных конструктов. СПб., 2000.

[7]Герген К. Дж. Социальный конструкционизм: знание и практика. Минск, 2003.

[8]Степин В. С. Теоретическое знание. М., 2000.

[9]Матурана У., Варела Ф. Древо познания. М., 2001. https://ru.wikipedia.org/wiki.

Р.Ватславик, И.Глазерфельд, Г.Рот, Г.Ром ва бошқалар ижодларида намоён бўлган.

Рус олимларидан В.Ф.Петренко, С.А.Лебедев[10], И.Т.Касавин конструктивизм атамасининг фалсафий талқини ва парадигмал ёндашувни очиб берганлар.[11]

Конструктивизмнинг асосий ғояси, бизни ўраб турган дунёни тафаккур ва идрок этиш жараёнларида экс этишдан кўра, уни конструкциялаштиришимиздир[12].

Конструктивистлар содда реализмга унинг ҳар қандай маҳсулотини билишнинг объектив борлиқ билан ўзаро таъсирда акс этиш натижалари сифатида талқин қилинишига ва бу борада бошқаларга қарши чиқадилар. Конструктивизмга кўра, инсон томонидан яратилганидан бошқа ҳақиқат йўқ. Бу йўналиш намоёндаларининг таъкидлашиларича, инсон ва бошқа мавжудотлар ўртасидаги асосий фарқ шундаки, у ўйчан, ҳатто фаол ёки фаол эмас, балки конструктив, ижодий ва доимо ўз-ўзини яратадиган мавжудотдир. Шу ғоядан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси креативлик (ижодкорлик) механизмини ўз ичига доимий равишда имконият каби муҳим элементни олади. Тафаккур тарзида доимий янгиланишлар ва иннновациялар конструктив транформация эвазига амалга ошади.

Радикал конструктивизм вакиллари илмий билимлар ва илмий фаолиятнинг тегишли моделларини қурадилар ва фан фалсафасининг ҳар қандай объектив, детерминистик ва рационал тушунчаларини танқид

---

[10]Лебедев С.А. Конструктивизм // Философия науки: Словарь основных терминов. - М.: Академический Проект, 2004. - 320 с. (Серия «Gaudeamus»).

[11]Касавин И. Т. Конструктивизм // Энциклопедия эпистемологии и философии науки. М.: «Канон+», РООИ «Реабилитация». 2009.

[12]Абдуллаева М.Н. Конструктивизм эпистемологияда // Глобаллашув шароитида фалсафа ва миллий ғоянинг долзарб масалалари мавзусидаги VI илмий-назарий семинар материаллари. – Т.: 2017. – Б. 32.

остига оладилар. Бу ҳолат айниқса, фаннинг когнитив социологияси, ижтимоий психологияси ва инсон фаолияти муаммоларини талқин қилишда намоён бўлади[13].

Конструктивизм когнитив маънода оламнинг манзарасини яратадиган дунёқараш сифатида тафаккур тарзида намоён бўлади. Конструктивлик тамойили ижтимоий ҳақиқатни аниқлайдиган тафаккур усулидир. Билишда моделлар конструкциясининг ғояси швейцариялик психолог Ж.Пиаже асарларида ёритилган.

Тафаккурнинг психологик билим тузилмаларини тасвирлаш учун тил мантиғи ва когнитив назариялардан фойдаланилган. Америкалик психолог Ж.Келли "Шахсий конструкциялар" назариясини "конструктивистик альтернативизм", деб белгилаган. Ж.Келли бундай ёндашуви билан олам, у билан муносабатда бўлган одамнинг плюралистик моделларини яъни, хилма-хиллик мавжудлигини таъкидлайди. Ж.Келли олам ҳақидаги фаразларни яратувчи, уларнинг адекватлигини текширувчи ва уларни тузатувчи олимга қиёслаб, оддий одам томонидан дунё сурати қурилишини кўриб чиқади.[14]

Айтиш керакки, конструктивизм ғарбда дастлаб иқтисод, психология ва архитектурада вужудга келган бўлса-да, кейинчалик эса фалсафада илмий билиш конструктивлиги, конструктив методология йўналишлари шаклланди. Ҳозирги замон фани ва фалсафасида конструктив ғоялар ва ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда. Конструктивизм ғоясини чуқур тадқиқ этиш

---

[13]Петренко В.Ф. Психосемантика как направление конструктивизма в когнитивной психологии // Когнитивный подход: философия, когнитивная наука, когнитивные дисциплины. М., 2007. - С. 435-463.

[14]Келли Дж. Теория личности. Психология личностных конструктов. СПб., 2000. - С. 78.

замонавий эпистемология муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

***"Конструктивизм" тушунчаси тарихига назар.*** "Конструктивизм" тушунчаси бугунги кунда фан ва фалсафада икки маънода қўлланилмоқда: кенг маънода - ўзига хос онтология, эпистемология ва методологияга эга бўлган ижтимоий фанлар доирасида тадқиқотларнинг янги парадигмасини белгилаш сифатида[15] ва тор маънода - психология ва социологиянинг ажралмас қисми бўлган ўзига хос йўналиш мазмунида қўлланилади (Ж.Пиаже, Ж.Келли, Ж.Брунер, П.Бергер ва Т.Лукман). Биринчи марта конструктивизм тушунчасининг ўзи 1950-йилларда Ж.Пиаже и Ж.Келлининг асарларида билиш назарияси муаммоларини муҳокама қилишда ишлатилган. П.Ватцлавикнинг 1981-йилги “Ихтиро қилинган воқелик” («Изобретенная действительность») мақоласидан кейин у кенг муомалага киритилди ва маълум бир эпистемологик позицияни билдирувчи концепция мақомига эга бўлди.

Конструктивизм тарафдорлари ушбу тушунчанинг нуқсонсиз эмаслигини таъкидлайдилар. Хусусан, П.Ватцлавик бу нуқсоннинг сабабини конструктивизм бир вақтнинг ўзида 1920-йиллар бошларидаги Совет тасвирий санъати ва меъморчилиги йўналишини билдиришида, деб ҳисоблайди[16]. Баъзи рус муаллифлари ушбу йўналишлар орасидаги алоқани топишга уриндилар. Бу эса фан ва санъатдаги ягона конструктив ҳаракат ғоясига ва ҳаттоки Совет конструктивизмини конструктивизм эпистемологиясининг кашфиётчиси сифатида намоён бўлишига олиб келди, аммо на тарихий

---

[15] Lincoln Y.S. Guba E.G. Paradigmatic contro versies, contradictions, and emerging confluences // Denzin N.K., Lincoln Y.S. (eds). The hand book of qualitative research. 2 ed. / Thousand Oaks, CA: Sage, 2000. P. 163-188.

[16] Цоколов С. Дискурс радикального конструктивизма. Традиции скептицизма в современной философии и теории познания. Mnchen: Verlag Mnchen, 2000.

ва на ғоявий маънода улар ҳеч қачон боғланмаганлиги аниқ. Иккаласини ҳам озми-кўпми умумийлик, конструктивистик санъатдаги конструкция тушунчасини "машина эстетикаси" билан формализм, механицицизм, мавҳумлик ва конструктивистик эпистемология ғоялари ўртасида ўхшашликларни излаш нақадар муаммоли эканлигини кўрсатади. Улар ўртасидаги ягона арзимас параллел ўхшашлик иккаласининг ҳам реализмга қарши бўлганлиги билан белгиланади. Нима бўлганда ҳам, эпистемологиядаги реализм ва санъатдаги реализм, айнан бир нарса эмас.

Бу конструктивизмни ўтмишдаги турли хил фалсафий таълимотларга боғлиқлиги тенденциясига ҳам тегишлидир. Албатта, узоқ ўтмишдаги ва замонавий конструктивист файласуфларнинг ғояларида маълум ўхшашликларни топиш мумкин. Масалан, Э. фон Глазерсфельднинг фикрича: Суқротгача бўлган мутафаккирлар ва олам манзарасини идрок этувчи субъектга (ҳамжамиятга) боғлиқлигини биринчи бўлиб англаган ҳамда дунёни билиш имкониятларига шубҳа қилган скептиклар таълимотида шундай ўхшашликларни топади; биз ўзимиз яратган нарсалар билан боғлиқ ҳолда якуний ҳақиқатни билишимиз мумкинлигини ишончли, деб ҳисоблаган Ж.Викони “илк ҳақиқий конструктивист” деб атайди; И.Кант ақлий категорияларнинг априор табиати ва "нарса ўзи учун" ҳақидаги ғояси билан конструктивизмнинг асосий ўтмишдоши қаторига қўшади[17]. Бироқ позициялар қанчалик ўхшаш бўлмасин, конструктивизм XX асрда пайдо бўлган ҳодисадир. Унинг замонавий психологик, социологик, антропологик, лингвистик ва нейробиологик тадқиқотларга асосланган

---

[17] Глазерсфельд Э. Введение в радикальный конструктивизм // Цоколов С. Дискурс радикального конструктивизма. Традиции скептицизма в современной философии и теории познания. Mnchen: Verlag Mnchen, 2000.

ўзига хос мунозара майдони, методологияси, тили ва аргументацияси мавжуд. Шу маънода конструктивизмни муҳокама қилишда эпистемологиянинг баъзи анъанавий муаммоларини жалб қилиш, шунингдек уни узоқ ўтмишдаги файласуфларга боғлашни баҳсли ёндашув, деб баҳоласа бўлади.

## 1.2. Конструктивизм - ижтимоий-гуманитар фанлардаги янги парадигма сифатида

Объектив реаллик (идрок этиш субъектидан мустақил) ёки ҳақиқат сифатида ягона тўғри дунёқарашнинг мавжудлиги каби тушунчалар тадқиқотчининг позициясидан қатъи назар, бирон бир предметни борича ўрганишингиз мумкин, деган фикр плюрализм, адекватлик ва эвристиклик томон етаклайди. Квант физикаси ва структуравий тилшуносликда фаол қўлланилган турли хил номлардаги ушбу методологик тушунчалар тизими конструктивизм парадигмаси сифатида гуманитар фанларда ўз асосини топиб бормоқда. Таниқли АҚШ файласуфи Т.Рокморга кўра, конструктивизм ғояларининг илдизи француз ва немис фалсафасига[18] бориб тақалади.

"Конструктивизм" атамаси илм-фан, маданият ва санъатнинг шу қадар кенг соҳаларида қўлланиладики, уни омоним деб ҳисоблаш мумкин. Шунга қарамай, ушбу атамани фалсафа, психология, социология, математика, меъморчилик, шеърият ва тасвирий санъатда ишлатишда метафорик алоқалар даражасида умумийлик мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Бу яратувчи субъект томонидан ўз фаолиятидаги зарур функционал вазифалардан келиб чиққан ҳолда кенг тарқалган идеал (математика ёки фалсафада) ёки моддий

[18] Бергер, Лукман 1995 - Бергер П., Лукман Т. Социальное конструирование реальности. Трактат по социологии знания. М., 1995.

(меъморчиликда) конструкциялардир. Масалан, Ле Корбузье конструктивизмни (когнитив эталон) - ўзи ва ўзгалар учун дунё моделини яратишда, Ж.Келли эса шахслараро муносабатлар психологиясида функционал элемент сифатида тушунишади.

"Конструктивизм" атамаси XX аср 70-йилларининг охирида гуманитар фанлардаги назарий ва услубий ёндашувларни белгилаш учун фаол муомалага киритилди. Бунда дунёнинг илмий манзарасини шакллантиришда ижтимоий қадриятлар ва когнитив мотивларнинг ролини таъкидлаш ўринлидир. Шу билан бирга конструктивизм билиш фалсафаси сифатида классик фаннинг онтологик тушунчаларига нисбатан шубҳа позицияси билан қарайди.

Фалсафа, психология, социологиядаги конструктивизмнинг методологик принципига кўра (Ж.Келли, Ж.Пиаже, А.Шюц, К.Герген, П.Бергер, Т.Лукман, В.С.Стёпин, У.Матурана, Ф.Варела, Р.Ватцлавик, И.Глазерфельд), билим тўғридан-тўғри объектда ("объектив реалликда"да) мавжуд эмас ва у абсолют реалликдан ментал реалликка ўтишни билдирмайди, балки идрок этувчи субъект томонидан муқобил ва ўзаро бир-бирини тўлдириши мумкин бўлган ҳар хил моделлар шаклида қурилади (конструкцияланади). Шу нуқтаи назардан, конструктивизм плюрализм ёки ҳақиқатнинг кўп хиллилиги позициясида туриб, "инъикос назарияси" ва унга алоқадор ҳақиқатнинг "мухбирлик" (корреспондент) назариясига зид келади[19].

Конструктивизм ва реализм позициялари ҳамда "диалектик материализм" ўртасидаги қарама-қаршиликнинг манзарасини икки таниқли психологлар ўртасидаги ёзишмалар баҳсида кўриш мумкин: мантиқ

---

[19] Вежбицкая 1996 - Вежбицкая А. Язык, Культура, Познание. М., 1996.

субъект фаолиятининг ўзига хос хусусиятини ифодалайди ва турли маданият вакиллари мантиғи бир-бирига мос келмаслиги мумкин, деган фикрни илгари сурган швейцариялик психолог Ж.Пиаже ва рус психологи П.Я.Гальперин акс эттириш назариясига тўла мос равишда фикр юритиб, мантиқ билиш объекти ва унинг ўзаро алоқаларида яширинган, деган хулосага келади. Немис файласуфи О.Шпенглер ўзининг "Европа қуёшининг сўниши" фундаментал асарида турли мантиқларнинг мавжудлиги тўғрисида фикр юритиб, Арасту мантиғи, араб мантиғи, ҳиндуизм мантиғи ҳақида ёзган эди.

Ҳақиқат ва объективлик ўртасидаги муносабатлар муаммосини синергетика асосчиларидан бири, Нобель мукофоти соҳиби И.Пригожин буюк физик, нисбийлик назарияси асосчиси А.Эйнштейн ҳамда ҳинд шоири ва файласуфи Р.Тагор билан ўзаро диалог-мунозара тарзида муҳокама қилинади. "Тагор билан диалогда Эйнштейн реаллик концепциясини ҳимоя қилади ва фан объектив борлиқни инсон мавжудлигидан қатъи назар объект сифатида тасвирлаши керак, деб таъкидлайди. Ушбу идеал образ, ҳосила мавжуд бўлмаса, Эйнштейн ҳар қандай қизиқишдан маҳрум бўлар эди. Шундай бўлсада, Эйнштейн ҳеч қачон илмий ҳақиқат объективлигини исботлаш мумкин эмаслигини тушунарди. Лекин, Эйнштейннинг реаллик концепцияси диний эътиқоднинг муайян шаклига асосланган эди. Эйнштейн ўзининг илмий ҳаётида диний эътиқоднинг фавқулоддда муҳимлигини англаган. Бошқа томондан, Тагор ҳақиқат интилаётган реалликни, хоҳ илмий, хоҳ ахлоқий ёки фалсафий ҳақиқат бўлсин, нисбий деб белгилайди: «Адабиётнинг реаллиги қоғоз реаллигидан кескин фарқ қилади. Қоғоз билан озиқланадиган куя ақли учун адабиёт умуман мавжуд эмас, аммо инсон ақли учун адабиёт қоғознинг ўзидан каттароқ қийматига эга. Худди

шунга ўхшаб, агар қандайдир ҳақиқат инсон онгига нисбатан ҳиссий ёки рационал алоқага эга бўлмаса, у биз учун абадий ҳеч нарса бўлиб қолаверади”. Шундай қилиб, Тагорнинг сўзларига кўра, ҳақиқат очиқ мулоқот тарзида тушунилиши керак, мақсад мустақил реалликка эришиш эмас, балки “универсал инсоний ақл” ўртасидаги келишувга эришишдир (яъни кишилар муносабат билдирадиган ёки билдириши мумкин бўлган муаммолар, қизиқишлар ва фикрлар тўплами) ва "индивидуал" ақл конкрет бир нуқтаи назарни ифодалайди[20].

Постноклассик фалсафа доирасида (В.С.Степин фанга киритган атама)[21], унинг хилма-хиллиги конструктивизм методологияси ҳамдир. Билиш маҳсулига (тушунчалар, назариялар, моделлар) нафақат билиш объекти хусусиятлари, балки субъект (маданияти, мотивацияси ва тавсифлаш тили билан), шунингдек, билиш воситаларининг ўзига хос хусусиятлари (сезги органлари ва субъектнинг идрок этиш стандартларидан тортиб электрон микроскоп каби мураккаб техник воситалар мавжудлиги, циклофазотрон ёки радио телескоп) ҳам таъсир қилади. Билишнинг операцион (инструментал) воситалари когнитив моделлар доирасини белгилайди, бу ерда объектдан келадиган маълумотлар билан бир қаторда (классик илм-фанга кўра, сезги ва инструментал воситалар ўз имконияти даражасидаги маълумотларнигина билиши мумкин)[22] дунёнинг моделларини қуришда (конструкциялашда) билишнинг қадр-қимматли-мотивацион компоненти ҳам (изланиш соҳаси ва унинг чекловларини белгилайдиган хислатлари) мавжуд. Маълумки, дунё ҳақидаги билим ва

---

[20] Выготский Л.С. Собрание сочинений в 6 томах. М., 1982.

[21] Гринберг Р.С. Пятнадцать лет рыночной экономики в России // Вестник Российской Академии наук. 2008. № 7.

[22] Гриндер Д., Бэндлер Р. Структура магии. М., 1995.

маълумотлар айнан эмас. Дунё ҳақидаги билимлар субъектга объектнинг идрок қилинувчи маданий ва тарихий жиҳатлари орқали таъсир қилади ва кенг маънода унинг тавсифлаш тили, табиий тилнинг сўз бойлиги ва грамматикасининг хусусиятларига, математик формализм ва визуал воситалар, жумладан кино, телевидение ва интернетнинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Дунёнинг манзараси билиш субъектининг (якка ёки жамоавий) мотивацион соҳасининг ҳосиласи бўлиб, у билишнинг инструментал воситаларининг ривожланиш даражаси ва табиати, идрок қилувчининг образлари орқали яратилади.

"Конструктивизм" тушунчаси аниқ белгиланган семантик чегараларга эга эмас ва маълум бир муаллиф концепциясини англатмайди. Бу ҳам концептуал, ҳам ёндашув сифатида, содда реализм ва вульгар материализмга нисбатан фаол муносабатни ифодалайди. Конструктивизм ғояси конструктивистик ёндашув асосида бир қатор мутафаккир ва олимларда учрайдиган, у ёки бу комбинацияда бир қатор конструктив ғояларни ўз ичига олади.

Тилнинг билишдаги воситачилик роли ғояси В.Гумболдтга бориб тақалади, у “турли тиллар бир объектнинг турли хил белгилари эмас, балки унинг турли хил талқинлари”, деб ҳисоблаган. Э.Сепир - Б.Уорф ғоялари у ёки бу миллий тилнинг турли маданиятлар вакилларининг фикрлаш хусусиятларида ва улар дунёқарашининг мазмунида ҳал қилувчи ролини ўз зиммасига оладиган "лингвистик нисбийлик" гипотезасини шакллантирган. Л.С.Виготскийнинг маданий-тарихий назарияси (1982) инсон билимлари эволюциясини ва уни ижтимоий онгнинг маданий ўзига хос шакллари (таълим, фан, санъат) билан белгиланишини таъкидлайди.

XIX асрнинг охирида фанни “табиий фанлар” (табиатшунослик) ва “руҳият фанлари” (гуманитар фанлар)га бўлиниши доирасида В.Дильтей “ижтимоий воқелик” тушунчасини киритди. Кейинчалик у А.Шюц, П.Бергер, Т.Лукман асарларида кенг қўлланилиб, субъектив ғояларни, эътиқод ва фантастика элементларини ушбу тушунчага боғлашга ҳаракат қилишди. "... ижтимоий воқелик эътиқод ва ишонч элементларини ўз ичига олади, - деб ёзади А.Шюц, - чунки иштирокчилар уларни шундай белгилайдилар ва ҳиссий кузатувдан четда қоладилар. XVII асрдаги Салем аҳолиси учун сеҳргарлик алдов эмас, балки улар учун ижтимоий ҳақиқатининг элементи бўлган ва натижада у ижтимоий фанларни ўрганиш предмети бўлиб ҳисобланган»[23]. Рус тарихчилари И.М.Савельева ва А.В.Полетаевлар таъкидлаганидек, «Ижтимоий воқелик инсон фаолиятининг маҳсулидир, шунинг учун диний ва табиий-илмий билимларнинг асосини ташкил этадиган билиш субъектларига нисбатан билиш объекти олдиндан мавжудлиги ҳақидаги тезисни ижтимоий воқелик ҳақидаги билимларга татбиқ этиш мумкин эмас. Феноменологик социология нуқтаи назаридан, ҳар қандай билим маълум маънода объектнинг ўзи билан айнан бўлиб, объект ҳозирги мавжуд жамоа ғоялари мажмуидир»[24]. Объектив ижтимоий воқеликни инкор қиладиган социологлар ва тарихчилар томонидан ишлаб чиқилган "ижтимоий реаллик" концепцияси В.П.Зинченко ва М.К.Мамардашвили тадқиқотларида қўлланган “психологик ҳақиқат” тушунчасига яқин бўлиб[25], бунда

[23] Джержен (Герген) К. Дж. Социальный конструкционизм: знание и практика. Минск, 2003.
[24] Зинченко В.П., Мамардашвили М.К. Проблема объективного метода в психологии // Вопросы психологии, 1977.
[25] Касавин И.Т. Истина // Новая философская энциклопедия. Т. II. М., 2001.

патологик жараёнлар, онгсизлик ҳолати ва хаёлотларга нисбатан руҳий воқелик мақоми инкор этилмайди, чунки уларнинг субъект онгида бўлиши унинг фаолияти ва қабул қилган қарорларига таъсир қилади.

Ижтимоий реаллик асосан у ҳақда ўйлаётган фикрларимиз билан белгиланади ва оммавий ахборот воситалари орқали аста-секин ижтимоий онгга кириб боради. “Замонавий дипломатия, - деб ёзади “Новая газета” мухбири, - агар у мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишда самарали бўлишини истаса, ... телевизион янгиликларни оммага узатиш қоида-қонунларини қабул қилиши керак. Сиёсатчиларимизнинг кенг табассумлари, хушчақчақ, аммо мулойим сўзлар ва енгил-елпи тортишувлари кўнгилни айнитади. Бу бизнинг чуқур маданий ўзлигимизга зиддир. Бироқ, ҳозирги кунда дунё сўзлар билан яшайди ва айнан сиёсатчилар аслида муайян муносабатлар тизимини шакллантирадилар”[26].

Конструктивизмга дунёни англаш ғояси ва ёндашуви сифатида қараётган бўлсак, билиш субъекти дунёнинг моделларини яратиб, у орқали сабаб ва оқибат занжири принципига кўра ижтимоий воқеликни аниқлайди. Идрокда моделларни яратиш (конструкциялаш) ғояси швейцариялик психолог Ж.Пиаже тадқиқотларида мавжуд бўлиб, у фикрлашнинг психологик когнитив тузилмаларини тавсифлаш учун мантиқ ва кўплик назариясидан фойдаланган. Шунингдек, ўзининг “шахслараро конструкциялар" ҳақидаги назариясини "конструктивистик альтернативизм”, деб таърифлаган америкалик психолог Ж.Келли дунё ҳақида ўзи ва ўзгалар ўртасида бўлиши мумкин бўлган моделларининг кўплигини таъкидлади. Ж.Келли дунёнинг манзарасини тушунишни оддий одам билан олам ҳақида фаразлар

[26] Келли Дж. Теория личности. Психология личностных конструктов. СПб., 2000.

яратадиган, уларнинг адекватлигини текширадиган ва уларни тузатадиган олимни таққослаш орқали кўриб чиқади. Шуни таъкидлаш керакки, конструктивистик ёндашув ўз методологиясининг ўзига хос тилини (тезаурусини) яратади. Конструктивизм доирасида назариянинг (моделнинг) чинлиги ёки ёлғонлиги ҳақида эмас, балки илмий характер ва рационал фикрлаш мезонларига, дунёнинг илмий манзарасига мувофиқлиги (ёки номувофиқлиги) ҳақида гапириш лозим. Билим соҳаларининг назарий конструкциялари таққослаганда, конвергент асосланганлик, башорат қилувчи (прогностик) куч, у тушунтирадиган ҳодисалар доирасини қамраб олишнинг кенглиги, унинг ички изчиллиги, қисқа ҳамда соддалиги ва ҳатто гўзаллиги эътиборга олинади. "Бу асло ҳудуд эмас, балки харитадир", - дея таърифланади нейролингвистик дастурлаш асосчилари Р.Бэндлер ва Д.Гриндерлар томонидан[27]. Конструктивизм методологияси доирасида билиш субъекти ва унинг когнитив ҳаракатлари натижасида юзага келадиган эмпирик фактология, унинг назарий қурилиши, субъектнинг ўз билими ва унинг мотивларини ифодалайди. Маданий стереотиплар ва ғояларнинг таъсири, тил ва "ижтимоий буюртма" ягона контур сифатида мураккаб динамик тизим билим фаолиятига киритилган бўлиб, унинг маҳсули "объектив реаллик" ёки "воқелик" деб аталади.

Ҳатто ўз "мен"и ҳам инсон томонидан бу "объектив реаллик" сифатида сўзсиз ишончли воқелик сифатида идрок этилади. Конструктивизм методологиясида у онгли ва онгсиз таркибий қисмларни ўз ичига олган ўз-ўзини англаш фаолиятининг мураккаб тузилиши сифатида қаралади. "Мен" нафақат ўзининг автопортретини

[27] Коровкин В. Обама и мы // Новая газета. Свободное пространство. 2008. № 44.

(қиёфасини) яратади, балки танлаш ва ҳаракатларни бажариш эркинлигига эга бўлиб, ўзини ўзи қуради (контрукциялайди). Нобель мукофоти лауреати Д.Канеман “мен”ни бошдан кечирувчи (ҳис қилувчи) ва автобиографик хотирани яратувчиларга ажратади. Нарратив (ҳикоявий) психология ва психотерапияда (Ж.Брунер, Т.Р.Сарбин, Д.М.Адамс) бошқачароқ талқин қилинади, яъни психотерапевт томонидан изоҳланган беморнинг ҳаёт йўлидаги энг муҳим воқеаларни содир этишдаги вазиятни белгилаши, шахсиятининг ўзгариши бемор қарашларидан фарқли бўлиши мумкин. Автобиографик хотира нарратив психологияда ўтмиш хотиралари омбори сифатида, уларнинг ўзгармаслиги ва музлаб қолгани каби эмас, балки ҳозирги замоннинг долзарб вазифалари ва шахс эҳтиёжлари асосида ўтмиш талқинларини тузадиган динамик механизм сифатида олиб қаралади.

Ҳақиқатнинг кўп хиллиги принципи постмодернизмга хосдир (М.Фуко, Ж.Деррида, Р.Барт, Ж.Ф.Лиотар). Аммо унинг келиб чиқишини Шарқ ва Ғарб диний фалсафасида кўриш мумкин. Хусусан, буддизмда ушбу мавзуда шеърий образ берилган: «Инсон учун Ганг дарёси бўлган нарса, оч руҳ учун йиринг ва ифлосликлар оқими ҳамда худо учун озуқа оқими бўлади». Шундай қилиб, рус шарқшуноси Е.А.Торчинов таъкидлаганидек, Йогочара мактабининг буддистлари ушбу субъектив "Ганга"нинг ортида қандайдир объектив, "чин" Ганга борлигини таъкидлашнинг иложи йўқ, деб ҳисоблашади[28].

Билишнинг нисбийлиги қадимги юнонлар орасида - Гераклитнинг битта дарёга икки марта кириб бўлмайди, деган хитобида учрайди. Ўрта асрларда Фома Аквинский

[28] Лекторский В.А. Эпистемология классическая и неклассическая. М., 2001.

бу ғояни Худо учун ҳақиқат инсон учун ҳақиқатдан кўра анча тўла ва ҳажмлидир, деган ҳукмда ифодалади. Турли хил маданият вакилларининг дунёқарашини таққослаш К.Леви-Брюлни ибтидоий маданият одамлари тафаккурининг замонавий инсон тафаккуридан фарқи тўғрисида хулоса чиқаришга ва "прологик тафаккур" (олд тафаккур) тушунчасини киритишга олиб келди. Турли давр ва маданиятларга хос бўлган дунёқарашдаги фарқлар, ментал хусусиятлар О.Шпенглер, Франция тарихий мактаби - “Аннал” вакиллари (М.Блок, Л.Февр) ва А.Я.Гуревич асарларида тасвирланган.

Конструктивизмнинг пайдо бўлаётган услубий парадигмасига шубҳасиз, А.Эйнштейннинг нисбийлик назарияси ва Н.Борнинг "комплементарлик" принципи, кузатувчи (тадқиқотчи) позициясини ҳисобга олган ҳолда ва муқобил назария ҳамда моделларнинг биргаликда яшаш ва бир-бирини тўлдириш имкониятини постулация қилиш ҳақидаги қарашлари таъсир ўтказди. Зеро, буддизмда кўрсатилганидек, буюк Ҳақиқатнинг муқобили ҳам буюк Ҳақиқатдир. А.Вежбицкаянинг таъкидлашича[29], шахссиз гаплар мавжуд эмас, макон ва вақтнинг маълум бир нуқтасида ҳамма вақт субъект жойлашган бўлиб, уни идрок этишда ушбу жараён амалга оширилади. Кузатувчининг мавқеи, кузатиш воситалари, қадриятлар тизими ва тавсифлаш тили билиш ҳосилаларини тузилишида албатта иштирок этади. Шу муносабат билан конструктивистик парадигманинг етакчи тамойилларидан бирини ифодалаш мумкин, яъни, унга кўра олим нафақат реалликни ўрганади, балки уни яратади, қуради (конструкциялайди). Радикал конструктивизм Гергеннинг сўзлари билан айтганда, ментал конструктивистик фаолият янада ривожланади,

[29] Матурана У., Варела Ф. Древо познания. М., 2001.

К.Кнорр-Цетинвнинг фикрига кўра эса, олимлар лаборатория ҳудудида ёпиқ ўзларининг "илмий воқелиги"ни ишлаб чиқарадилар. Бу конструктивистик модел ягона илмий реалликдир. Бизнинг фикримизча, радикал конструктизмнинг бундай позицияси ҳаддан ташқари ортиқча оқибатларга олиб келади ва дунёнинг манзарасини яратишда билиш субъектининг иштироки тўғрисидаги хитоб идрок объектининг ўзини инкор қилишни англатмайди. Кантнинг "нарса ўзида" сифатидаги билиш объекти бизга фақат унинг модел шакллари орқали берилганлиги билан намоён бўлиши бошқа масаладир. Биз дунёни англаймиз, унинг турли хил моделларини яратамиз, уларни онтологизация қиламиз ва уларни билиш объекти деб биламиз.

"Конструктив альтернативизм" ва шахсий конструкциялар назариясининг асосчиси Ж.Келли анча мўътадил услубий позицияни ишлаб чиқади. Ж.Келлининг асосий ғоясига кўра[30], «шахсий хулқ-атвор воқеаларни кузатиш орқали конструкцияларнинг йўналишлари бўйлаб тузилади».[31] Шунга ўхшаш фикрни С.Л.Рубинштейн "онг ва фаолият бирлиги" ҳақидаги таълимотида баён қилган.

Маънолар тизими, инсон онгининг даражалари ижтимоий воқеликни идрок этиш ва англашда воситачилик қилади. Янги тушунчаларни жорий этиш, шу билан дунё инъикосининг категориал тармоғини ўзгартириш Ж.Келли принципга кўра, инсон хатти-ҳаракати бу айланма сабаб ва оқибат занжири натижасида ижтимоий реалликнинг ўзини ўзгартиради. Ж.Деррида ушбу фикрни қуйидагича ифодалайди: «Ижтимоий-

---

[30] Назаретян А.П. Истина как категория мифологического мышления //Общественные науки и современность. 1995. № 4. С. 105-108.

[31] Петренко В.Ф. Конструктивистская парадигма в психологической науке // Психологический журнал. 2002. № 3. С. 113-121.

психологик тадқиқотлар тузилиши нуқтаи назаридан субъект маданий ҳаётнинг янги шаклларини яратишда иштирок этишга қодир. Психология янги назарий тилларни, тадқиқот амалиётини, ифода шаклларини ва аралаш усулларини ишлаб чиқиш орқали маданий трансформацияга қулай шароит яратади»[32]. Дарҳақиқат, замонавий илмий жамоаларда билимлар нафақат ижтимоий воқеликни руҳан ўзлаштиришнинг усули, балки уни амалий яратиш воситасидир. Шу муносабат билан социолог Н.Е.Покровский, олимлар жамоаси нафақат экспертлик функциясини, балки фаолиятнинг "драматурглари" вазифасини ҳам бажаради, деб таъкидлайди. Тарих мутафаккир қаламидан ҳосил бўлади, сиёсатчилар ва оммавий ахборот воситалари томонидан эътироф этилади, одамлар онгига киради ҳамда миллионлаб омма томонидан амалга оширилади. Аммо бошида фақат сўз бор эди[33]. Машҳур америкалик иқтисодчи Ж.Кейс томонидан дунё яратилиши ҳақида шунга ўхшаш фикрни учратишимиз мумкин. «Иқтисодий ва сиёсий мутафаккирларнинг ғоялари улар тўғри бўлганида ҳам, нотўғри бўлганда ҳам, тасаввур қилинганидан кўра кўпроқ аҳамиятга эга. Аслида дунёни фақат улар бошқаради ва осмондан ваҳий кутадиган иқтидордаги ақлдан озганлар эса ўзларининг ғояларини бир неча йил олдин ёзилган баъзи қарашлардан ҳосил қилишади»[34]. Шу фикрни қайд этиш мумкинки, ғоялар ҳали ҳам “ғайбдан келади” ва улар Кейс таъкидлаганидек, сиёсатчилар кўпинча уларни фақат намоён қилишади,

[32] Петренко В.Ф. Психосемантика как направление конструктивизма в когнитивной психологии // Когнитивный подход: философия, когнитивная наука, когнитивные дисциплины. М., 2007. С. 435-463.
[33] Пригожин И., Стенгерс И. Время. Хаос. Квант. К решению парадокса времени. М., 2009.
[34] Рокмор Т. Кант о репрезентационизме и конструктивизме// Эпистемология & Философия науки. 2005. № 1. С. 35-46.

баъзан эса онгсиз равишда плагиат қилишади. Нима бўлганда ҳам ҳар ким ўзича ҳақ, буни инкор этиб бўлмайди.

## 1.3. Илмий тафаккур тарзи ва унинг конструктив трансформацияси

Тафаккур тарзида ўзининг ғоявий-концептуал ўрнига эга бўлган тарихийлик тамойили, интенцияси, изланиш объектларига нисбатан умумий йўналиш, умумий тасаввур берилади. Тафаккур тарзи сифатида тарихийлик олимга уфқ, муҳит яратади. Объектнинг кечаги куни, бугуни ва эртаси борлигини кўзда тутиш ҳисобга олинади.

У ёки бу тафаккур тарзига хос бўлган хусусият дастлаб илмий ва фалсафий тадқиқот соҳаларининг айрим йўналишлар доирасида вужудга келади, кейинчалик эса назарий фаолиятнинг бошқа соҳаларига ўтади. Бунга механистик, физикавий, тизимли, кибернетик, синергетик, экологик тафаккур тарзларининг шаклланиши, замон руҳиятининг, шу жумладан, назарий тафаккурнинг етакчи сиймосига айланишлари мисол бўлади.

Тафаккур тарзи маълум тарихий даврга мос келувчи фикрларни, интеллектуал фаолиятнинг умумэътироф этилган жиҳатларини ифодалайди. Авваламбор, унда маълум тарихий давр руҳияти ва илмий идеалларига мос келувчи фикрлар ифодаланади. Аниқ шакллантирилган ва асосланган илмий методлардан тафаккур тарзининг асосий фарқи шундаки, тафаккур тарзи илмий ҳамжамият томонидан бошқариладиган, билишнинг асосий тўғри қонунлари ҳақидаги қатъий бўлмаган қадриятли билимларни ифодалайди.

Классик табиатшуносликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлган илмий тафаккур тарзининг келиб чиқиши, генезисини таҳлил қилиш жараёни, унинг детерминациясида яширин ижтимоий маданий механизмлар мавжудлигини кўриш имконини беради. Тафаккур тарзининг ана шундай асосий детерминацияларига: ижтимоий-иқтисодий ҳаракатлар, инқилоблар, анъанавийлик ва янгиланиш ўртасидаги кураш, фаннинг институционал ташкиллашганлиги, фандаги алоқалар тизими ва таълим тизимлари кириши мумкин. Булар тафаккур тарзи ва фаннинг янги парадигмаларининг шаклланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Тафаккур тарзи тадқиқот усулини ишлатишнинг тарихий ёки анъанавий томонини билдиради. Тафаккур тарзида тадқиқот фаолиятининг маданияти, даражаси, конкрет-тарихий тадқиқот сиймоси ифодаланади.

Шу билан бирга, тафаккур тарзи, унсурларининг таркиби эволюцион тарзда, парадигмал алмашинув даврида эса инкилобий равишда ўзгариб боради, яъни, тафаккур тарзи трансформацияси содир бўлади.

Индустриал жамиятнинг шаклланиши янгиликка нисбатан ижобийлик ва яратувчанлик муҳитини юзага келтирди. Бу жамият машинали ишлаб чиқариш, бозор иқтисодиёти, меҳнатни илмий ташкил қилиш, техник, ташкилий ва иқтисодий рационаликка (оқилона иш юргизишга) асосланган. Янгиликка бўлган интилиш, янгиликни тадбиқ қилиш орқали такомиллашиб бораётган эҳтиёжларни қондириш, турли хизмат кўрсатиш соҳаларини яратиш доимий жараён тусини олади. Табиийки, ижтимоий янгиланиш, унинг назарий ва амалий масалалари тадқиқот предметига айланди. Мазкур тадқиқот, объекти ва предметининг шаклланиш жараёнида "Инноватика" фани вужудга келди.

Илмий тафаккур тарзининг конструктивлиги ва ўзгарувчан хоссалари ҳамда қонуниятларини тадқиқ қилиш учун зарур бўлган назарий ғоялар, ёндашувлар ишлаб чиқилди. Ижтимоий ҳаётда илмий тафаккурнинг конструктив трансформациясига объектив ва субъектив, ички ва ташқи кучлар, турли омиллар таъсир кўрсатади.

Ҳозирги замон тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси, концептуал моҳияти, унинг ижтимоий зарурияти, ёш мутахассислар ва олимларнинг касбий малакани эгаллашидаги методологик вазифадир.

***Конструктивизм парадигмасининг илдизлари ва тармоқлари ҳақида мулоҳаза.*** Конструктивистик парадигманинг ғоявий маконини ташкил этадиган назарияларни уч йўналишга ёки тармоқларга бўлиш мумкин: 1) тор маънодаги конструктивизм; 2) радикал конструктивизм; 3) ижтимоий конструкционизм. Учаласи ҳам тарихий жиҳатдан асосан бир-биридан мустақил равишда ривожланиб, турли постулатларга, анъаналарага ва тадқиқотларга таянган ҳамда реал мавжудликка нисбатан ўзгача ёндошган. Конструктивизм (тор маънода): тил, маданият ва дунёни категориялаштирадиган йўналишдир. Мазкур йўналиш заминида Ж.Пиаженинг генетик эпистемологияси, Ж.Келлининг шахсий конструктивизми, Дж.Брунернинг категориялаш (категоризация) назарияси, П.Бергер ва Т.Лукманнинг билишнинг феноменологик социологияси, Н.Луманнинг ижтимоий тизимлар назарияси ётади. Конструктивизмнинг етук шаклланган назариялари сифатида А.Шюцнинг феноменологик социологияси, Ж.Миднинг символик интеракционизми ва Л.С.Виготскийнинг маданий-тарихий психологиясини таъкидлаб ўтиш мумкин. Ушбу йўналишлар 1950-1960-йилларда психология ва социологияда пайдо бўлди ва ривожланди.

Конструктивизм - бу психология, социология, фалсафада билишнинг конструктив табиати, онгнинг лингвистик ва маданий-тарихий боғлиқлиги, дунёни билиш ва тушуниш конструктларининг индивидуаллиги, конструктив альтернативизм (воқеликни изоҳлашнинг концептуализацияси) каби кўплаб усуллари ҳамда, ҳақиқат плюрализми ҳақидаги турфа хил назарияларни ўз ичига оладиган таълимотлар ва ёндашувлар мажмуидир.

Ушбу йўналишнинг марказий ғояси билиш акс эттириш сифатида эмас, балки субъектнинг онгида маълум нарса ва ҳодисалар образини фаол равишда қуриш сифатида тушунилади. Ж.Келли таъкидлаганидек: “Ҳодисалар бизга нимани ва қандай қилиш кераклигини уқтирмайди, улар фақат ўзларининг кетма-кетлигида рўй бериб туради, холос. Агар бирор нарса бизнинг фикрларимизни ва фаолиятимизни бошқараётган бўлса, билингки бу биз яратган структурадан бошқа нарса эмас”[35]. Ж.Пиаже экспериментал тадқиқотларида билиш жараёни янги тажриба асосидаги материални инсоннинг онтогенезида шаклланган, яъни аввал эгалланган сенсомотор ва концептуал структураларга редукция қилиш орқали ҳосил бўлади, деган хулосага келади[36].

Конструктивизмнинг асосий тушунчаларидан бири конструкт (категория, категоризация, таснифлаш, тоифалаш ва ҳ.к.) тушунчаси бўлиб, ундан "конструктивизм" тушунчаси келиб чиқади. Умумий маънода, конструктлар бу дунёни талқин қилиш усуллари, инсон ҳодисаларни олдиндан прогноз қилиш учун яратадиган ва у орқали дунёни идрок этадиган таснифлаш ва баҳолаш форматларининг бир туридир. Торроқ маънода, Ж.Келли конструкцияларни индивидуал

---

[35] Келли Дж. Теория личности: психология личных конструктов. СПб.: Речь, 2000. Mead G. Mind, self and society. Chicago: Univer sity of Chicago Press, 1934.
[36] Пиаже Ж. Генетическая эпистемология. 5е изд. СПб.: Питер, 2004.

биполяр маъно сифатида талқин қилиб (масалан, "яхшилик-ёмонлик", "моҳир-ландовур" ва бошқалар), унда биз жараёнларни тасвирлаймиз, баҳолаймиз, деб изоҳлайди[37]. Шуни таъкидлаш керакки, конструктивизм конструктларнинг (билимлар) реалликка кўпроқ ёки камроқ даражада мос келиши ва натижада озми-кўпми чин билимлар, назариялар ва талқинларнинг имкониятларини тан олади. «Дунёни талқин қилишнинг турли хил усуллари мавжуд. Улардан баъзилари бошқаларга қараганда, шубҳасиз яхшироқдир. Инсоний нуқтаи назаримиз бўйича, улар кўпроқ ҳодисалар тўғрисида аниқроқ прогноз қилишга ёрдам бергани учун ҳам, яхшироқдир. Дунёнинг мутлақ талқинини амалга ошириб бўлмаганлиги боис, биз унга бир қатор кетма-кет яқинлашиш билан кифояланишга мажбур бўламиз»[38].

***Радикал конструктивизм.*** Ушбу назариялар гуруҳини П.Ватцлавикнинг коммуникатив конструктивизми, Э. фон Глазерсфельднинг радикал конструктивизми, Х. фон Фёрстернинг ёпиқ доира эпистемологияси, У.Матурана ва Ф.Варелаларнинг автопоэтик структуралар назарияси ҳамда Г.Ротнинг нейробиологик конструктивизми кабилар ташкил этади. Радикал конструктивизм тарафдорлари ўз позицияларини асослаш учун нафақат психология ва антропологияга, балки кибернетика, нейробиология фанлари, коммуникация, тизимлар ва ўзи-ўзини ташкиллаштириш каби назарияларига мурожаат қилишади (Н.Винер, Р.Эшби, Г.Бейтсон ва бошқаларнинг ғоялари). Ушбу йўналишнинг вужудга келиши тахминан XX аср 70-йилларининг ўрталарига тўғри келади.

---

37 Келли Дж. Теория личности: психология личных конструктов. СПб.: Речь, 2000.
38 Келли Дж. Теория личности: психология личных конструктов. СПб.: Речь, 2000. Шюц А. Избранное: Мир, светящийся смыслом. М.: РОССПЭН, 2004.

Радикал конструктивизм - бу қабул қилинган дунёни тирик тизим томонидан конструктланган ғояларига, когнитив тизимларнинг информацион доираси ва ўз-ўзига референт бўлиш (ўзини тавсифлаш), билимнинг яроқлилиги ва яшовчанлиги принципи, кузатувчининг кузатилаётган нарсадан ажралмаслиги, автопоез (тизимнинг ўз фаоллиги эвазига тартибни ташкиллаштириш қобилияти) ҳақидаги ғояларни қамраб олади.

Радикал конструктивизм ва тор маънода конструктивизм позициясининг фарқи билиш жараёни ғоясининг (билиш назариялари ва соғлом ақл нуқтаи назаридан) ўта конструкциялашганлигида бўлиб, маданиятнинг биологик организмлар, асаб тизими ва мия хусусиятларининг таъсири таҳлилига эътибор қаратилади. Ушбу йўналишнинг тарафдорлари ташқаридан билим олишнинг иложи йўқлиги, воқеликни ҳар қандай кўчириш, кашф этиш, акс эттириш мумкин эмаслиги ҳақида гапиришади, бу эса тирик организмларнинг ахборот изолацияси - когнитив манзара чегарасидан чиқиб кетишнинг иложи йўқлиги билан боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, бизнинг билимларимиз асосан атроф-муҳит билан ўзаро боғлиқлиги шароитида организм, асаб тизими, мия ва тилимизнинг структуравий ва функционал ташкил этилишининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Радикал конструктивизмнинг марказий ғояси шундан иборатки, билим объектив воқеликнинг тасвири эмас, аксинча ҳаёт жараёнида ўз тажрибасини тартибга солиш ва мувофиқлаштиришнинг маълум бир усули ҳисобланади[39]. Шунинг учун ҳам, эпистемологияда

---

[39] Глазерсфельд Э. Введение в радикальный конструктивизм // Цоколов С. Дискурс радикального конструктивизма. Традиции скептицизма в современной философии и теории познания. Mnchen: Verlag Mnchen, 2000.

ҳақиқатга мослик тушунчаси ва биологияда организмларнинг ҳақиқатга мослашиши концепцияси ўрнига Э. фон Глазерсфельд яроқлилик (билим, назариялар) ва ҳаётийлик (организмлар, когнитив структуралар) тушунчаларини таклиф қилади.

Радикал конструктивизмнинг асосий тушунчаларининг аксарияти кибернетикадан олинган. Жумладан, Х. фон Фёрстернинг концепциясида айланма сабабийлик, информацион доира (замкнутость) ва ўз-ўзини референтлаш ғоялари онгнинг "мен"и, билиш жараёни ва назарияси асосий ўринни эгаллайди[40]. Радикал конструктивизмнинг аргументациясида муҳим ўринни У.Матурана ва Ф.Варела томонидан тузилган автопоез ғояси эгаллайди. Тирик тизимларнинг яхлитликни автоном равишда сақлаб қолиш қобилияти, ўзаро таъсирлар тармоғи орқали янги компонентлар ва хусусиятларни шакллантиради. Шу нуқтаи назардан онг, ақл, рефлексия лингвистик рекурсивлик феноменининг моҳиятидир[41].

***Ижтимоий конструкционизм.*** Ушбу оқим асосчилари сифатида К.Герген, Р.Харре, Ж.Шоттерлар эътироф этилади. Ушбу йўналиш билан боғлиқ бўлганлар: Ж.Ж.Поттер ва М.Уэзереллнинг дискурсив психологияси, Т.Сарбина ва Ж.Брунернинг нарратив (ҳикоявийлик) психологияси, Г.Херманснинг диалогик “мен” назарияси ҳисобланади. Ушбу йўналиш тарафдорлари постмодернизм ва пострyктурализм ғояларидан ташқари нарратология, герменевтика, диалог фалсафаси, нутқ актлари назарияси, адабиётшуносликка (Ф.Ницше, Л.Витгенштейна, М.Фуко, М.М.Бахтин ва бошқаларнинг

---

[40] Ферстер Х. О. конструировании реальности // Цоколов С. Дискурс радикального конструктивизма. Традиции скептицизма в современной философии и теории познания. Mnchen: Verlag Mnchen, 2000.

[41] Матурана У., Варела Ф. Древо познания. М.: Прогресс Традиция, 2001.

ғоялари) таянади. Ижтимоий конструкционизм XX аср 70-йилларнинг охирларида ижтимоий психология доирасида пайдо бўлди.

Ижтимоий конструкционизм ижтимоий фанларнинг йўналиши сифатида, кишилар ўртасидаги ўзларининг "мен"ларини тузишда нутқ ва муносабатларнинг асосий ролини англаб олиш, барча умумий абсолют ҳақиқатлар ғоясидан воз кечиш зарурати, хулқ-атвор стандартлари ва психологик жараёнларни муайян жамоаларнинг маданияти ва тарихи билан боғлиқ ҳолда турли хил дискурларни (тиллар ва дунёни талқин қилиш усуллари) ўзаро бойитишга, одамларнинг онгини трансформациялаштиришга ва ижтимоий ўзгартиришга чақиришдан иборат.

Ижтимоий конструкционизм ғарб фалсафаси ва когнитив илм-фан учун анъанавий, билишни субъект томонидан идрок этиш ва оқилона фикрлаш маҳсули сифатида талқин қилишга зиддир. Айнан шу жойда ижтимоий конструкционистлар конструктивизм вакиллари ва "Мен" концепциясидан ажралиб чиқадилар. Бу биз учун картезианчиликдан неокантчиликка ва рус диний фалсафасига ўтадиган классик талқинга ишора қилади: “Мен” эмпирик, трансцендентал инстанция, ички, маънавий моҳият, жамиятдан ташқари ва маданиятдан устунлиги билан изоҳланади. Г.Херманс М.М.Бахтиннинг бу ғояларига қарши чиқади ва "мен"ни бошқа кишилар билан мулоқотда шаклланган ва кўплаб "овозлар"нинг боғланиши натижасида ҳосил бўлган, ҳикоя характеридаги мураккаб полифоник тузилиш сифатида талқин қилади[42]. Умуман олганда, "мен", "ҳақиқат" ва бошқа бир қатор тушунчаларининг изоҳи ўтган асрнинг 30-йилларда вужудга келган фалсафий тилни тарғиб

[42] Hermans H.J.M. The dialogical self: Toward a theory of personal and cultural positioning // Culture & Psychology. 2001. V. 7(3). P. 243-281.

қилиш томон кескин бурилишни акс эттиради ва ўша даврнинг деярли барча асосий фалсафий йўналишлари: герменевтика, диалогик фалсафа, экзистенциализм, радикал конструктивизм лингвистик фалсафага мурожаат қилади. Биз дунёни онгимизда индивидуал равишда эмас, балки биргаликда - суҳбатда, келишувларда, ижтимоий амалиётда қурамиз (конструкциялаймиз)[43]. Ижтимоий конструкционистлар конструктивистик назарияларнинг қадр-қимматини таъкидлаб, психологиядаги ёндашувларни танқид қилади, идрок этувчи субъект ва индивидуал конструкцияларнинг дунё қиёфасини шакллантиришдаги ролини эътироф этадилар. Турли хил психик структуралар мавжудлиги танқидий равишда қабул қилинмай, ҳақиқатнинг баъзи "конструкциялари" бошқаларидан устунлиги тан олинади[44].

Ижтимоий конструкционизм нуқтаи назаридан биз мавжуд, реал, қадрли, гўзал, тўғри, илмий ёки маънавий идрок этишга лойиқ, деб билган ҳамма нарсалар бошқа кишилар билан муносабатларда тил орқали қурилади. Оламнинг ранг-баранг конструкциялари турли хил жамоаларда (ҳамжамиятда) (этник, профессионал, илмий, диний) “мен”нинг мавжудлиги ва “Мен” қадрли эканлиги тўғрисидаги қарашлар гуруҳ ичидаги ўзаро келишув билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай қилиб, ҳамжамият тушунчалари, кишилар ўртасидаги муносабатлар, ижтимоий конвенциялар, тил, нутқ, нарративлик, диалог ва ижтимоий амалиёт ижтимоий конструкционизм учун асосий тушунчалар бўлиб қолади. К.Гергеннинг фикрига

---

[43] Улановский А.М. Теория речевых актов и социальный конструкционизм // Постнеклассическая психология. Журнал конструкционистской психологии и нарративного подхода. 2004. № 1. С. 88-98.

[44] Gergen K.J. Realities and relationships: soundings in social construction. Cambridge (MA): Harvard University Press, 1994. Raskin J.D. Constructivism in psychology: Per sonal construct psychology, radical construc tivism, and social constructionism // Amer. Communication J. 2002. V. 5. Iss. 3. P. 7-24.

кўра, ижтимоий-конструкционистик тадқиқотлар, биз объектив билим деб ҳисоблаган нарсаларни, ишлаб чиқариш усулларини тушунишга, адабий ва риторик асослаш усулларини ўрганишга, қабул қилинган нарсаларнинг ғоявий ва қадрлилигининг тарихий илдизларини аниқлашга қаратилган[45]. Ушбу турдаги тадқиқотлар “сифатли тадқиқотлар” гуруҳига кириб, замонавий тез ривожланаётган психология ва ижтимоий фанлар методологиясининг соҳаси ҳисобланади[46].

***Конструктивизм парадигмасининг асосий қоидалари.*** Конструктивизм, радикал конструктивизм ва ижтимоий конструкционизм йўналишлари ўртасидаги мавжуд фарқларга қарамай, улар аниқ бир умумийликка эга. Ж.Раскиннинг таъкидлашича, учаласи ҳам билимга нисбатан талқин сифатида қаралади[47]. Шунингдек, эпистемологиянинг муҳим муаммолари (билиш муаммоси, ҳақиқат ва билим сифати мезонлари) билан боғлиқ бир қатор қоидаларни ажратиб кўрсатиш мумкин, бу ерда санаб ўтилган йўналишлар бирлашади. Хулоса қилиб, биз уларни қуйидагича шакллантиришимиз мумкин: 1) билиш - бу тузиш (выстраивание); 2) ҳақиқат хилма хил; 3) "яхши" билим учун мезон - бу яроқлилик. Тезисларнинг ҳар бирини батафсил кўриб чиқсак.

Билиш - бу тузишдир. Шубҳасиз, юқоридаги йўналишларнинг асосий ғояси - конструкциялаш ғояси. "Конструктлаш" ва "конструкция" тушунчаларининг ўзи бугунги кунда конструктивизм билан алоқада бўлган кўплаб ноўрин муносабатларни келтириб чиқармоқда.

---

[45] Джерджен К.Ж. Социальный конструкционизм: знание и практика. Минск: БГУ, 2003.

[46] Улановский А.М. Качественные исследования: подходы, стратегии, методы // Психол. журн. 2009. Т. 30. № 2. С. 5-19.

[47] Raskin J.D. Constructivism in psychology: Per sonal construct psychology, radical construc tivism, and social constructionism // Amer. Communication J. 2002. V. 5. Iss. 3. P. 7-24.

Шунинг учун, биз маъно жиҳатидан кам эътирозли ва шаффофроқ тушунчалардан фойдаланишни афзал деб биламиз: масалан, тузиш, қуриш тушунчалари (фикрни тузиш маъносида). Психологлар учун табиий бўлган "перцептив образни тузиш (олам манзараси ва бошқалар)" ибораси ва ўзбилармонлик (эркинлик маъносида) ғоясидан келиб чиқадиган "образни конструктлаш" тушунчасини таққослашнинг ўзида идрок этиш жараёнининг ихтирочилиги ва ўта субъективлиги намоён бўлади. "Конструктлаш" сўзи бугунги кунда психологларнинг асосли саволларини туғдирмоқда. "Биз дунёни конструктлаймиз" деган таъкид нимани англатади? Биз кўраётганимизни яратаяпмизми (онгда) ва нимага дуч келаяпмиз? Юқорида айтиб ўтганимиздек, баъзи радикал конструктивистларнинг позициясини ҳисобга олмаганда, гап бу ерда бир оз бошқача нарсалар ҳақида кетмоқда.

Биринчидан, биз танамизнинг хусусиятлари, когнитив структурамиз, ҳаракатларимиз ва биз идрок этиш учун фойдаланадиган тил тоифалари туфайли объектларни махсус тарзда қурамиз ва таснифлаймиз (тор маънода конструктивизм позицияси). Иккинчидан, биз хатти-ҳаракатларимизни бошқарадиган ва ўзлигимизни шакллантирадиган турли хил конвенцияларга асосланадиган ижтимоий реалликларни яратамиз (ижтимоий конструкционизм позицияси). Шу нуқтаи назардан, конструктивизм репрезентационизм позициясига қарши туради, унга кўра бизнинг билимларимиз биздан мустақил тарзда объектив реалликни акс эттириш (акс эттириш) шакли ҳисобланади.

Ҳақиқат кўп хил, яъни плюралистик жиҳатга эгадир. Конструктивизм позициясига мувофиқ ҳақиқат прицкурпиал кўп хил, альтернатив, маданий тарихий

жиҳатдан локал, контекстуал ва ситуатив, яъни конкрет вазиятдан келиб чиқади. Демак, кузатувчининг позицияси, ижтимоий конвенциялари ва маданий-тарихий контекстидан ташқарида универсал, умуминсоний “ҳақиқатлар” мавжуд эмас. Шу муносабат билан конструктивизм эпистемологияда фундаментализм ва абсолютизмга қарши туради. Ж.Келли конструктив альтернативизмни ўзининг шахс конструкти назарияси ва терапевтик амалиётига асосланадиган фалсафий позиция сифатида қабул қилади, яъни назариялар, конструкциялар, воқеаликни концепциялаш ва акс эттириш усулларида ҳар доим муқобил талқинлар бўлиши мумкин[48]. Радикал конструктивизмда ҳақиқат ва ёлғон, яхшилик ва ёмонлик абсолют қадриятлар контекстидан ташқарида кўриб чиқилмайди[49]. Худди шу тарзда, ижтимоий конструкционизм позициясидаги тадқиқотчилар маданият ва тарихдан ташқаридаги ҳақиқатни изоҳсиз факт сифатида тушунишади[50]. Х.Патнэм ўринли равишда “дунёни Худонинг назари билан қараш”[51], Т.Нэйжелнинг эса “йўқ жойдан қараш”[52], яъни мустақил кузатувчининг нигоҳи, ҳар қандай маълумот ва мулоҳаза ракурсидан маҳрум, дунёни чинакам объектив, адекват кўриш позициясига ҳеч ким қодир эмас деб ҳисоблайдилар.

"Яхши" билим мезони - бу яроқлилик. Конструктивизмнинг турли хил назариялари ва йўналишлари бирлашадиган яна бир нуқта бу билим сифатининг якуний мезони унинг яроқлилиги, деган

---

48 Келли Дж. Теория личности: психология личных конструктов. СПб.: Речь, 2000.

49 Цоколов С. Дискурс радикального конструктивизма. Традиции скептицизма в современной философии и теории познания. Mnchen: Verlag Mnchen, 2000.

50 Джерджен К.Дж. Социальный конструкционизм: знание и практика. Минск: БГУ, 2003.

51 Putnam H. Reason, truth and history. Cambridge: Cambridge Univ. Press, 1981.

52 Nagel T. The view from nowhere. N.Y.: Oxford Univ. Press, 1986.

фикрдир. Ж.Келлининг ёзишича, муқобил талқинлар доимо мавжуд бўлса-да, уларнинг баъзилари, албатта, ёмон воситалардир[53]. У “яроқлилик диапазони”, яъни маълум бир конструкт ёки назария фойдали ҳаракатлар зонасини таъминлайдиган реал дунё макони тушунчасини киритади[54]. Ўз навбатида, Е. фон Глазерсфельд радикал конструктивизмни анъанавий билиш назарияси ва когнитив психология билан таққослаганда, мувофиқлик мезонининг ўрнига яроқлилик (фойдалилик, яшовчанлик) мезонини киритиб муҳим қадам қўяди. Билиш энди онтологик воқелик билан мутлақ (иконик) мувофиқликни излаш сифатида эмас, балки фақат организм ва когнитив субъектнинг мақсадларига мос келадиган, фойдали ҳаракат образини излаш сифатида тушунилади. “Агар бирон бир когнитив структура бугунги кунгача рад этилмаган бўлса, бу айни пайтда биз унга юклаган вазифаларни адо этиши билан тасдиқланади"[55]. К.Герген Л.Виттгенштейннинг тили фалсафасига таяниб, бу борада ўзига хос неопрагматизм ҳақида гапиради. Ижтимоий конструкционизм энг умумий кўринишда бизни саволга ундайди: биз турмуш тарзимизда у ёки бу қарашдан келиб чиқиб нимани ютамиз ёки акси?[56] Шу муносабат билан К.Герген психологларни ўз назариялари ижтимоий фойдалилигини

---

[53] Келли Дж. Теория личности: психология личных конструктов. СПб.: Речь, 2000. Gergen K.J. Realities and relationships: soundings in social construction. Cambridge (MA): Harvard University Press, 1994.

[54] Келли Дж. Теория личности: психология личных конструктов. СПб.: Речь, 2000. Harre R. Metaphysics and methodology: Some prescriptions for social psychological research // Eur. J. Soc. Psychol. 1989. V. 19. N 5. P. 439—453.

[55] Глазерсфельд Э. Введение в радикальный конструктивизм // Цоколов С. Дискурс радикального конструктивизма. Традиции скептицизма в современной философии и теории познания. Mnchen: Verlag Mnchen, 2000. Nagel T. The view from nowhere. N.Y.: Oxford Univ. Press, 1986.

[56] Gergen K.J. Realities and relationships: soundings in social construction. Cambridge (MA): Harvard University Press, 1994.

кўриб чиқишга ва аниқ ижтимоий мақсадларни кўзлайдиган тушунчаларни яратишни таклиф қилади.

***Конструктивизм ва психология.*** Рус психологияси узоқ вақт давомида ўзини акс эттириш назарияси ва объектив қарашлар билан боғлаб туришига қарамай, чет элларда рус психологларининг баъзи ғоялари доимий равишда конструктивистик, деб баҳоланади. Уларни бошқа конструктивистик ёндашувлар билан ўхшашликларни кўриб чиқайлик.

Аввало, Ж.Пиаже билан бир қаторда конструктивизм асосчиларидан бири сифатида қараладиган Л.С.Виготскийнинг ғоялари хусусида тўхталиб ўтсак. Унинг бир қатор концептуал қарашлари жиддий қабул қилинди ва бугунги кунда конструктивизмнинг турли йўналишларида фаол қўлланилмоқда (конструктивизм, ижтимоий конструкционизм, нарратив реконструкция, дискурсив мулоқот, маданий психология, диалогик “мен” назарияларида). Ушбу ёндашувларга таянган ҳолда, К.Герген ва Р.Харре бугунги кунда психологик жараёнларни икки ёки ундан ортиқ одамларнинг мувофиқлашиши, ўзаро таъсир шакллари сифатида қарашади[57]. Л.С.Виготскийнинг фикрича белги, рамзий воситачилик ғояси (идрок, эслаш, фикрлаш ва бошқалар), одам онгини ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омили сифатида белгидан фойдаланиш, субъектнинг дунёни англаши у ишлайдиган лисоний маънолар ташкил қилишнинг мураккаблигига боғлиқ[58]. Бундай ҳолда,

---

[57] Gergen K.J. Realities and relationships: soundings in social construction. Cambridge (MA): Harvard University Press, 1994. Harre R. Metaphysics and methodology: Some prescriptions for social psychological research // Eur. J. Soc. Psychol. 1989. V. 19. N 5. P. 439-453.

[58] Выготский Л.С. Мышление и речь // Собр. соч.: В 6 т. Т. 2. М.: Педагогика, 1982. С. 5-361. 4. Выготский Л.С. История развития высших психических функций // Собр. соч.: В 6 т. Т. 3. М.: Педагогика, 1983. С. 5-329.

Ж.Миднинг рамзий интеракционизми[59], А.Шюцнинг[60] кундалик тажриба феноменологияси, Ж.Келлининг шахсий конструктлар назариясида[61] уларга бириктирилган онг конституцияси ва ижтимоий реалликдаги белгилар ва уларнинг маънолари (конструкциялари, тушунчалари) ролини эслаш мумкин. Шунингдек, Л.С.Виготскийда учрайдиган метафора психика - танлов органи сифатида олинса, яъни дунёни "фильтрлаб" қабул қилиши мумкинлиги ўзгартириб, воқеликни субъектив равишда организм фойдасига бузиб кўрсатиши мумкин[62]. Ушбу тезисни радикал конструктивистлар ўзларининг асосий постулатлари сифатида осонликча қабул қилишлари мумкин эди, фақат бир истисно бор, улар бузилиш (эврилиш) концепциясидан четлашади, чунки биз воқеликнинг когнитив образлари реаллигини ва уларнинг прототипига мувофиқлигини тубдан текширишимизнинг иложи йўқ[63].

А.Н.Леонтьевнинг баъзи ғояларига эътибор берадиган бўлсак, гарчи уни конструктивистларга боғлаш кучли муболаға бўлсада, маълум маънода конструктивистик, деб ҳам талқин қилиш мумкин. Шунингдек, А.Н.Леонтьев томонидан доимий равишда таъкидланган субъект фаолияти ва унинг дунёни "акс эттириш" усулига фаол таъсир кўрсатади[64]. А.Н.Леонтьев, унинг ҳамкасблари ва шогирдлари П.И.Зинченко, А.А.Смирнов, А.В.Запорожец, В.П.Зинченко, О.К.Тихомиров асарларида идрок, хотира, фикрлаш, эмоциялар

---

[59] Mead G. Mind, self and society. Chicago: Univer sity of Chicago Press, 1934.
[60] Шюц А. Избранное: Мир, светящийся смыслом. М.: РОССПЭН, 2004.
[61] Келли Дж. Теория личности: психология личных конструктов. СПб.: Речь, 2000.
[62] Выготский Л.С. Исторический смысл психологического кризиса // Собр. соч.: В 6 т. Т.1. М.: Педагогика, 1982. С. 292-436.
[63] Glaserfeld E. Radical constructivism: A way of kno wing and learning. L.: The Falmer Press, 1995.
[64] Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. 4-е изд. М.: Издво МГУ, 1981.

субъектнинг ҳаракати ва фаолиятига боғлиқлиги ва бу кейинчалик психик акс эттиришнинг фаолияти акс эттирилган объектнинг ўрнига боғлиқлиги принципи сифатида ифодаланган эди[65]. Ушбу ғоялар Э. фон Глазерсфельднинг ҳар қандай билиш субъектининг мақсадли фаолият юритиши субъектнинг ўзига хос хусусияти ғояси билан чамбарчас боғлиқдир[66]; У.Матурана ва Ф.Варелалар таъкидлаганидек, биз ўз ҳаракатларимиз (ижтимоий ва биологик) тарихини дунёни бизга қандай кўринишидан ажрата олмаймиз[67] ва ниҳоят, Х. фон Ферстернинг “Агар билмоқчи бўлсанг, ҳаракат қилишни ўрган” деган императиви ўринлидир[68]. Бундан ташқари, А.Н.Леонтьев Л.С.Виготскийнинг рамзлар ғоясини ижтимоий тажрибани аниқлашнинг тарихий шакллари сифатида ривожлантирди, бу призма орқали инсон дунёни англайди ва унинг онгида дунёни ўзгача кўринишга олиб келади. А.Н.Леонтьев маъноларни ўзлаштириш орқали инсон бу маънолар ифодалайдиган муайян ғоялар тизимини ўзлаштиради, деб таъкидлайди. Ушбу тезис дискурсанализ назарияси учун марказий аҳамиятга эга бўлиб, у дискурсни ҳодисаларни идрок этишда воситачилик қиладиган ва маълум бир идеологияга олиб борувчи собит маънолар тизими сифатида талқин қилинади[69]. Шу ўринда А.Н.Леонтьевнинг биз яшаётган ва ҳаракат қилаётган кўп

---

[65] Асмолов А.Г. Культурноисторическая психология и конструирование миров. М.; Воронеж: Инт практ. психологии, 1996.
[66] Цоколов С. Дискурс радикального конструктивизма. Традиции скептицизма в современной философии и теории познания. Mnchen: Verlag Mnchen, 2000.
[67] Матурана У., Варела Ф. Древо познания. М.: Прогресс Традиция, 2001.
[68] Ферстер Х. О. конструировании реальности // С. Цоколов. Дискурс радикального конструктивизма. Традиции скептицизма в современной философии и теории познания. Mnchen: Verlag Mnchen, 2000.
[69] Филлипс Л., Йоргенсен М.В. Дискурсанализ. Теория и метод. Харьков: Гуманитарный центр, 2004.

ўлчовли олам манзарасини киши онгида қуриш ҳақидаги ғояларини эсламаслик мумкин эмас[70].

Замонавий рус психологлари В.П.Зинченко, Г.М.Андреева, С.Д.Смирнова, А.Г.Асмолов, В.В.Знаковларнинг ғояларини маълум маънода конструктивистик, деб изоҳлаш мумкин. В.Ф.Петренко ҳам ўзини ушбу йўналиш билан бевосита боғлаган[71]. Бир қатор позицияларда конструктивизмга яқин бўлган баъзи замонавий рус файласуфларининг қарашларини ҳам эслатиб ўтишимиз мумкин, жумладан, В.С.Стёпиннинг ноклассик ва постноклассик рационаллик тушунчалари[72], В.А.Лекторскийнинг ноклассик эпистемологияси[73], И.Т.Касавиннинг ижтимоий эпистемология ғояларидир[74].

Конструктивизмга бўлган қизиқиш ортиб бораётганига қарамай, у ижтимоий фанларнинг асосий йўналишларига тегишли эмас ва бу борада ундан катта ютуқларни кутиш қийин масала. Шунга қарамай, конструктивизм фан ва фалсафада ниҳоятда муҳим эвристик ёндашув сифатида ўзини намоён қилмоқда. Конструктивизмнинг турли хил содда реализм шакллари, чиройли метафора, модел ва назариялар билан йўғирилиши ижтимоий фанларга аллақачон ўз таъсирини кўрсатган. Ижтимоий конструктивистларнинг психологиядаги танқидлари ҳисобга олиниб, бошқа ёндашувлар билан бирлаштирилган, шунинг учун бугунги кунда ҳатто психоаналитиклар ва когнитив психологлар шахс ва билиш психологиясининг муаммоларини таҳлил

---

70 Леонтьев А.Н. Психология образа // Вестн. МГУ. Сер. 14. Психология. 1979. № 2. С. 3-13.

71 Петренко В.Ф. Конструктивистская парадигма в психологической науке // Психол. журн. 2002. Т. 23. № 3. С. 113-121. Улановский А.М. Рецензия на книгу В.Ф.Петренко Основы психосемантики // Психология. Журнал Высшей школы экономики.

72 Стёпин В.С. Теоретическое знание. М.: Прогресс Традиция, 2000.

73 Лекторский В.А. Эпистемология классическая и неклассическая. М.: УРСС, 2001.

74 Касавин И.Т. Социальная теория познания. Учеб. пособие. М.: УРАО, 2001.

қилганда, тил, маданият ва конвенцияларга мурожаат қилишади. Конструктивизм психология ва ижтимоий фанларда муҳим рефлексив ҳамда танқидий функцияга эга. У олимларни ўз тадқиқотларини янада демократлаштириш, жамиятда анъанавий бўлмаган турмуш тарзи ва эътиқодларни ҳурмат қилиш, ўзларининг (тарихий, ирқий, миллий, жинсий) ўзига хослиги таъсирини, камситишни рад этишни асослашга чақиради.

Конструктивизм - эпистемология ва фан фалсафасидаги йўналиш сифатида билиш субъекти фаоллиги ғоясига асосланиб, образлар ва тушунчаларни ҳосил қилишда (конструкциялашда) махсус рефлексив процедуралардан фойдаланишда намоён бўлади.

Конструктивизм фалсафаси доирасида ҳар қандай когнитив фаолият конструкциялаш сифатида қаралади ва бу ҳар қандай метафизик онтология ва эпистемологик реализмга муқобилдир. Фалсафий муомалада "конструкция" атамасининг тор ва кенг маъноси ажралиб туради. Тор маънода конструкция тушунчаси идрок этиш ва тасаввур қилиш билан боғлиқ (маслан, геометрия ёки мантиқда). Кенг маънодаги конструкция бундан фарқ қилиб, дунёқараш ва ўз-ўзини англашнинг махсус ташкиллаштирувчи, структураловчи, шакллантирувчи ва образли жиҳатлари билан ажралиб туради. Идрок этиш, билиш ва воқеликнинг фаол-конструктив хусусиятларига урғу берадиган фалсафий фикрлар "конструктивизм" умумий тушунчаси остида бирлаштирилади. Конструктивизм - бу фан, санъат ва фалсафадаги йўналишлар ҳамда ёндашувларнинг умумий белгиланиши бўлиб, унда конструкциялаш тушунчаси объект моделларни яратиш жараёнларини тасвирлашда муҳим роль ўйнайди. XX аср эпистемологияси ва фан фалсафасида шаклланган конструктивистик

тенденциялар XIX асрда табиатшунослик ва формал математикага йўналтирилган эмпирик анъаналар парадигмасига зид келади. Турли соҳаларда - мантиқ, математика ва табиатшуносликдан тортиб, маданий фанларгача ва кундалик билишдаги конструктивизмга қарши эътирозларга фикр билдиришда Евклид, Кант, Фреге, Дюгем, Динглер ҳамда Пиаже каби авторитетларга мурожаат қилишган.

Замонавий хилма-хил конструктивистик концепцияларни икки асосий гуруҳга ажратиш мумкин: табиий ва маданий конструктивизм.

Математика конструктив фан соҳасидир. Антик давр мунозараларида конструктивлик ғоялари математик метод ва математик объектларнинг мавжуд бўлиш усули ҳақидаги қарашларда вужудга келади. Эвдокс мактаби вакиллари математик объект мавжудлигининг исботи сифатида уни тузиш тамойиллари ёки маълум бир конструкциялаш сифатида таҳлил қилиш имконияти кўрсаткичини қабул қилишган. Геометрик теоремалар фақат конструкциявий объектларнинг умумий хусусиятларини ўрганиш учун хизмат қилади. Платон академиясининг позицияси, аксинча, математика яратмайди, балки объектив мавжуд бўлган нарсани тасвирлайди ва очиб беради. Кант эса платонизмга қарши позицияни эгаллайди ва фалсафани математикадан ажратиш учун конструкция тушунчасидан фойдаланади. Фалсафа дискурсив равишда оқилона, концептуал билим, деб таърифланади. Бунда хусусийлик умумийлик нуқтаи назардан олиб қаралиб, умумийликнинг ўзи эса мавҳум маънода, тушунчалар ёрдамида изоҳланган. Математик билим, аксинча, онгдан интуитив фойдаланиш орқали тушунчаларни конструкциялаб, унда умумийлик хусусийликда кўринади. Ушбу ёндашув эмпирик бўлмаганлиги сабабли, математик конструкциялар

сифатни эмас, балки фақат миқдорни англатади. Бундай вазиятда математик конструкциялаш синтетик априорликни биринчи ўринга қўяди. Демак, Кантга кўра, тушунчаларни конструкциялаш сезгиларнинг тегишли шаклини тақдим этишини англатади. У тажрибага асосланган эмас, лекин эмпирик тарзда тақдим этилиши мумкин бўлган алоҳидалик бўлиб, шу билан бирга ушбу тушунча қамраб оладиган барча инъикослар учун умумийдир ва тасаввурнинг имкониятлари ёки конструктив фаолият натижасидир. Математик тушунчаларни конструкциялаш умумийни in concreto, алоҳида идрок сифатида кўриб чиқишга имкон беради.[75] Кант фалсафаси конструктивликнинг тор тушунчасидан ташқари, ҳодисалар дунёсини ҳосил қилишни (гештальт) яратиш маъносида “конструкциялаш” атамасининг кенг қўлланилиши билан ҳам боғлиқдир. Ижодий (креатив)-конструктив нуқтаи назардан объект ва оламдаги ҳодисаларнинг трансцендентал реализмини рад этиб, унинг тушунарсизлиги ва маъносизлигини кўрсатади. Трансцендентал фалсафа дунёқараш ва ўзини англашнинг конструктивлигини мулоҳаза қилиш ва схематизм қобилиятининг трансцендентал хусусиятига ишора қилиб, категорияларни ҳодисалар оламига татбиқ этишга имкон беради. Немис классик идеализми Кантнинг конструктивлик ҳақидаги таълимотини ҳам қамраб олади ва ғояларини математика чегарасидан ташқарига фалсафа соҳасигача кенгайтиради. Кантнинг фалсафий конструктивизм ғояси асосида ётган “интеллектуал тафаккур” тушунчаси кейинчалик Шеллинг фалсафасининг марказий мотивига айланди ҳамда Фихте ва Новалис қарашларида муҳим роль ўйнади.

---

[75] Кант И. Критика чистого разума. М., 1998. С. 538-542.

Г.Фрегенинг мантиқий асарлари таъсири остида Б.Рассел ва А.Н.Уайтхед мантиқий конструктивизмни математик категория ва атамаларини мантиқ фанига ўгиришга уринишди. Логицизмнинг асосий принципи мантиқий конструктив тушунчаларни талаб қилиб, барча тушунчалар ва тушунчалар тизими таърифлар ёрдамида кичик тушунчалар гуруҳига бирлаштирилади. Рассел ўзининг кейинги даврдаги тадқиқотларида ушбу дастурни табиатшунослик ва психологияга татбиқ қилди. Жисмоний ва руҳий феноменлар мантиқий конструкциялар сифатида ҳиссий маълумотлар асосига қурилган. Р.Карнапнинг "Дунёнинг мантиқий тузилиши" асарини "конституциялаш" тушунчаси ва услубий солипсизм асосида бўлсада, ушбу лойиҳани мантиқий позитивизм доирасида шакллантирилиши сифатида қараш мумкин.

П.Лоренцен арифметика, таҳлил ва мантиқнинг конструктив асосини операцион ёки диалогик мантиқ асосида қурди, бу эса ўз навбатида "рационал грамматика"га йўл очди. Шу нуқтаи назардан, мантиқий хулосалар фақат тезисни диалогда муваффақиятли асослашнинг ўта муҳим ҳолати сифатида тушунилади. Лоренцен В.Камлах билан ҳамкорликда Эрланген мактабининг услубий конструктивизми ва конструктивистик фан фалсафасига асос солди. Унда "конструктивлик" атамаси конструкцияларнинг услубий киритилишини англатиб, илмий аксиомалар ва табиий тил ёрдамисиз шаклланганлиги кўрсатилади. Конструктивистик методларни физика ва фан фалсафасига татбиқ қилиниши П.У.Брижмен ва Г.Динглернинг операционизмида ҳам амалга оширилади ва унга кўра илмий билим объектлари фанга хос усуллардан фойдаланган ҳолда тузилади.

***Натуралистик ва маданий конструктивизм***. Дастлаб С.Цеккато ва Г.Динглернинг услубий ва радикал конструктивизми ўртасидаги фарқ аҳамиятсиз бўлиб туюлади, аммо, кейинчалик улар турли оқимларга бўлиниб кетишди. Бугунги кунда радикал конструктивизмнинг методологик ва натуралистик йўналиши маданий йўналишга синтезланиши билан характерланади.

Мантиқ ва математика соҳасида методик конструктивизмнинг шаклланиши Г.Фреге, физика фалсафасида эса Г.Динглерадан бошланади. П.Лоренцен ва К.Лоренцнинг асарларида мантиқ классик мантиқнинг формал-аксиоматик вариантларидан фарқли ўлароқ, интуитивистик мантиққа яқин (Л.Е.Я.Брауэр) изчил баён шаклининг конструктивлиги нуқтаи назаридан тушунилган. Мантиқни тил фалсафаси нуқтаи назаридан рационал далиллаш воситаси сифатида талқин қилиш конструктив мантиқий пропедевтикага (В.Камлах, П.Лоренцен) тушунча, ҳукм ва хулоса ҳақидаги анъанавий таълимотларни киритишимизга имкон бериб, унда ҳукм шакллари систематикаси ишлаб чиқилган (априор, аналитик-дефинитор; протофизиканинг шаклий ва моддий-синтетик ҳукмлари; реал фанларнинг апостериор ва эмпирик ҳукмлари). Назарий ёндашувлардан фарқли ўлароқ тузилган арифметика ва таҳлилнинг конструктивлиги классик танлов аксиомасидан фойдаланиб, самарали тузилган (конструкцияланган) моделлар ва уларнинг шакллари билан олий математиканинг фан соҳасини чекланганлигини кўрсатади.

Эрланген мактабининг услубий конструктивизмида (1991-йилда радикал конструктивизмдан фарқлаш мақсадида шундай номланган) протофизика тил фалсафасига мувофиқ қайта кўриб чиқилиб, кейинчалик

Г.Динглер концепциясида ривожлантирилган. Тематик ва муаммовий бўлиниш (Ю.Миттельштрасс, Ф.Камбартель, Эрлангенда П.Лоренц, О.Швеммер) услубий конструктивизм доирасида қарашларнинг мантиқдан янада узоқлашишига олиб келди. Табиатшуносликдаги прототназарияни, тил ва мантиқ фалсафасини, шунингдек, анъанавий йўналишларни ишлаб чиқишда “маданий бурилиш”, эпистемология, натурфалсафа, эстетика ва эвдемонистик ахлоқни қайта кўриб чиқиш мақсадида Марбургда тўпланишди. Геометрия соҳасида Эрланген (Лоренцен) ва Марбург (П.Янич) мактаби вакилларининг йўналишлари ҳам бўлиниб кетди. Фақат услубий тартиб ва маданий муносабат тамойили умумий бўлиб, бунга кўра, маданий контекстда инсон фаолияти когнитив натижаларни тиклаш (реконструкция қилиш) учун асос яратади.

Дастлаб радикал конструктивизм Э.Глазерсфельднинг Ж.Пиажега мурожаати туфайли шахс ривожланишининг био-психологик назарияси маъносида когнитив натижаларнинг конструктивлигини эътироф этади.

Ўз эпистемологиясини “оператив” деб атаган Х.Ферстер билан бир қаторда, радикал конструктивизмнинг турли мактаби вакиллари позитивистик ва натуралистик йўналишни қабул қилдилар (Г.Рот ва Х.Швеглернинг “норедукционистик физикализми”).

Бироқ, услубий конструктивизм, парадоксал равишда, радикал конструктивизмга қараганда анча радикал бўлиб чиқди, чунки у нафақат табиий-илмий натижаларни тан олишга таянади, балки уларни эпистемологик қайта қуришга (реконструкция) ҳам бўйсундиради. Ж.Пиаженинг ривожланиш психологияси ассимиляция ва мослашиш ўртасидаги мувозанатни

ўрнатишда радикал конструктивликни юқорироқ даражадаги кузатувчи нуқтаи назаридан табиий жараён сифатида кўриб, услубий конструктивизм инсон ҳаётидаги “олдиндан мавжуд бўлган” нутқ ва фаоллик ҳаракатларидан бошланади. Мақсадларнинг мустақиллиги мақсадлар ва воситаларнинг фарқланиши маъносидаги ҳаракатлар табиий сабабийлик нуқтаи назаридан тушунтирилган оддий хатти-ҳаракатлардан фарқ қилади. Идеал (мантиқ ва математика) ва реал (физика) фанлар предметлари табиий ва илмий тилларнинг элементлари билан бир хил даражада табиий объект бўлмаганлиги сабабли, тарихий мавжуд тиллар (алоҳида фанларнинг тиллари, образлар тили, фалсафий тиллар ва бошқалар) услубий қайта қурилиши (реконструкция) керак. Услубий конструктивизмни қайта қуриш дастурларида методологик фундаментализм муаммосини ҳал қилиш бўйича таклифлар мавжуд. Улар асосан Мюнхаузен трилеммасига қарши қаратилиб, танқидий рационализм асосида шаклланган ва ҳар қандай тушунтиришнинг гепотетик хусусиятига эгадир.

***Рамзларнинг конструктивистик назарияси***. Олам ва реаллик деб аталадиган фаол конструктив борлиқ ғояси худди ўз-ўзини ва ўзгаларни билиш билан бир қаторда Н.Гудменнинг рамзларнинг конструктивистик назариясида ва Г.Абелнинг талқин назариясида тўлиқ ишлаб чиқилган. Н.Гудменнинг дастлабки асарларидан бири бўлган “Ҳодиса структураси” қатъий номиналистик конструктивизмни услубий асослашга бағишланган. Карнап сингари у эпистемологик концепцияни яратиш учун замонавий мантиқдан фойдаланади, соф маълумотлар ғоясини доимий равишда изоҳлаш мумкин эмас, деган позициядан келиб чиқиб, у фандаги идрок ва тушунча, кузатиш ва назариянинг қатъий дихотомиясидан воз кечади. Конструктив тизимни

яратиш ва конструктив таърифларни яратиш орқали тизимгача ҳамда кундалик билим соҳаларини шакллантиришни таъминлаш керак. Гудмен чинлик муносабатлари учун зарур ва етарли асос сифатида экстенционал изоморфизмнинг янада мослашувчан моделини ишлаб чиқади. Ушбу мезонга кўра, тажриба экстенционал айниятни эмас, балки муайян структураларни талаб қилади ва муқобил дефиниенсларнинг легитимлигини дефиниендумга мос келмаса ҳам тан олади.

Кейинги асарларида Гудман рамзлардан фойдаланишнинг ижодий ҳамда конструктив хусусиятини намойиш этади ва шу билан мантиқ, бадиий, кундалик ва илмий билимларнинг ички алоқасини очиб беради. Белгиларни идрок этиш, суҳбатлашиш, фикрлаш ва фаолият жараёнида қандай ишлатишимиз унинг ишлатилган рамзий тизимларнинг функционал усулларига боғлиқлигини очиб беради. Ушбу функционал усуллар ва улар билан боғлиқ бўлган конструктив ҳаракатлар (композиция ва декомпозиция, ассоциация ва диссоциация, ташкиллаштириш ва қайта ташкиллаштириш, тўлдириш ва бекор қилиш) рамзларнинг умумий назарияси доирасида тушунилиши кераклиги Гудмен фалсафасининг лейтмотивига айланади. Конструктив функцияларга эга бўлган рамзий тизимларнинг хилма-хиллиги изчил равишда кўплаб оламлар мавжуд, деган фаразига олиб келади. Ретроспектив конструкция назариясида конструктив фаолиятнинг алоҳида ҳолати кўриб чиқилган (“Оламларни яратиш йўллари”). У экспериментал ва назарий психологияда ўрганиладиган образ ҳаракати ҳодисасини тушунтиради. Маълум бир позициядан фигура ўлчамининг иккинчисига ўтишни идрок қилиш “ягона бутунликни” яратади. Гудмен ҳаракат ва

ўзгаришларни "реал" идрок этишда ушбу жараёнларнинг конструктив жараёнларга параллеллигини таъкидлайди.

***Интерпретация (талқин қилиш)нинг конструктивистик фалсафаси.*** Г.Абелнинг талқин қилиш фалсафасида конструктивлик тушунчаси ва Х.Ленк томонидан изоҳланган интерпретацион конструкциялар методологияси ўзгача маъно касб этади. Дунёни, ўз-ўзини ва бошқаларни англаш жараёни Абель томонидан “талқиннинг ижодий-конструктив жараёнлари” деб номланади. Аниқроғи, бу шундай жараёнки, “Биз фавқулодда нарсаларни аниқ бир нарса сифатида ажратамиз, аниқлаймиз (идентификация) ва қайта аниқлаб (реидентификация), унга нисбатан предикатлар ва белгиларни қўллаймиз ҳамда муайян атрибутларни қўшамиз, синфларга бўлиш орқали таснифлаймиз. Шуларни шаклланган оламларга татбиқ этиб, фикрлар ва асосли билимларга эга бўламиз”.[76]

Оқибатда пайдо бўладиган талқин қилувчи конструкциялар туркуми маълум бир моделнинг турли даражаларида жойлашиб, бу реаллик ва тажрибани ташкил этиш, тузиш ва концепциялашнинг асосий жараёни сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Идрок ва ҳис қилиш соҳасидаги конструктив ҳаракатлар бир даражада жойлашиши, концепцияни яратиш (концептуализация) моментларини ўз ичига олади. Бу ассоциациялаш, фарқлаш, афзаллик, таҳлил, синтез ва лойиҳалаштириш жараёнларини намоён бўлишидир. Идрокнинг ҳар қандай предмети мантиқий ва эстетик таркибий қисмларни ўз ичига олган перцептив конструкциялаш ва талқин маҳсули сифатида қаралади. Фикрлаш ва назарий конструкциялаш бошқа даражада жойлашган бўлиши мумкин ва унинг ўзига хослиги

[76] Abel G. Wasist Interpretations philosophie? // Simon). (Hg.) Zeichenund Interpretation. Frankfurta. M., 1994. S. 16.

ҳиссий тақчиллик (дефицит) билан белгиланади. Шу билан бирга, идрокни концепт билан алмаштириш прагматик характерга эга бўлиб, когерент (мувофиқлик) ва эмпирик ҳақиқат мезонларига жавоб беради.

Абелнинг изоҳловчи (интерпретатив) фалсафасига кўра, макон ва замон алоҳида даража сифатида локализация, тоифалаш ва таснифлашга мос келади, яъни турларга бўлиниш, шунингдек, маълум мақсадлар нуқтаи назаридан интерпретатив конструкторларни шакллантиришдир. Булар ўз навбатида дунёни чуқур изоҳлаш амалиётига таянади. Реалликнинг аниқ типлари инсон дунёсининг турли даражаларида талқин қилинадиган конструкциялар маҳсулидир. Реаллик тавсифлаш, белгилаш ва талқин қилиш (интерпретация) тизимларининг функцияларига боғлиқ бўлиб чиқади. Ушбу тизимлар илдизларнинг "дастлабки продуктив" катетеризация функцияларига асосланганлиги сабабли ҳар қандай "тажрибани ташкиллаштириш" томонидан қабул қилинган ҳамда ҳаёт амалиётига чуқур сингиб кетган ва беихтиёр танланган, шу сабабли бунда релятивизмдан қочиш кузатилади. Ижодий ва конструктив жараёнлар билиш, фан ва санъатга киритилганлигидан келиб чиқиб, "дунёдаги инсоннинг продуктив ва йўналтирилган фаолиятининг намоён бўлиши"[77], "дунёни яратиш усуллари" сифатида тушунилиши мумкин.

Ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида конструктивизмнинг махсус тури - ижтимоий конструктивизм шаклланди. Унинг дастлабки шарти табиатшунослик фалсафасидан аллақачон чиқариб қўйилган ўзига хос фундаментализмдир. Бугунги кунда жамиятшунос олимлар ижтимоий атомизмни ва

---

[77] Abel G. Konstruktionen der Wirklichkeit // Sedlmayr E. (Hg.). Wirklichkeit, Bild, Begriff. Berlin.1997. -S. 76.

индивидуализмни рад этиб, улар асосан бутун жамият тушунчасидан келиб чиқади ва бу бутунликнинг йиғиндиси қисмлар йиғиндисидан каттароқдир, деган хулосага келинади. Жамиятнинг ушбу тушунчасидан хусусий ижтимоий ҳодисаларни (амалий ҳаракатлар, нутқ актлари, иқтисодий тузилмалар, диний эътиқодлар) изоҳлашда экс-плананс сифатида фойдаланиш мумкин ва шу билан бирга уларнинг ҳар бири ижтимоий функциялари ёки у бажарадиган ролларининг умумийлигидан тузилади.

Социал конструктивлик методларига 1970-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб илмий билимлар социологиясида ушбу оқимнинг экстерналистик (Б. Варне, Д. Блур) ва интерналистик (Б. Латур, С. Вулгар ва Кнорр-Цетиннинг конструктивизми) йўналишларига талаб катта бўлган. Биринчисида, ибтидоий сеҳргарликдан то замонавий илм-фанга қадар бўлган когнитив феноменларнинг конструкцияси уларни эътиқодлар тизими ("ижтимоий образлар")га редукция қилиш шаклида тузилиб, маълум бир ижтимоий-маданий гуруҳ ичида қабул қилинган ва унинг асосий параметрларини ифода этган (М. Дугласнинг фикрига кўра, ташқи чегараси ва ички тузилишини белгилаган). Иккинчи йўналишда, илмий назариялар ва фактларни тушунтириш илмий жамоатчилик структурасидан келиб чиқади. Хусусан, унда субъектив манфаатлар ва интилишлар (муваффақият, фаровонлик, обрўли лавозим ва ҳ.к.) ифода этилган, олимлар ўртасидаги алоқа эса асосий роль ўйнаган. Шу сабабли, илмий алоқа жараёнида дастлабки фактлар таниб бўлмайдиган даражада ўзгаради: лаборатория кузатувлари протоколидан то илмий кенгаш ёки илмий фондга якуний ҳисоботгача жуда катта масофа ётади.

Илмий билимлар социологияси табиатшуносликнинг социологик изоҳлари олдида турган энг қийин вазифани

уддалаганга ўхшайди. Худди илгари ижтимоий эҳтиёжлар ва манфаатларни редукция орқали сиёсий ва диний мафкуранинг турли шакллари фош этгани каби энди илмий онтология тушунчалари (атом, кварк, материя, ген, табиий танланиш, нейрон, вирус) ижтимоий конструкциялар сифатида эълон қилинди. Уларда ижтимоий мазмуннинг кашф этилиши ва ҳатто уларнинг ижтимоий образлар ҳамда ўхшашликларга тўлиқ мослаштирилиши табиатшуносликнинг ижтимоий фанга айланишига йўл очди. Шундай қилиб, жамиятшунос олимларга фаннинг барча натижалари ва усулларини (шу жумладан замонавий илм-фанни ҳам) социология тилига ўгиришдек ўта қийин вазифа топширилди. Ушбу амалий вазифанинг мураккаблиги мавжуд услубий хатоларга ҳам дуч келди, яъни: ижтимоий хусусиятларни ижтимоий фан субъекти сифатида эълон қилиш табиатшунослик фанининг ўзига хос предметини инкор этиш билан бирга кечди. Ижтимоий танқид усулидан тизимли назарий билимларни шакллантириш услубига айланган методологик фундаментализм ва редукционизм ўз-ўзига қарши чиқишга олиб келди. Ахир, ижтимоий ва гуманитар фан тушунчалари ҳам ижтимоий талқин қилишга имкон бериши керак. Шунинг учун жамият тушунчаси келиб чиқишининг сабабини жамиятнинг ўзидан бошқа йўл билан изоҳлаб бўлмайдиган ижтимоий конструктдир. Ушбу фикр Н.Луман томонидан яратилди, унинг концепцияси ижтимоий конструктивизмнинг ўзига хос тури эди. У ўзига хос ижтимоий атомизмга қайтиб, жамиятнинг ўзи индивидуал коммуникатив ҳаракатлар асосида қурилганлигини тан олиши керак эди дейди, алоқа эса аллақачон ижтимоий коммуникацияларни назарда тутади. У ўзига хос ижтимоий атомизмга қайтиб, жамиятнинг ўзи алоҳида коммуникатив актлардан тузилганлигини таъкидлайди, лекин коммуникацияни

олдиндан мавжуд бўлган ижтимоий алоқалар тақозо қилади (мантиқий доира ёрдамида).

Конструктивизм атрофидаги мунозараларнинг фалсафий ва методологик маъноси фанни асослашда классик фундаментализм дастурининг чегарасида, шунингдек табиат ва жамиятда ўз-ўзини ташкил қилиш жараёнларини англаш имкониятини беради. Мақсадни белгилаш, асослаш ва ижодкорлик - бу уч тушунча конструктивизмнинг калитидир. Ўз-ўзини ташкиллаштириш ва мақсадни белгилаш инсонгагина хосми ёки улар барча жонли (жонсиз) табиатга хосми? Тушунтириш фақат билиб бўлмайдиган дунёни одамнинг чекланган имкониятларига мослаштиришми ёки билиш имкониятларининг илдизи шу каби ахборот жараёнлари содир бўладиган табиат қаърига бориб тақаладими?

Табиий ўз-ўзини ташкиллаштиришни мақсадга мувофиқ деб талқин қилиш конструктивизмга дастлаб унга бегона бўлган платонизмнинг элементларини киритади. Аммо агар конструкциялаш табиат ва жамиятнинг генезиси ҳамда ривожланишининг универсал механизми бўлса, унда инсоннинг конструктив-ижодий фаолияти ишончли асосга эга бўлади. Бундай ҳолда асослаш ва тушунтириш чегараларини инсоннинг субъективлигидан эмас, балки табиий ва ижтимоий қонуниятларда излаш керак. Бу табиий ва монистик нуқтаи назарга методологик ва дуалистик позиция қарама-қарши бўлиб, унга кўра конструктивлик инсон онги ва фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бу ҳолда, бутун олам пассив реалликка ва уни нисбатан эркин англаган инсонга бўлинади. Бундан ташқари, инсон эркинлиги онг соҳасида ўзини реаллаштиради ҳамда бунинг натижасида олам ва инсонни конструктив тушунтириш ва тушуниш вужудга келади. Мазкур методологик эркинлик парадокслар ва

антиномияларни ҳал қилиш, хатолар ва муболағаларни бартараф қилиш учун доимий эҳтиёжга олиб келади ва билиш жараёни жуда эҳтиёткор ва масъулият талаб қилувчи жараёнга айланади.

Радикал конструктивизм — замонавий эпистемологик концепция ёки оқим бўлиб, ўзининг асосий муаммосини ёки предметини «перспективы наблюдателя других наблюдателей» масаласида кўради. Кузатувчи атамасини тирик организмларни ишлаб чиқариш (аутопоэзис) (У.Матурана, Ф.Варела), ментал фаолиятлар кетма-кетлиги (Х. фон Ферстер, Э. фон Глазерсфельд, Рот, Г.Бэйтсон), у ёки бу коммуникациялар тизими (Н. Луман, Д. Бэккер) сифатида тушуниш ҳам мумкин. Бунда инсон ўзига хос операциялар орқали аниқланмаган тушунча бўлиб, унга кузатувчи сифатида қаралмайди.

Радикал конструктивизм учун аксиома реаллик тил ва онгда акс эттирилиши мумкин эмас, балки кузатиш ёки билиш жараёнида яратилади ва барча конструктивизм оқимларига хос позициядир. Ҳар бир тирик организмнинг кўпайиши, ҳар қандай ментал фаолият ва ҳар қандай коммуникатив ҳодиса кейинги шунга аналогик ҳодисаларни боғлаш ва танлашни талаб қилади ва организмни, психикани ва коммуникацияларни англаш когнитив жараёнларга мос келади, деб таъкидланади. Шу билан бирга келажакдаги ўз ҳолатларини танлаш ҳамда кузатиш ва ўз-ўзини конструкциялаш учун, радикал конструктив талқин қилинган агентлар махсус воситалар – мантиқий фарқлардан фойдаланадилар. Ушбу ҳодисалар медиуим тарзида барча “ўзиникини” танлаб олиш ва мазкур жараёнлар тизимига киритилмаган “бегоналарни” рад этиш воситаси сифатида тушунилади.

Методик таълимот сифатида радикал конструктивистлар Ж.Спенсер-Браунниng "Шакл

қонунлари" китобида ишлаб чиққан "фарқлаш мантиғидан" фойдаланадилар. Конструктивистлар ўзларининг эпистемологик асосларини баъзи бир асосий фарқлардан излашади ва бу реалликни яратиш ёки конструкциялаш учун асосий восита сифатида қўлланилади. Бу реаллик ва воқелик ўртасидаги фарқ бўлиши мумкин, деган маънони билдиради. Реаллик билиш фаолиятидан мустақил бўлган дунё сифатида тушунилади. Воқелик эса бизга феноменал равишда берилган, ўзлаштирилган дунёдир. Ҳар бир конструктивистик эпистемологиядаги "асосий фарқлар" ҳар хил бўлиши мумкин, аммо умуман олганда улар ҳақида юқоридагиларга асосланиб мулоҳаза мумкин. Шундай қилиб, радикал-конструктивистик ёндашувнинг тизим-назарий версияси (Н.Луман, Д.Бэккер, Е.Эспозито) тизимни ва ташқи дунёни асосий фарқ деб билади, бу ерда иккинчиси идрок этиб бўлмайдиган реаллик тизим, деб тушунилади. Ташқи дунё - бу тизимнинг тузилиши бўлиб, у аслида ўзи яратган ҳосила - ташқи дунёдан ўзини доимий равишда такрорланиб турадиган ўзини фарқлашидир.

Конструктивизмнинг асосий парадоксини шундай ифодалаш мумкин: ишончли, яъни "воқелик"дан фарқли ўлароқ, реаллик - бу реаллик ва воқелик ўртасидаги фарқ. Фақат воқеликка нисбатан шубҳагина реал бўлиши мумкин. Реалликлар сони кузатувлар сонига тўғри келади, гарчи кузатувлар зичланиш хусусиятига эга бўлса ҳам такрорланадиган реалликлар - нарсалар, объектлар, сўзлар ва тушунчаларни яратилишига олиб келади, шунда битта кузатиладиган реаллик кузатишлар тўпламига мос келади, деган таассурот пайдо бўлади. Мутлақ ёки охирги кузатувчи ҳақидаги савол Ньютоннинг мутлақ маконининг тақдири каби тугади. Фақат локал (макон) кузатувлар мавжуд.

Конструктивистик "онтология" метафора сифатида оламни ифодалаб, гўё бир вақтнинг ўзида амалга ошадиган миллиардлаб кузатув ҳаракатларидан бир зумда порловчи нурлар сингари ўзларининг локал секторларидан таралиб, дарҳол ўчиб ва кейинги лаҳзада бошқасини ёритиб турадилар. Реаллик ва воқелик ўртасидаги фарқнинг туб моҳияти, ҳатто танқидий рационализм муносабатлари чегараларидан ҳам чиқиб кетади. Танқидий рационализмга кўра, билимларнинг чинлиги олдиндан маълум бўлган ёлғон билимлардан келиб чиқади. Шу билан бирга радикал конструктивизмда ёлғон ҳақиқатнинг “тескари томони” сифатида рефлексия принципини ифодалаб, ўрганилаётган факт ёки ҳодиса ҳақида ўйлашга мажбур қилади ва ҳақиқат махсус ақлий меҳнатни талаб қилмайдиган жиҳат, деб қабул қилинади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай чин ҳукм, қанчалик аҳамиятсиз кўринмасин, у ҳар доим аҳамиятли бўлиш йўлида, шунчаки ҳамроҳ билим фон сифатидаги олимнинг мулоҳазаларида бу диққатни жамлашни талаб қилмайди.

Шубҳасиз, радикал конструктивизмнинг асосий масаласи реаллик ва воқеликнинг ўзи ҳақидаги билимларнинг классик муносабат доирасида туради, аммо бу муносабат энди қайта кўриб чиқилмоқда. Фалсафий тадқиқотлар учун муаммо воқеликнинг ўзи эмас, балки уни конструкциялаш усулларида ва баъзи бир агентлар ёки кузатувчи тизимлар кузатувининг аниқ эмпирик қайд қилинган операцияларига мурожаат қилишни талаб қилади. Шу маънода конструктивизм реалликни инкор этмайди, аксинча унинг генезисини тадқиқ қилади. Реаллик иккинчи даражали кузатувчи биринчи даражали кузатувчи кўрмайдиган нарсани кўришга қодир бўлганда пайдо бўлади. Чунки биринчи кузатувчи учун унинг қарашлари, билимлари (кузатув сектори) ва у ўзлаштирган реаллик сектори мос келади. У ўзининг

локал (яъни кузатув) дунёси ва қамраб бўлмайдиган соҳаларни ажратиб турадиган фарқни сезишга қодир эмас.

Фақат иккинчи даражали кузатувчи биринчи даражадан яширинган "бўшлиқни", яъни кўринадиган ва кўринмайдиган ўртасидаги фарқни очиб беради.

Конструктивизм субъект ва объектнинг классик дуализмини олиб ташлашни талаб қилади (конструктив терминологияда: кузатиш операциялари ва кузатиладиган феномен). Бунинг учун физикадан комплементарлик яъни бир-бирини тўлдирувчи реалликлар тушунчаси ишлатилади, аммо бу уларни бир вақтнинг ўзида кузатишга имкон бермайди. Дарҳақиқат, диққатни билиш фаолиятининг ўзига ёки ҳеч бўлмаганда битта билим операциясига қаратишда у йўналтирилган объект кузатувдан йироқлашиб кетиши ишончли кўринади ва аксинча. Биринчи кузатувчининг билими у учун ҳақиқат ва демак унга нисбатан биз билим ва ҳақиқат ўртасидаги фарқ ҳақида гапира олмаймиз. Ҳақиқат билимга нисбатан мустақил категория сифатида фақат иккинчи даражали кузатишда пайдо бўлиб, иккинчи кузатувчи биринчиси билган ҳамма нарса ҳам ҳақиқат эмас, деган хулосага келганди А.Ю.Антоновский[78].

Фан ва математика фалсафасида - илмий назарияларни қуриш ва асослаш усули, назарий (қаранг тўплам назарияси) ва аксиоматик усул. У илк бор XX асрда математикага асос солиш муаммолари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлди ва янада ривожланди. XIX аср охирида немис математиги Г.Канторнинг саъй-ҳаракатлари билан яратилган чексиз кўпликлар назарияси классик математика учун аниқ асос яратишга ҳаракат қилди.

---

[78] Антоновский А.Ю. Научное познание как понятие социальной философии//"Вопросы философии".№ 12 за 2018 г. http://vphil.ru/index.php?option=com_content&task=view&id=2075&Itemid=52.

Бироқ бир мунча вақт ўтгач, унда антиномиялар ва парадокслар пайдо бўлди, бу уни математикани қуриш учун ишончли асос, деб ҳисоблаш мумкин эмаслигини кўрсатди. Вақт ўтиши билан парадокслар сони орта бошлади ва математика асосларининг инқирози ҳақида кўп билан гапира бошладилар. Ушбу инқироздан чиқиш йўлини излаш ва уни асослаш учун бир нечта янги дастурлар илгари сурилди, улардан бири Кантор кўпликлари назариясини аксиоматизация қилиш дастури эди. Ушбу дастурнинг асосий мақсади, биринчи навбатда, парадокслар пайдо бўлишининг манбаи бўлиб хизмат қиладиган ўзбошимчалик билан тўпламларнинг шаклланиш эҳтимолини истисно қиладиган тўпламга оид тушунчадан фойдаланишни чеклаш эди (Бундай тушунчаларга Б.Рассел томонидан ўзини тегишли элемент сифатида ўз ичига олмайдиган барча тўпламлар тўпламининг концепцияси киради. Буни тушунтириш мақсадида у ўз соқолини ўзи олмайдиган кишиларнинг соқолини оладиган қишлоқ сартарошини мисол келтиради. Унинг соқолини ким олиши кераклиги ҳақидаги саволга аниқ жавоб йўқ. У ўз соқолини ўзи олади десак, бу қабул қилинган шартга тўғри келмайди, яъни шартга биноан у ўз соқолини ўзи олмаслиги керак; агар у ўз соқолини ўзи олмаса, унда у сартарошга мурожаат қилиши керак, парадокс сартарош унинг ўзи эканлигида). Математиканинг моҳияти унинг эркинлиги, деган ғояни эълон қилган Кантор кўпликларнинг шаклланиш жараёнини ҳеч қандай тарзда чекламади. Кўпчилик математикларнинг фикрига кўра, бу назарияда парадоксларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган тўпламларнинг шаклланишидаги чекланмаган эркинликдир. Иккинчидан, математиканинг пойдевори учун зарур бўлган тўпламларнинг барча хусусиятлари ва муносабатлари тўпламлар назарияси аксиомаларидан

мантиқий равишда чиқарилиши мумкинлиги ҳақида мушоҳада қилиш керак эди. Д.Гильберт таъкидлаганидек, ҳеч ким бизни Кантор яратган жаннатдан қувиб чиқара олмайди.

XX асрнинг бошларида ва кейинчалик ҳам аксиоматик тўпламлар назариясининг бир неча хил тизимлари яратилди. Бироқ ушбу назарияларнинг барчасида битта умумий нуқсон бор эди: улар шу пайтгача маълум бўлган парадокслар уларнинг назарияси доирасида пайдо бўлиши мумкин эмаслигини, аммо бошқа номаълум парадоксларнинг пайдо бўлишига кафолат бермаганлигини кўришимиз мумкин.

Парадоксларни бартараф қилиш ва математика асослари инқирозини бартараф этиш бўйича энг радикал дастурларни Д.Гильберт бошчилигидаги формализм ва Л.Е.Я.Брауэр атрофида бирлашган интуитивизм тарафдорлари илгари сурдилар. Гильберт тўпламлар назарияси парадоксларини ҳал қилиш ва аксиоматик метод ёрдамида уларни тўлиқ формаллаштириш орқали классик математикани инқироздан халос қилишга уринди. Бунинг учун аввал формаллаштирилган аксиоматик тизим шаклида тақдим этиш, иккинчидан, вужудга келган формал тизимнинг изчиллигини исботлаш керак эди, бундай исботларда актуал чексизлик абстракциялари ишлатилмайди ва шунинг учун улар шунчаки элементар бўлган, ҳеч қандай шубҳа туғдирмайдиган чекланган методлар ёрдамида амалга оширилиши керак. Гильберт метаматематикада бундай исботларни формаллаштирилган математикага нисбатан таъсир кўрсатадиган мазмунли назария сифатида кўриб чиқади. Агар математиканинг формаллаштирилган тизимида метаматематиканинг чекланган методларидан фойдаланиб қарама-қаршиликни топиш мумкин бўлмаса, яъни ундаги зиддиятли иккита теорема исботланса,

шунда тизим изчил бўлиб чиқилади ва унда парадокслар пайдо бўлмайди. Бироқ Геделнинг 1931-йилда формал арифметиканинг тугал эмаслиги ҳақидаги машҳур теоремасини исботлаши классик математикани тўлиқ формаллаштиришнинг иложи йўқлигини кўрсатди. Машҳур рус математиги А.А.Марков Гильбертнинг дастурини конструктив асосда назарий математикани асослашга уринишни муваффақиятсиз, деб тавсифлайди ва Гильбертнинг ўзини конструктив математиканинг асосчиларидан бири, деб билади.

Конструктивизм ғоялари Л.Брауэр бошчилигидаги интуитивистик математика доирасида янада ривожланди. Интуиционистлар нафақат парадоксларнинг, балки тўплам назариясидаги қийинчиликларнинг ҳам манбаи ундаги актуал чексизлик мавҳумлигидан фойдаланишда, деб ҳисоблашган. Парадокслар бу абстракциянинг асоссиз қўлланилишининг аломатларидир, чунки унда чексиз тўпламлар чекланган тўпламларга ўхшатилади. Масалан, натурал сонларнинг чексиз қатори аввалги сонга биттасини қўшгандан сўнг пайдо бўладиган потенциал эмас, балки актуал тарзда тузилган, тугалланган ва бир вақтнинг ўзида унинг барча рақамлари билан кўрсатилган, деб ҳисобланади. Шунинг учун интуитивистлар актуал чексизликни абстракциялаштириш ўрнига потенциал чексизликни абстракциялаштиришдан фойдаланадилар. Аввало бу математикада мавжудликнинг соф исботларида қўлланиладиган учинчиси истисно қонунига тегишлидир. Бунда математик объектнинг мавжуд эмаслиги ҳақидаги тахмин қарама-қаршиликка олиб келадиган бўлса, унинг мавжудлиги тасдиқланган, деб ҳисобланади. Интуитивистлар эса аксинча, агар объектни ҳақиқатан ҳам тузиш ёки ҳисоблаш мумкин бўлса, объектнинг мавжудлиги исботланган, деб ҳисоблашади.

Ҳар қандай тадқиқотнинг конструктив имкониятлари ҳақидаги чуқур ғоя, шубҳасиз, нафақат математика ва мантиқда, балки бошқа фанларда ҳам ўз ривожини топади.

# II БОБ. ЗАМОНАВИЙ ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИНИНГ ЭВРИСТИКАСИ

Мустақилликка эришган Ўзбекистон ўзининг улкан потенциалини ишга солиб, энг янги инновацион ва информацион технологияларга асосланган илғор ижтимоий тузилмаларни яратиш орқали ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуришга киришди. Инновацион ривожланиш бир қатор сифат ўзгаришларда намоён бўлади. Биринчи навбатда, жамиятнинг барча жабҳаларида структуравий ва функционал янгиланишлар устувор жараёнга айланади. Бундай ўзгаришлар палласига кирган жамиятда инновацион технологоияларни жорий этиш, ноанъанавий фикрлаш ва фаолият кўрсатиш, энг янги ишлаб чиқариш усуллари ва воситаларидан кенг фойдаланиш ижтимоий эҳтиёж даражасига кўтарилади, барқарор амалиёт тусини олади.

Инновацион жараён янгиланишнинг технологик томонини билдиради, янгиликларнинг пайдо бўлиши, қабул қилиниши, ўзлаштирилиши, тарқатилиши ва тадбиқ килинишини ўз ичига оладиган кенг қамровли ҳодисадир. Инновацион фаолият янгиланишнинг ижодий томонини билдириб, мавжуд тафаккур ва ҳаёт тарзи, меҳнат воситалари, предмет ва усуллар, ижтимоий тузилма ва технологияларни ўзгартиришга олиб келади. Ижодий фаолиятнинг тафаккур ва ҳаёт тарзини ўзлаштиришга олиб келадиган инновацион фаолиятни субъектив (мотив, эҳтиёж) ва объектив омиллари мавжуддир. Инновацион жараёнлар ижтимоий жараёнларнинг ўзгариш моҳиятини ифодалайди, жамиятнинг ривожланиш манбасидир.[79]

---

[79] Туленова К.Ж., Расулев Э.Х. Образование и инновации: взгляд в будущее // Ўзбекистон фани ва технологияларида инновация: муаммолар, ечимлар ва истиқболи. С., Самарқанд, 2007. – Б. 118-120.

Бу ўринда Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, ҳозирги шароитда “кишиларнинг тафаккурини, қотиб қолган тушунчаларини ўзгартириш айниқса муҳимдир”.[80] Бу вазифани бажариш, ўз навбатида, ҳозирги замон тафаккури ҳисобланган инновацион тафаккурни шакллантириш ва мутахассислар онгига сингдириш имкониятини беради.

## 2.1. Илмий тафаккур тарзининг эвристик ва инновацион жиҳатлари

Бугунги кунда “инновация”, “инновацион технологиялар”, “инновацион тафаккур”, “инновацион шахс” ва “инновацион мутахассис” иборалари глобал миқёсда ишлатилмоқда. Зеро, мамлакат келажаги – инновацион тафаккурга эга, инновацион технологияларни эгаллаган, уни амалиётга тадбиқ эта оладиган инновацион мутахассисларга боғлиқ. Бизнинг мамлакатимизда ҳам инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни рўёбга чиқариш энг устувор вазифалардан бирига айланди.

Инновация тушунчаси дастлаб халқаро иқтисодий адабиётда қўлланилиб, имкониятдаги илмий-техник прогрессни реал жараёнларга қўллаш натижасида янги маҳсулот ва технологияларни яратиш маъносида ишлатилган. Шу сабабли ҳам дунё миқёсида инновацион жараён дастлаб иқтисодий характердаги илмий-техник тараққиёт доирасида бошланган. Шунингдек, инновация тушунчаси ўтиш даври мамлакатлари иқтисодий ҳаётини изга солувчи, таназзулдан олиб чиқувчи чора бўлиб асосий калит механизми сифатида қабул қилина бошланган. Бу даврда “инновацион фаолият”,

[80] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б. 45.

“инновацион процесс”, “инновацион ечим” каби тушунчалар инновация билан ёнма-ён қўлланилган. Ҳозирги кунда эса инновациянинг бошқарув, иқтисодий, техник, менежмент соҳалари мавжуд.[81] Инновация ҳодисасини ўрганиш ўтган асрнинг бошларида жиддий тус олди. Австриялик олим Йозеф Шумпетер фанга “инновация” атамасини киритди, инновацион жараёнлар тавсифини берди. Айни шу даврда ижодий тафаккур ҳодисаси ва қонуниятлариларини ўрганиш кенг йўлга қўйилди. Ижодий тафаккур муаммоларини инновацион жараён сифатида тадқиқ қилиш “инновацион тафаккур” тушунчасининг ҳосил бўлишига олиб келди.[82] Ҳозирги даврга келиб эса, постноклассик фанлар доирасида шаклланаётган янгича тафаккур тарзи инновацион тафаккур билан уйғунлашиб бормоқда.

С.Р.Яголковский инновацион тафаккурнинг хусусиятларини қўйидагилар билан белгилайди: “муаммони янгича кўриш қобилияти ва оддий стереотипларни енгиб ўтиш, уни англаш, аниқлаш ва таъкидлаш янада ривожлантириш учун "истиқболли" ғояни ривожлантириш, бошқаларни ҳам бу тўғри, истиқболли эканлигига ишонтириш ва танланган ғоянинг прагматик қийматини юқори баҳолашдир”.[83]

Бошқа тадқиқотчилар эса, инновацион тафаккурнинг конструктив, трансформацион, амалий ва ижодий характерга эга эканлигини таъкидлайдилар.[84]

---

[81] Мадаева Ш.О. Ўзбекистонда фалсафа ва мантиқ фанининг ўқитилишида инновацион ёндашувлар // Инновацион жараёнларни ривожлантиришда олималарнинг ўрни. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Самарқанд, 2017. - Б 17.

[82] Азизқулов А.А. Қўшоқов Ш.С. Илмий ижодиёт: фалсафий ва илмий-назарий муаммолар. – С.: СамДУ, 2003. – Б. 127-130.

[83]Яголковский С.Я. Психология инноваций: подходы, модели, процессы / Научная монография. - М.: ГУ-ВШЭ, 2011. – С. 272

[84]Усольцев А.П., Шамало Т.Н. Понятие инновационного мышления // Педагогическое образование в России. - 2014. - № 1. – С. 94-98.

В.В.Утемов ёндашувига кўра, “инновацион тафаккур - бу муаммоли вазиятларни ҳал қилишда дедуктив усулдан четга (қолипдан) чиқишдир”.[85]

А.Е.Михневич “Инновацион тафаккур - кашф этиш, эвристик имкониятга эга, янгиликни яратишга қаратилган тафаккурдир”[86], - деб ҳисоблайди.

Инновацион тафаккурга тўлиқ таъриф беришга уриниш В.П.Делия томонидан амалга оширилган бўлиб, унга кўра бу шахснинг эвристик фикрлаши, физиологик кетма-кетликлар, ижтимоий-маданий нақшлар, шу жумладан, ўз-ўзидан ноуменонга эга бўлган руҳий моделларни яратиш ва ишлаб чиқариш мумкин, уни инновацияларда ҳамда дунёнинг мавжуд манзарасини маънавият, эзгулик ва ҳақиқат позицияларидан яхшилашга қаратилган инновацион жараёнда импульсив равишда холисона объективлаштиришдир.[87]

Адабиётда инновацион тафаккурнинг қуйидаги таърифи мавжуд: “инновацион тафаккур инсоннинг ўсиб ва такомиллашиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга, янгидан-янги ғоялар, лойиҳалар ва қадриятларни ихтисослашган жамоалар ва корхоналарда мунтазам равишда ишлаб чиқаришга қаратилган ижодий тафаккурдир”.[88]

Инновация янги ғоялар, технологиялар, информацион лойиҳалар ва маҳсулотларни кашф этиш, ишлаб чиқиш ва жамиятга тадбиқ қилишни билдириб, ҳозирги замон ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолият

---

[85]Утемов В.В. Задачи открытого типа как инструмент формирования инновационного мышления // Молодой ученый. - 2011. - №1. – С. 54-60.

[86]Михневич А.Е. Культурные основы инновационного мышления // Социология. - 2008. - № 4. с.49-60.

[87]Делия В.П. Инновационное мышление в XXI веке. Москва: Де - По,2011. – С. 232.

[88] Қўшоқов Ш.С. Инновацион тафаккур концепцияси // Фан ва фалсафада инновацион тафакур муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: СамДУ, 2010. – Б. 17.

тизимларида асосий фаолият турига айланмоқда. Кашф этиш ва ихтиро қилиш илмий, бадиий ва технологик ижодиёт соҳаси ҳисобланади. Бундай фаолиятда намоён бўладиган креатив (ижодий) тафаккурни ўрганиш борасида тадқиқотчилар унумдор ва тикловчи, репродуктив ва инновацион тафаккур турларини фарқлай бошладилар. Фикримизча, устувор фаолият сифатида янги ғоялар, концепциялар ва лойиҳаларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган тафаккурни шунчаки унумли эмас, балки инновацион тафаккур, деб белгилашга асос бор. Гап шундаки, ҳар бир тафаккур тарзида фикр (образ, ғоя ва ҳ.к.) ҳосил қилиш жараёни мавжуддир. Ишлаб чиқилган фикр, тафаккур соҳиби учун янги ёки қайта тикловчи фикр бўлиши мумкин. Маълум маънода, унумли тафаккур атамаси “инновацион тафаккур” атамасига қараганда кенгроқ мазмунга эга. Йўналтирилмаган, соҳавий инновацион тафаккурнинг шаклланиши заминида янгиликни ишлаб чиқиш, тадбиқ қилиш ва тарқатишга қаратилган, фаолият мунтазам амалга ошириладиган жараёнга айлангандан кейин ижодий фикрлаш ўзига хос интеллектуал инновацион фаолият, яъни самарали, креатив меҳнат даражасига кўтарилади. Шу тарзда когнитив, ақлий инновацион тафаккур шаклланади.

Фикримизча, инновацион тафаккур тарзи инсоннинг янги эҳтиёжлари ва муаммоларини қондиришга йўналтирилган янги ғоялар, қадриятлар ва лойиҳаларни ихтисослашган корхоналар ва уларни янгилаб туришга кетадиган вақтни қисқартиришга қаратилган интеллектуал фаолият шакли ва тизимидир. Асосан, янги фактлар, ғоялар ва лойиҳалар яратишга йўналтирилганлиги, бу жараённинг тартибланганлиги, тизимлилиги даврий мунтазам характерга эга бўлиши

инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятини белгилаб беради.

Инновацион тафаккур кўп босқичли даврий жараён бўлиб, унинг бошланиш, юксалиш ва якунлаш фарқлари, вақт оралиқлари мавжуддир. Инновацион тафаккурнинг фан ва амалиётдаги роли ва аҳамияти маълум жиҳатдан эвристик усул ва ёндашувларнинг ривожлантирилишига боғлиқдир.

Инновацион тафаккурнинг шаклланиши унинг эвристик жиҳатларини кучайтириш билан белгиланади. Тафаккурнинг эвристик жиҳатларини кучайтириш, фан ва амалиётга тадбиқ қилиш ҳозирги замон тафаккури ҳисобланган инновацион тафаккурни шакллантириш ва мутахассислар онгига сингдириш имкониятини беради. «Ўзбекистон, - деб таъкидлайди И.А.Каримов, - инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма зарур шароитларга эга».[89]

Ҳозирги замон тафаккур тарзининг инновацион моҳияти, ижтимоий зарурияти, ёш мутахассислар ва олимларнинг касбий малакани эгаллашидаги методологик аҳамиятга эгадир.

Мустақиллик йилларида фалсафанинг янги сиймоси виртуалистика, синергетика, ўйин назарияси, постноклассик фалсафа, креатив тафаккур тарзи йўналишларида ривожланиб борди. Бу эса жамиятда инновацион илмий тафаккур тарзининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди.

## 2.2. Эвристика ва инновацион тафаккур

Мустақилликка эришган Ўзбекистон ўзининг улкан потенциалини ишга солиб, энг янги инновацион ва информацион технологияларга асосланган илғор

[89] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 626.

ижтимоий тузилмаларни яратиш орқали ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуришга киришди. Инновацион ривожланиш бир қатор сифат ўзгаришларда намоён бўлади. Биринчи навбатда, жамиятнинг барча жабҳаларида структуравий ва функционал янгиланишлар устувор жараёнга айланади. Бундай ўзгаришлар палласига кирган жамиятда инновацион технологияларни жорий этиш, ноанъанавий фикрлаш ва фаолият кўрсатиш, энг янги ишлаб чиқариш усуллари ва воситаларидан кенг фойдаланиш ижтимоий эҳтиёж даражасига кўтарилади, барқарор амалиёт тусини олади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда”[90]. Демак, инновацион ғоялар ва технологияларни яратиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш муҳим ва долзарб вазифадир.

Конструктив тафаккур муаммоларини инновацион жараён сифатида тадқиқ қилиш “инновацион тафаккур” тушунчасининг ҳосил бўлишига олиб келди. Ҳозирги даврга келиб эса постноклассик фанлар доирасида шаклланаётган янгича тафаккур тарзи инновацион тафаккур билан уйғунлашиб бормоқда.

Индустриал жамиятнинг шаклланиши янгиликка нисбатан ижобийлик ва яратувчанлик муҳитини юзага келтирди. Бу жамият машинали ишлаб чиқариш, бозор иқтисодиёти, меҳнатни илмий ташкил қилиш, техник, ташкилий ва иқтисодий рационалликка (оқилона иш юргизишга) асосланган. Янгиликка бўлган интилиш, янгиликни тадбиқ қилиш орқали такомиллашиб

---

[90]Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.: Ўзбекистон, 2017. - Б 10.

бораётган эҳтиёжларни қондириш, турли хизмат кўрсатиш соҳаларини яратиш доимий жараён тусини олади. Табиийки, ижтимоий янгиланиш, унинг назарий ва амалий масалалари тадқиқот предметига айланди. Мазкур тадқиқот объекти ва предметини шаклланиши жараёнида “Инноватика” фани вужудга келди.

С.Р.Яголковский инновацион тафаккурнинг хусусиятларини қуйидагилар билан белгилайди: “Муаммони янгича кўриш қобилияти ва оддий стереотипларни енгиб ўтиш, уни англаш, аниқлаш ва таъкидлаш янада ривожлантириш учун "истиқболли" ғояни ривожлантириш, бошқаларни ҳам бу тўғри, истиқболли эканлигига ишонтириш ва танланган ғоянинг прагматик қийматини юқори баҳолашдир”.[91]

Бошқа тадқиқотчилар эса, инновацион тафаккурнинг конструктив, трансформацион, амалий ва ижодий характерга эканлигини таъкидлайдилар.[92] В.В.Утемов ёндашувига кўра “инновацион тафаккур - бу муаммоли вазиятларни ҳал қилишда дедуктив усулдан четга (қолипдан) чиқишдир”.[93] А.Е.Михневич “Инновацион тафаккур - кашф этиш, эвристик имкониятга эга, янгиликни яратишга қаратилган тафаккур”[94], деб ҳисоблайди.

Инновацион тафаккурга тўлиқ таъриф беришга уриниш В.П.Делия томонидан амалга оширилган бўлиб, унга кўра бу шахснинг эвристик фикрлаши, физиологик кетма-кетликлар, ижтимоий-маданий нақшлар, шу

---

[91]Яголковский С.Я. Психология инноваций: подходы, модели, процессы / научная монография. - М.: ГУ- ВШЭ, 2011. – С. 272

[92]Усольцев А.П., Шамало Т.Н. Понятие инновационного мышления // Педагогическое образование в России. - 2014. - № 1. – С. 94-98.

[93]Утемов В.В. Задачи открытого типа как инструмент формирования инновационного мышления // Молодой ученый. - 2011. - №1. – С. 54-60.

[94]МихневичА.Е. Культурные основы инновационного мышления // Социология. - 2008. - № 4. -С.49-60.

жумладан, ўз-ўзидан ноуменонга эга бўлган руҳий моделларни яратиш ва ишлаб чиқариш мумкин, уни инновацияларда ҳамда дунёнинг мавжуд манзарасини маънавият, эзгулик ва ҳақиқат позицияларидан яхшилашга қаратилган инновацион жараёнда импульсив равишда холисона объективлаштиришдир.[95]

Адабиётда инновацион тафаккурнинг қуйидаги таърифи мавжуд: "Инновацион тафаккур инсоннинг ўсиб ва такомиллашиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга, янгидан-янги ғоялар, лойиҳалар ва қадриятларни ихтисослашган жамоалар ва корхоналарда мунтазам равишда ишлаб чиқаришга қаратилган ижодий тафаккурдир".[96]

Инновацион тафаккур кўп босқичли даврий жараён бўлиб, унинг бошланиш, юксалиш ва якунлаш фарқлари, вақт оралиқлари мавжуддир. Инновацион тафаккурнинг фан ва амалиётдаги роли ва аҳамияти маълум жиҳатдан эвристик усул ва ёндашувларнинг ривожлантирилишига боғлиқдир.

"Эвристика" тушунчаси тафаккур феномени билан боғланиб, "эвристик тафаккур" сифатида қўлланилади. Эвристика бу кашфиётлар ва ихтиролар қилиш жараёнини ўрганувчи фан ва проектив-технологик ёндашувдир. Ушбу жараёнларнинг кўп жиҳатлари мантиқ ва рационаллик қоидалари асосида амалга ошмайди. Бу жараёнлар таркибида кўп интуитив, ғайришуурий (онгости), ақл билан англаш қийин бўлган компонентлар мавжудлилига тадқиқотчилар эътибор бермоқдалар.[97]

---

[95]Делия В.П. Инновационное мышление в XXI веке. Москва: Де-По,2011. – С. 232.

[96]Қўшоқов Ш.С. Инновацион тафаккур концепцияси // Фан ва фалсафада инновацион тафаккур муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: СамДУ, 2010. – Б. 17.

[97]Каримов Б.Р. Синергетика ва эвристиканинг илмий билиш жараёнидаги ўрни // Синергетик парадигма: муаммо ва имкониятлар. Илмий-назарий семинар материаллари. – Т.: 2013. - Б. 64.

Аслида эвристика инновацион тафаккур функциясини бажаради. Инновацион тафаккурни тадқиқ қилиш йўналиши бўлган эвристика фанлараро хусусиятга эгадир. Инновацион-эвристик ёндашув илмий ва ноилмий билим, рационаллик ва норационаллик феноменларини ўрганиш борасида интегратив бўғин бўлиб хизмат қилади. Илмий инқилоб даврларида илмий ёки технологик тафаккур тарзи шиддатли динамик ўзгариш ва янгиланиш хислатга эга бўлади.

Эвристиканинг асосий вазифаси маълум тизим учун янгиликни қидириш жараёни моделини тузишдан, шу жараён тафсилотини беришдан иборатдир. Эвристикада диққат-эътибор бирон-бир жузъий шаклга эга бўлган ижодни эмас, балки ҳар қандай ижодий фаолиятнинг умумий хоссаси ёки структурасини, яъни қидириш ва муаммонинг ечимидан келиб чиқадиган янги ғояни яратиш жараёнини ўрганиш ва моделини тузишга қаратилган.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, инновацион тафаккур янги хислатларга эга бўлади, яъни унда кашфиётчиликнинг ўриндошлик, ўтказиш, бирлаштириш ва ажратиш билан боғлиқ анъанавий усуллари билан бир қаторда, хаёлни рағбатлантирувчи усуллар: тиғиз муддатлар тизими, муаммони танқидсиз вазиятда эркин муҳокама қилиш, тортишувчанлик муҳитини яратиш, шунингдек, ҳазил тахминлар қилиш қайд этилади. Бунда илмий тафаккур тарзига ёндашувларни эркинлаштириш, эҳтимоллик, интеллектуал ўйин жиҳатлари берилади.

Эвристика ва инноватика инновацион тафаккур хоссалари ҳамда қонуниятларини тадқиқ қилиш учун зарур бўлган назарий ғоялар, ёндашувлар ишлаб чиқдилар. Ижтимоий ҳаётда инновацион тафаккурнинг намоён бўлишига объектив ва субъектив, ички ва ташқи кучлар, турли омиллар таъсир кўрсатади:

**Биринчидан,** жамиятдаги кишиларнинг интеллектуал маданияти ва салоҳияти, таълим тизимининг замонавийлиги ва сифати;

**Иккинчидан,** жамиятда инновацион фаолият ва маҳсулотга буюртма (эҳтиёж), инновацияни яратиш, киритиш, амалиётга жорий этишда давлат ва жамият томонидан маблағ ажратилиши (қўллаб-қўвватлаш);

**Учинчидан,** кишиларда эвристик, креатив ва инновацион тафаккурни ривожлантириш, инновация ва эвристикага нисбатан прагматик ёндашувни шакллантириш.

Бу тавсияларни комплекс тарзда тадқиқ қилиш инновацион тафаккур концепциясининг муҳим омилидир. Ҳозирги замон тафаккур тарзининг инновацион, эвристик моҳияти, унинг ижтимоий зарурияти, ёш мутахассислар ва олимларнинг касбий малакани эгаллашларидаги методологик вазифадир.

## 2.3. Замонавий илмий тафаккур тарзида конструктив эвристика

Мустақилликка эришган Ўзбекистон ўзининг улкан потенциалини ишга солиб, энг янги инновацион ва информацион технологияларга асосланган илғор ижтимоий тузилмаларни яратиш орқали ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуришга киришди. Инновацион ривожланиш бир қатор сифат ўзгаришларида намоён бўлди. Биринчи навбатда, жамиятнинг барча жабҳаларида структуравий ва функционал янгиланишлар устувор жараёнга айланди. Бундай ўзгаришлар палласига кирган жамиятда инновацион технологоияларни жорий этиш, ноанъанавий фикрлаш ва фаолият кўрсатиш, энг янги ишлаб чиқариш усуллари ва воситаларидан кенг фойдаланиш ижтимоий

эҳтиёж даражасига кўтарилади, барқарор амалиёт тусини олади.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда”.[98] Демак, инновацион ғоялар ва технологияларни яратиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш муҳим ва долзарб вазифадир.

Креатив тафаккур муаммоларини инновацион жараён сифатида тадқиқ қилиш “инновацион тафаккур” тушунчасининг ҳосил бўлишига олиб келди. Ҳозирги даврга келиб эса постноклассик фанлар доирасида шаклланаётган янгича тафаккур тарзи инновацион тафаккур билан уйғунлашиб бормоқда.

Индустриал жамиятнинг шаклланиши янгиликка нисбатан ижобийлик ва яратувчанлик муҳитини юзага келтирди. Бу жамият машинали ишлаб чиқариш, бозор иқтисодиёти, меҳнатни илмий ташкил қилиш, техник, ташкилий ва иқтисодий рационаликка (оқилона иш юргизишга) асосланган. Янгиликка бўлган интилиш, янгиликни тадбиқ қилиш орқали такомиллашиб бораётган эҳтиёжларни қондириш, турли хизмат кўрсатиш соҳаларини яратиш доимий жараён тусини олади. Табиийки, ижтимоий янгиланиш, унинг назарий ва амалий масалалари тадқиқот предметига айланди. Мазкур тадқиқот, объекти ва предметини шаклланиши жараёнида “Инноватика” фани вужудга келди.

Фикримизча, инновацион тафаккур тарзи инсоннинг янги эҳтиёжлари ва муаммоларини қондиришга йўналтирилган янги ғоялар, қадриятлар ва лойиҳаларни ихтисослашган корхоналар ва уларни янгилаб туришга

---

[98] Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т. “Ўзбекистон”, 2017. – Б. 10.

кетадиган вақтни қисқартиришга қаратилган интеллектуал фаолият шакли ва тизимидир. Асосан, янги фактлар, ғоялар ва лойиҳалар яратишга йўналтирилганлиги, бу жараённинг тартибланганлиги, тизимлилиги даврий мунтазам характерга эга бўлиши инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятини белгилаб беради.

Инновацион тафаккур кўп босқичли даврий жараён бўлиб, унинг бошланиш, юксалиш ва якунлаш фарқлари, вақт оралиқлари мавжуддир. Инновацион тафаккурнинг фан ва амалиётдаги роли ва аҳамияти маълум жиҳатдан эвристик усул ва ёндашувларнинг ривожлантирилишига боғлиқдир. Кайтариляпти фикр

Инновацион тафаккурнинг шаклланиши унинг эвристик жиҳатларини кучайтириш билан белгиланади. Тафаккурнинг эвристик жиҳатларини кучайтириш, фан ва амалиётга тадбиқ қилиш ҳозирги замон тафаккури ҳисобланган инновацион тафаккурни шакллантириш ва мутахассислар онгига сингдириш имкониятини беради.

“Эвристика” тушунчасини тафаккур феномени билан боғлаб, “эвристик тафаккур” сифатида қўлланилади. Эвристика бу кашфиётлар ва ихтиролар қилиш жараёнини ўрганувчи фандир. Ушбу жараёнларнинг кўп жиҳатлари мантиқ ва рационаллик қоидалари асосида амалга ошмайди. Бу жараёнлар таркибида кўп интуитив, ғайришуурий, ақл билан англаш қийин бўлган компонентлар мавжудлигига тадқиқотчилар эътибор бермоқдалар.[99]

Демак, эвристика ва эвристик тафаккур креативликнинг когнитив коснтрукциясини ташкил этади.

---

[99] Каримов Б.Р. Синергетика ва эвристиканинг илмий билиш жараёнидаги ўрни // Синергетик парадигма: муаммо ва имкониятлар. Илмий-назарий семинар материаллари. – Т.: 2013. - Б. 64.

# III БОБ. ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИНИНГ КРЕАТИВЛИГИ

Республикамиз мустақилликка эришигач барча соҳаларда ислоҳотлар ва инновацион янгиланишлар амалга оширилди. Хусусан иқтисодий, ижтимоий ва таълим соҳаларида туб ўзгаришлар инновацияларни киритиш ҳамда кишиларда креативликни ошириш муҳим аҳамият касб этди.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичи иқтисодий соҳада инновацион ўзгаришларни тез суръатлар билан очиб беради, бу ерда инновациялар жамиятнинг ҳаётийлиги ва одамларнинг креатив фаолияти учун жой бериш қобилиятининг ўсишининг умумий кўрсаткичига айланмоқда, унинг маҳсулотини етарли даражада баҳолаш ва ушбу фаолият натижаларини қабул қилиш.

Давлат таълим стандартларида белгиланган билим, кўникма ва малакалар доирасидан ташқари фундаментал ва ахборот технологияларига доир билимларни ўзлаштириш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш кўникмаларига эга бўлиш билан юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш муҳим шартлар ҳисобланади. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс – фуқарони шакллантиришни назарда тутади.

Биз дунёдаги ривожланган давлатлар сафига қўшилишни, ҳаётимиз ўзгаришини хоҳлаймиз. Бунинг учун мамлакатда инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда уни барча соҳаларга татбиқ этиш муҳим ҳисобланади.[100] Шундай қилиб, агар инсон замон билан

---

[100] http://uza.uz/ru/politics/prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25.01.2020.

ҳамнафас бўлишни истаса, ягона талаб креатив ва инновацион тафаккурга эга бўлишдир. Креативлик “тасаввур” билан боғлиқ бўлса, инновация “амалга ошириш” билан боғлиқ.

## 3.1. Тафаккур креативлиги ҳақидаги қарашлар эволюцияси

Ижодий қобилият (креативлик)ни интеллектга боғлаб ўрганишни Ж. Гилфорд, К. Тейлор, Г. Грубер, Я.А. Пономарев изланишларида кўришимиз мумкин.

Когнитивлик феноменини ўрганиш соҳасида амалий тадқиқот олиб борган Д.Векслер, Р.Уайсберг, Г.Айзенк, Л.Термен, Р.Стернберг ва бошқалар креативликни юқори ва фаол интеллектнинг натижаси деб ҳисоблаганлар.

Когнитологик изланишлар доирасида шаклланаётган креативлик концепцияси фанлараро тадқиқот объекти бўлиб психология, фалсафа, иқтисодиёт, генетика, компьютер технологияси, нейрофизиология, эвристика кабы илмий йўналишлар интеграциясини тақозо этади. Ушбу тадқиқотда эса креатив тафаккур тарзи когнитив конструктивизм нуқтаи назаридан тадқиқ қилинади.

Креативлик феноменини ўрганишда хорижий классик ишлар мавжуд (Д.Арнольд, Ф.Баррон, Б.Гиселин, Д.Монтмэссон, Г.Уоллес, Э.Хатчинсон ва бошқалар).

Креатив тафаккурнинг когнитив хусусиятларини таҳлил қилиш М.С.Бернштейн, Э.Боно, И.Н.Семенов, Н.С.Лейтес, Ч.Д.Чистякова, В.Штернларнинг асарларда кўришимиз мумкин.

Шу жумладан, бу феномен Д.Гилфорд, Р.Стернберг[101], Е.Торренс, А.В.Брушлинский, И.А.Васильев, Я.А.Пономарёв,

[101] Sterenberg R.G. Thinking styles and testing: Bridjing the gap between ability and personality assessment// Inteligence and personality. Ed. By R.G. . Sterenberg and puzdis. – N. Y.: 1994. – 94 p. Sterenberg R. G. Mental self-government. A theory of

М.А.Холодна каби психологлар ижодида изланиш предмети бўлган.

Когнитив креативлик фаол интеллект маҳсули ҳақидаги ғоялар Е.М.Березина, В.И.Кабрин, Д.А.Карнаухов, Я.Б.Частоколенколар асарларида ишлаб чиқилган[102].

Тафаккурнинг ижодийлиги хусусидаги ғоялар Суқрот, Демокрит, Платон ва Арасту қарашларида мавжуд бўлган. Кейинчалик ижодиёт ва креативлик ноборлиқдан борлиққа ўтиши сифатида қаралган. Ўрта асрларда ижодиёт ва креативлик масалалари Августин, Аквинат, Расцелина, Оккам асарларида диний дунёқараш ва схоластик фалсафа талқинида берилган. Мазкур талқинга кўра, яратувчи фақат худо тимсолида гавдаланган.

Креатив тафаккурни методологик ва умумназарий жиҳатдан ўрганиш И.Кантга тегишлидир. Гегель мутлақ ғоя ҳақидаги диалектик қарашларида креатив тафаккур масаласига эътибор қаратади[103].

XIX ва XX асрларда Европа фалсафасидаги иррационалистик йўналишда креативлик масаласи талқин этилади (А. Бергсон, В. Дильтей).

АҚШда эса прагматизм, инструментализм, операционализм оқимларида креатив тафаккурни муаммоли вазиятларни ечишнинг конструктив-эвристик усули, деб тушунганлар (У.Жемс, Ж.Дьюи, П.У.Брижмен).

А.Бергсон, Ж.Дьюи, А.Маршалл, Э.Мунье, Ж.Нэсбитт, Т.Парсонс, Ч.Пирс, А.Тойнби, Э.Тоффлер, П.Эбурден, Г.Эмерсон ва бошқаларнинг ишларида креативлик

---

intellectual styles and their development// Human development. 1998. Vol. 3. P. 31. Sterenberg R.G. Thinking styles and the gifted// Roeper Rev.1998. Vol. P. 16.

[102]Кабрин В. И. Коммуникативный мир и транскоммуникативный потенциал жизни личности: теория, методы, исследования. М., 2005. 247 с.; Частоколенко Я.Б. Динамические особенности первичного творчества. Томск, 2005. 266 с.; Его же. Феномен первичного творчества в зеркале коммуникативного подхода // Коммуникативное измерение в психологической антропологии / под. ред. В. И. Кабрина. Томск, 2007. С. 236-279.

[103]Гегель Г. В. Ф. Феноменология духа. Философия истории. М, 2007. С. 41.

ихтирочилик, инновацион тафаккур сифатида талқин қилинган. Шунингдек, тажриба ва креативликликнинг узвий алоқадорлиги масаласи - Э.Гуссерль, А.Уайтхед, Н.Гартман каби муаллифларга хосдир. Ижодиёт ва креативлик масаласига материалистик фалсафа йўналишининг намоёндалари ҳам эътибор қаратганлар (В.Г.Белинский, А.И.Герцен, Н.Г.Чернышевский). Идеалистик фалсафада эса И.А.Федоров, Н.А.Умов, В.И.Вернадский, В.С.Соловьёв, П.А.Флоренский, С.Н.Булгаков, Н.А.Бердяев[104].

Билиш жараёниннинг креатив характери Г.С.Батищев, Э.В.Ильенковлар томонидан тадқиқ этилган. Креативлик феномени касбий фаолиятни тадқиқ қилиш доирасида В.Ф.Асмус, Б.М.Кедров, М.С.Каганлар ўрганганлар. Шунингдек, креативлик муаммосини Д.Б.Богоявленская, С.А.Букш, П.П.Крамар, Т.М.Кононова, И.И.Лапшин, Т.С.Орлова, А.Пуанкаре, К.А.Тимирязев, А.Т.Шумилинларнинг тадқиқотларида кўришимиз мумкин. Ҳозирги пайтда бу борада Москва мантиқий методологик тўгарагида амалий ишлар олиб борилмоқда (Н.Г.Алексеев, О.И.Генисаретский, Б.А.Грушин, В.В.Давыдов, А.А.Зиновьев, И.С.Ладенко, М.К.Мамардашвили, В.М.Розин, В.С.Швирёв, Г.П.Щедровицкий ва бошқ.).

Конструктивизм, когнитивлик, креативликнинг ижтимоий-маданий ва фалсафий-методологик муаммолари Ўзбекистонда О.Ф.Файзуллаев, Ж.Т.Туленов, М.Н.Абдуллаева[105], Б.Р.Каримов[106], Н.Шермуҳаммедова,

---

[104]Бердяев Н.А. Самопознание: сочинения. М.; Харьков, 1999. С. 456.

[105]Абдуллаева М.Н. Инновациионная основа научного творчества // Фан ва технологияларда инновация: муаммолар, ечимлар ва истиқболи. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд: СамДУ, 2007. - Б.12.

[106] Каримов Б.Р. Синергетика ва эвристиканинг илмий билиш жараёнидаги ўрни // Синергетик парадигма: муаммо ва имкониятлар. Илмий-назарий семинар материаллари. – Т.: 2013. - Б. 64.

Ш.С.Қўшоқов[107], А.А.Азизқулов[108], Г.Ғ.Ғаффарова[109], Е.В.Ли[110] ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган[111].

## 3.2. Марказий Осиё алломалари ижодида конструктив креативлик

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим вазифа бўлиб қолди. Айниқса, илмий, маънавий ва диний-фалсафий меросимизни холисона ўрганиш ва қайта тиклаш масаласига кучли эътибор қаратилди. Бу борада Биринчи Президент Ислом Каримов қуйидагича фикр билдирган: “Халқимиз таянчи аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланишимиз лозим”.[112]

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев бу масалага шундай ёндашади: “Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг бунёдкор ғояларини

---

[107]Қўшоқов Ш.С. Илмий тадқиқот методологияси. - С.: СамДУ. 2014. - Б. 29.

[108] Азизқулов А.А. Қўшоқов Ш.С. Илмий ижодиёт: фалсафий ва илмий-назарий муаммолар. - С.: СамДУ, 2003. - Б. 127-130.

[109] Ғаффарова Г.Ғ. Когнитивлик тизимининг жамиятни ислоҳ этиш жараёни билан ўзаро алоқадорлиги // Глобаллашув шароитида фалсафа ва миллий ғоянинг долзарб масалалари. VI илмий-назарий семинар материаллари. Т.: 2017. - Б.48-51.

[110]Ли.Е.В. О роли интуиции в творческом процессе // Фалсафа ва фанлар методологияси муаммолари: Республика илмий-назарий семинар материаллари. – Тошкент. “MUMTOZ SO’Z”, 2016. - Б. 48-51.

[111] Файзуллаев О.Ф. Фалсафа ва фанлар методологияси. Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ. 2006; Абдуллева М.Н. Адекватность познания и действия // Общественные науки в Узбекистане. Т.: 1993; Шермухаммедова Н. Социально-философские аспекты формирования стиля научного мышления и его методологическое значение: Дисс... д-ра филос. наук. – Ташкент, 2001; Стиль научного мышления. Т. 2006; Туленов Ж.Т. Диалектика и стиль научного мышления. Т.: Узбекистан, 1983. - С. 51.

[112] Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2010. - Б.176.

теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз”[113].

Зеро, аждодларимиз томонидан яратилган асарларда халқимизга хос бўлган инсон ижодий тафаккурининг камолот масаласи етакчи ўрин тутади. Инсоният яратган маънавий бойликлар бисотида донишмандларнинг панд - насиҳатлари ва ўгитлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ёзувнинг пайдо бўлиши маънавий меросни сақлаш ва бойитиш йўлидаги инсоният эришган энг катта ютуқ ҳисобланади. Ёзув туфайли ҳозир илм-фанда инсон тараққиёти, жумладан, маънавий мероснинг беш мингдан ортиқ тарихи, ер ва коинот жисмларининг бир неча миллион йиллик даври ҳақидаги маълумотлар жамланган. Кишилар онги, ички дунёси, ижодий тафаккури, ҳис-туйғуларига таъсир этиб, уларни бойитиш, ривожлантириш, янги ғоявий йўналишларга бошқариш маънавий мероснинг асл моҳиятини ифодалайди. Шунингдек, бугунги кунда маънавий мероснинг инсон ижодий тафаккурига чуқур таъсир этадиган қадрият сифатида аҳамияти тобора яққол намоён бўлмоқда.

Маънавий мерос аждодлар тажрибаси, қолдирган маънавий бойликларининг келгуси авлодларнинг амалий фаолияти, тафаккур тарзида қандай аҳамият касб этишига кўра, якка шахс, алоҳида гуруҳ ёки муайян миллат вакилларига тегишли бўлиши мумкин. Улар маълум миллий тилда яратилгани, миллий, маданий – маънавий анъаналар, қарашларни акс эттиришига кўра миллатга, маълум бир ҳудудда истиқомат қилувчи турли миллатларни қамраб олиши давлат ҳокимияти амал

---

[113] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сесиясида сўзлаган нутқи. // uz24.uz/politics/shavkat-mirziyoev-bmt-bosh-assambleyasining-72-sessiyasida-nutq-so’zladi.

қилиб турган даврда яратилганига кўра давлатга, инсоният тарихида тутган юксак ўрнига кўра цивилизацияга хос бўлиши ҳам мумкин. Ижод жараёнини азалдан анъанавий  тарзда ижодий тафаккур психологияси билан боғлиқ ҳолда талқин қилиниши ижодиёт психологияси механизмини марказий ўринда тақдим этилишига сабаб бўлди. Ижодий тафаккур борасидаги бир қанча машҳур тадқиқотларни  муҳокама қилиш орқали ижодиёт психологияси юзага келган. Айнан ижодий тафаккур яъни креативлик жаҳон илм-фани тараққиётида муҳим прогрессив роль ўйнади. Ваҳоланки, креатив тафаккурнинг ривожланиши учун давр ва ижтимоий муҳит ҳам ҳал қилувчи омиллардан биридир. Шунинг учун ижодкорлик креатив ғоялар айнан Ренессанс даврида кенг тараққий этди.

Инсоният цивилизацияси тараққиёти тарихида "Ренессанс" (тикланиш) деб аталган ижтимоий-маданий ҳодиса муҳим роль ўйнаган. Бундай ҳодисанинг содир бўлишини бир қатор иқтисодий, сиёсий, этнопсихологик ва тарихий жараёнлар тақозо этади.

Ренессанс ҳодисасининг асосий мазмуни шундан иборатки, бир вақтлар бирон-бир цивилизациянинг энг тараққий этган босқичида яратилган қадриятлар бошқа тарихий даврда пассионар силкинишни бошидан ўтказаётган халқлар томонидан ўрганиш, тақлид қилиш ва намуна олиш шаклида тикланади, тараққиётда маданий-маънавий ворислик намоён бўлади.

Мусулмон Ренессансининг биринчи тўлқини Араб халифалигида VII-XII асрларда тарқалган. Бу асрларда Европада схоластик фалсафа ва диний дунёқараш ҳукмрон эди. Олам манзараси эса мифологик талқинга асосланган эди. Айни пайтда эса мусулмон Шарқи хусусан, Марказий Осиёда ҳозиргача қадр-қимматини йўқотмаган фалсафий ва табиий-илмий ғоялар, таълимотлар яратилган.

Креатив (ижодий) тафаккур инсонга хос энг муҳим хусусиятлардан бири. Бу хусусиятдан маҳрум бўлган инсон бамисоли ҳамма ишни кўр-кўрона бажарадиган қулга айланиб қолади. Креативлик (ижодкорлик) - инсоннинг янги ғоялар, муқобиллар, ечимлар ва имкониятларни ноёб ва бошқача тарзда яратиш қобилиятидир.

Креативлик тушунчаси кўп фанлар (психология, фалсафа, иқтисодиёт) ва фанлараро (генетика, нейрофизиология) соҳаларида тадқиқот предмети ҳисобланади[114].

*Креативлик* (лот., инг. "create" - яратиш, "creative" - яратувчи, ижодкор) – кишининг олдин мавжуд бўлмаган инновацион ғояларни ишлаб чиқариш, яратувчанлик, бунёдкорликни мужассамлаштирувчи ижодий қобилиятидир. Зеро, бизнинг алломаларимизнинг илмий мероси эса ўз даврида креативликнинг ёрқин намунаси бўлган.

Креативлик (ижодкорлик) - бу олдиндан айтиб бўлмайдиган, оригинал ва ноёб нарсаларни тасаввур қилиш қобилиятидир. Бу ифодали, ҳаяжонли ва ижодий бўлиши керак. Бу инсон ҳар қандай шароитда ҳам қанчалик яхши фикрлай олишининг кўзгусидир[115].

Ижод - бир киши муносиб нарса олиб, уларни тасаввур орқасида ўйлаш керак бўлган ақлий ҳужум ва фикр - Фотогалерея фаолиятидир. Шунингдек, бу аввал яширинган нарсаларни очиб бериш фаолиятидир.

Ижодий тафаккур соҳиби ўз мустақил фикрига эга бўлади. У ҳаётга, одамларга эркин муносабатда бўлиб, ҳар қандай воқеа-ҳодиса юзасидан ўз фикрини эркин ифода

---

[114]Боровинская Д.Н. Феномен креативности: философско-методологический анализ / Д.Н.Боровинская, Л.Н.Захарова; Сургут. гос. пед. ун-т; науч. ред. В.А.Суровцев. - Сургут: РИО СурГПУ, 2017. - 172 с.

[115]Боровинская Д.Н. Креативность и мышление: категориальная характеристика / Д.Н. Боровинская, В.А.Суровцев // Вестник Томского государственного университета. Философия. Социология. Политология. - 2019. -№ 47. - С. 15-24.

қила олади ҳамда жамиятни маънавий янгилаш, одамларнинг онгу-тафаккурини юксалтириш, эзгу ғоялар тантанасини таъминлаш унинг муҳим шартидир. Шунинг учун ҳозирги вақтда мамлакатимиз ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёнида ижодий тафаккур ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. Мутафаккир сўзининг ўзаги ҳам фикрдир. Лекин, фикр юритиш қобилиятига эга бўлган инсонларнинг ҳаммасини ҳам мутафаккир, деб бўлмайди. Юксак, теран ва қудратли тафаккур соҳиби бўлиб, миллий ва умумбашарий қадриятлар ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк ижодкорлар, алломалар ва азиз авлиёлар мутафаккир, деб аталишга муносибдир.

Марказий Осиёда ҳам ўрта асрларда мутафаккирлар шакллантирган таълимотларда креатив тафаккурнинг ажойиб намуналари ишлаб чиқилган.

Ўрта асрда табиатшунослик фанлари мусулмон Шарқида, шу жумладан Ўрта Осиёда тараққий этиб, буюк илмий ва маърифий қадриятлар яратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мусулмон Шарқи фалсафаси ва фанида креативликнинг намоён бўлиши буюк алломаларимиз яратган нодир илмий асарларда, рисола ва қонуниятларида ифодаланди. Хусусан, креативликнинг маҳсули бўлган илм-фан ривожига Марказий Осиё олимларидан Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий ва бошқа алломалар катта ҳисса қўшганлар.

Буюк олим Мусо ибн Муҳаммад Хоразмий (780-850) алгебра фани ривожига асос солди, биринчи бўлиб квадрат тенгламалар типларини ва ҳар бир типни ечиш методини таснифини берди. У ўз даври хуқуқшунослигининг мужмал қоидаларини ечишда математик методлардан фойдаланиш йўлларини аниқлади. Географияга оид "Китобда сурат илмий аро" асарида кўп йиллар давомидаги кузатишларини

умумлаштирган ҳолда ернинг аҳоли яшайдиган жойларини кўрсатувчи хариталар тузиб, ҳар бир шаҳарнинг ўрнашган жойининг координаталарини - узунлик ва тенглик шаклларини кўрсатиб берди.

Фан тарихшуноси америка олими Ж.Сартон IX асрнинг биринчи ярмини фанда Хоразмий даври, деб атайди ва Хоразмийга "Ўша даврнинг энг буюк математиги ва агар ўша даврдаги бутун аҳволни эътиборга олсак, ҳамма даврларнинг ҳам энг буюк сиймосидир", деб юксак баҳо беради.[116]

Маълумки, араблар Ироқ, Миср ва Сурияни истило килгунга кадар юнон алифбосига асосланган рақамлардан фойдаланганлар. VII асрдан бошлаб эса араб алифбоси ҳарфлари билан ифодаланувчи рақамлар кўлланилган эди. Муҳаммад Мусо Ал-Хоразмий (783-850) Ҳиндистонда кашф қилинган ўн рақамидан иборат саноқ тизимини ўрганди, соддалаштирди ва биринчи марта араб тилида баён қилди. Демак, бу Ал-Хоразмий креативлиги янгича нумерология ва математик тафаккурнинг ўзгаришга олиб келди. «Арифметика»си билан бирга ҳинд ракамлари ҳам араб дунёсига кириб келади. XII асрда Ғарбнинг бошқа мамлакатларига тарқалади. Араб рақами ҳозиргача фан оламида шундай деб юритилади. Аллома астрономия, география ва бошқа фан соҳаларида ўз ижодкорлиги натижасида муҳим кашфиётлар қилган.

А.Ф.Файзуллаев фикрича, алгоритм тушунчаси ҳам Ал Хоразмий номи билан боғлиқдир.[117] Шунингдек, Ал-Хоразмий инсониятга ўнлик саноқ системасини, ноль рақамини киритди ва уни арабча сифр деб номлади.[118]

---

[116] Сартон Дж. Фан тарихига кириш. АҚШ. Балтимор. 1972.

[117]Файзуллаев А. Ф. Возникновение и развитие понятия “алгоритм” // Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация. Т.: Фан. 2000.

[118] Тўраев Б. Ҳозирги замон табиатшунослик концепцияси. Т.: Тафаккур. 2009. - С. 31.

Хоразмий алгебра фанига асос солди. Олим чизиқли ва квадрат тенгламаларни, майдон сатҳини ўлчашнинг ихчам, оқилона усулларини ишлаб чиқди.[119] Бу билан аллома математик тафаккур тарзига асос солган Пифагор қарашларини инновацион босқичга кўтарди ва ўзига хос алгебраик сиймосига эга бўлган янги креатив кўринишидаги математик тафаккур тарзини ривожлантириш учун замин яратди.

Абу Райҳон Беруний тарих, математика, астрономия, медицина, минералогия, география каби илмларга оид 200 га яқин асарлар яратган. Олим осмон жисмларининг ҳаракатини ўрганар экан, геоцентрик тизим назариясини таҳлил қилиш билан бирга гелиоцентризм таълимотини ҳам изоҳлаб беради. Хоразм ўтмишига бағишланган асарида ер қобиғи, турли геологик жараёнлар ўз моддий сабабларига эга бўлиб, узоқ тарихий ўзгаришларнинг натижаси эканлигини кўрсатди. "Геодезия", "Маъсуд қонуний" асарлари Берунийнинг табиатни ўрганишда ғайриилмий фикрлардан узоқ бўлганини, илмий хулосалар эмпирик кузатишларга, аниқ фактларга асосланиши ҳақидаги фикрда қатъий турганлигини кўрсатади.

Беруний билиш жараёнида ҳиссий билиш - сезги, идрок, хотира кабиларга катта эътибор бериб, уларсиз табиат ҳодисалари ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Фандаги назарий хулосалар эса тафаккур ёрдамида эришилади ва турли илмий ғоялар, қарашлар конкрет тасаввурлар, фактларни талқин қилиш ва умумлаштириш асосида вужудга келади.

Беруний коинотда ердан, биз яшаб турган дунёдан ташқари яна бошқа оламлар мавжуд бўлиши мумкинлиги ҳақидаги, ҳаракатнинг зиддиятли моҳиятга эга эканлиги,

---

[119] Қўшоқов Ш.С. Табиатшунослик фалсафаси. С.: СамДУ., 2004. - Б. 182.

материя шаклларининг узлуксиз ўзгариб, янгиланиб туриши ҳақидаги илмий фикрларни олға суради. Ўз ижтимоий қарашларида Беруний жамоа ва тил инсонларнинг бирлашувга бўлган эҳтиёжи асосида келиб чиққан, деб таълим беради. Олим маданий тараққиётда ворисликнинг зарурий омил эканлигини таъкидлайди ва ўз илмий ишлари билан буни исботлайди. У мамлакатнинг ободлиги илм-фанининг гуллашига боғлиқ, инсоннинг бахти эса унинг билим ва маърифатида, деб билди.

Аллома ўз даври математикасининг барча тармоқларида фаолият кўрсатиб, янги тушунчалар, назариялар ва масалаларни ечиш усулларини ишлаб чиқди. У осмон ёритгичларининг ҳаракат траекторияси ва шакли эллипсоид эканлиги ҳақида биринчи бўлиб фикр юритган олимлардандир. Берунийнинг бу ажойиб башорати анча кейинги Кеплер кашфиётларини маълум даражада олдиндан айтиш эди.[120] Шунингдек, Беруний ёритгичлардан келадиган нурларни нафақат ёруғлик тўлқини, балки заррачалардан иборат эканлиги ҳақидаги ғояни илгари сурди.[121]

Беруний тадқиқотларида тадбиқ қилган креативлик (ижодкорлик) ўша давр илмий тафаккур тарзининг муҳим тамойилига айланди.

Ибн Сино (980-1037) антик дунёнинг фалсафий ва илмий меросини, авалло Арастунинг таълимотини Шарқда ва Европа мамлакатларига тарқатишда катта роль ўйнаган. Ибн Сино фан тараққиёти, табиий - илмий ва фалсафий билимларни тарғиб этиш учун кўп ишлар

---

[120] Умарова Р. Абу Райҳон Берунийнинг табиий фанлар ривожига қўшган ҳиссаси // Фалсафий қадриятларнинг мустақил Ўзбекистон тараққиётидаги ўрни. // Республика илмий амалий анжуман материаллари, 29 апрель. Тошкент., 2011. - Б. 72-75.

[121] Тўраев Б. Абу Райҳон Беруний. Т.: Тафаккур. 2010. - Б. 29.

қилган. 5 жилдли "Тиб қонунлари" асари билан олим тиббиёт илмининг ривожига катта ҳисса қўшди. Ибн Сино Арастунинг логика, физика ва метафизикасини мустақил креатив равишда ривожлантирди.

Ибн Синонинг бу асарига тиббиёт тарихида тенг келадигани йўқ, у тиббиёт-анатомия, диагностика, физиология, касалликнинг олдини олиш, терапия бўлимларини ўз ичига олади. У доривор моддалар, хирургия асослари ҳақидаги таълимотлар ва бошқаларни ўртага ташлайди. Унинг тиббий асарлари Европа ва Шарқнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Шунингдек, Ибн Сино - тиббиёт социологиясининг асосчисидир.[122]

Илм соҳасида Ибн Сино экспериментал тадқиқот ва детерминизм тамойилига асосланган илмий рационаллик тарафдори бўлган. Объективлик ва сабабият тамойилига таяниб тадқиқот ўтказиш креативликка олиб келган. Натижада ижодкорлик қобилияти алломага фаннинг кўп соҳаларида кашфиётлар қилиш имконини берди. Одам организми тузилишини ифодалаганда олим қадимги Рим табиби Клавдий Галеннинг фикрларига асосланади. Лекин ўзи кўп янгиликлар ва аниқликлар киритади. Масалан, Гален билак мускулини фақат бир қоринли мускул деб билган. Ибн Сино эса, уни икки қоринли эканлигини кўрсатиб берган. Ибн Сино нерв системасининг анатомик тузилиши ҳақида тасаввурларга ҳам аниқлик киритган. Масалан, у орқа мия бош миянинг давоми эканини кўрсатиб, унда сезувчи, ҳаракатлантирувчи ва аралаш толалар борлигини кўрсатиб берган.[123]

---

[122] Каримов С. Шарқ ижтимоий тафаккури тарихидан. Монография. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2016. - Б.124.
[123] Қодиров А.А. Тиббиёт тарихи. Т., 1993. - Б. 113-114.

Креативлик асосан муаммо устида тинмай иш олиб бориш онг ости руҳий жараёнларни жадаллаштиради, ҳаттоки, туш кўриш механизми ҳам бу жараёндан четда қолмайди. Уйқудаги руҳий ноақлий фаолият (ижодий туш кўриш) баъзида уйғоқликдаги ақлий фаолиятдан фарқ қилиб, сифат жиҳатидан самаралироқ бўлиши мумкин. Бизгача етиб келган манбаларга кўра, Ибн Сино ва Ал-Хоразмий каби алломалар кўп муаммолар жавобини туш кўриш пайтида олишар экан. Чунки психологлар тадқиқотлар креативлик кўпинча ногаҳон, тўсатдан илҳомланиш кўринишида мавжуд бўлади, дейишади.

Ибн Сино ўзининг таржимаи ҳолида шундай дейди: "Агар бир оз уйқуга кетсам, тушимда, ўнгимдаги масалаларни кўрар эдим ва кўп масалалар тушумда аён бўларди".[124] Демакки, Ибн Синонинг кўпгина илмий изланишлари креативликнинг маҳсули экан.

Фан тарихчилари Ибн Синони ўрта аср Шарқида тиббиётдан ташқари яна биринчи бўлиб, механика фанининг предмети, мазмуни ва вазифаларини кўрсатиб берганлигини эътироф этадилар. У бу фаннинг назарий асосларини ишлаб чиқди. Ўзининг механика илмига оид рисоласида Ибн Сино турли механизмлар таснифини баён этган. Шу таснифнинг назарий асосини ташкил қилган тамойилларни таҳлил қилган.

Демак, Ибн Синонинг илмий ижодида илмий рационалликнинг талаб ва қоидалари ривожлантирилган. Алломанинг креатив тафаккури тиббиёт ва механика фанлари доирасида инновацион ёндашувларни келтириб чиқарди.

XIV-XV асрлардаги илмий тафаккур тарзининг креативлиги классик даражага кўтарилган жиҳатлари Улуғбек ва унинг академиясидаги олимлар, хусусан Али

---

[124] Абу Али ибн Сино. Избранным философия произведения. - Душанбе: Дониш, 1980, - Б. 551.

Қушчи, Қозизода Румий ва бошқаларнинг илмий изланишлари билан боғлиқ.

Жаҳон фани тараққиётига катта ҳисса қўшган қомусий олимлардан бири Улуғбек (1394-1449) бўлган. У ўз даври учун энг мукаммал бўлган юлдузлар жадвалини - "Зижжи Курагоний"ни яратди. Бу асар сўнгги асрлар давомида Оксфорд, Париж, Америка ва Лондонда таржима қилиниб, нашр этилди. Асар кириш, назарий қисм ва 4 бобдан иборат: 1 - бобда - бир қанча ҳалқлар: юнон, эрон, хитой, ўрта осиё ҳалқлари томонидан қабул қилинган календарлар, 2 - бобда - амалий астрономия, 3 - бобда - планеталар ҳаракати ва 4 - бобда - астрология ҳақида гап боради.

Асарнинг бош назарий қисмида - подшоликлар, давлатларнинг ўткинчи эканлиги, фан ютуқларининг, илмий ҳақиқатнинг сақланиб қолиши, илмли бўлиш инсон учун олий фазилат эканлиги ҳақидаги фикрлар олға сурилади. У фанда кузатиш методига ва илмий асбобларнинг ролига катта эътибор беради, илмий ҳақиқатни аниқлашда мантиқий усуллар билан бирга математик қоидалар ёрдамида аниқ ҳисоблашнинг ролини таъкидлайди. Улуғбекнинг фаолияти Шарқ ва Ғарб табиий илмий билимлар ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мирзо Улуғбекнинг эса астрономик тадқиқотларида тригонометрик усулни ишлатиши ўрта асрларнинг креатив тафаккурининг яққол намунаси бўлган. Олим фанда кузатиш методига ва илмий асбобларнинг ролига катта эътибор беради, илмий ҳақиқатнинг устуворлигини алоҳида таъкидлайди.[125] Чунки Улуғбек олдин мавжуд бўлмаган усуллар, воситаларни қўллади.

---

[125] Мирзо Улуғбек. Илми нужум. Т.: 1994. - Б. 28.

Улуғбек ва унинг шогирдлари формал-мантиқий тафаккур услубига асосланиб, илмий изланишларда исботлаш методидан фойдаландилар. Кенгликни ҳисоблашда фойдаланилган методлардан бири интерполяция методи бўлди. Шунингдек, илмий изланишларда кетма-кетликдаги яқинлашув ва “тезлик тенглигини” аниқловчи аксиома, теорема, аналогия ва бошқа методлар муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу элементлар осмон жисмларининг кўринувчи ҳаракатларини кузатиш жараёнида ўзаро таъсирга киришадилар.[126]

Антик назарий тафаккурда эришилган илмий рационаллик нормалари ғоявий ворислик механизми асосида мусулмон Шарқи фалсафаси ва фанида ҳар томонлама юксак даражага кўтарилди. Шуниси диққатга сазоворки, мусулмон Шарқи фалсафаси ва фанида илмий тафаккур тарзининг шаклланиши, илмий рационаллик нормаларининг ишлаб чиқилиши Ғарб классик фани ҳамда илмий тафаккур тарзида амалиётга татбиқ этилиши билан белгиланган. Мусулмон Шарқи Ренессанси мутафаккирларининг илмий ютуқлари, хусусан, Ал-Хоразмийнинг алгебраси, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, Улуғбекнинг “Зиж”и Европа Ренессанси илмий тафаккур тарзининг шаклланишида эвристик замин бўлди.[127]

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта асрлар Марказий Осиё алломалари ғарбликлардан 2-3 аср олдин табиатшунослик фанларида креатив тафаккур маҳсули сифатида эвристик ёндашувлар, қонуниятлар, олдин мавжуд бўлмаган илмий билиш усуллари ва воситаларини

[126]Файзуллаев А.Ф. Исторические методы наблюдения как формы познания // Классическая наука средней Азии и современная мировая цивилизация Т.: Фан, 2001. - С. 243.

[127]Султанова Г.С. Рационалистический стиль мышления в творчестве мыслителей мусульманского Востока в эпохе ренессанса // Наука и образование сегодня. № 4 (39), 2019 . - С. 53-56.

қўллаган эдилар. Бу эса Мусулмон Шарқи маданиятидаги креатив тафаккур тарзи Ғарб Ренессанси учун ғоявий ворислик ролини ўйнади. Натижада ғарбдаги креативлик ва кашфиётлар Шарқ илмий тафаккур тарзидан маънаваий озуқа олди. Бу эса Ерврпа табиатшунослик фанларидаги парадигмал ўзгариш ва илмий инқилобига концептуал-назарий замин бўлиб хизмат қилди.

Шундай қилиб, ўрта аср мусулмон Шарқи, жумладан, Марказий Осиё алломаларининг креатив фаолияти жаҳон тараққиётининг алоҳида, бетакрор босқичи бўлди. Фанда тарихий ва ғоявий ворисликни таъминлади, инновацион ёндашувлар, янги назариялар, тадқиқот усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга бўлди.

## 3.3. Креативлик, ижодиёт ва норационаллик

Мустақиллик шароитида парадигмаларнинг янгиланиши, ислоҳотларини амалга оширишнинг ғовий қуроли бўлган фалсафа ўз сиймосини ўзгариши борасида, айниқса, тафаккур тарзининг креативлигида намоён бўлмоқда. Фалсафий тафаккур тарзи креативлик асосида инновацион ғоя ва тасаввурларни ишлаб чиқмоқда.

Фан ва фалсафада пайдо бўлаётган долзарб муаммоларни креативлик ва ижодкорлик воситаси билан ҳал қилиш эҳтиёжи кучаймоқда. Бу эса илмий ва фалсафий ижод қилиш имкониятини оширишнинг муҳим омилидир. Айниқса фан, маънавият ва иқтисодиётга таяниб, янги жамиятни қуриш учун бу ниҳоятда зарурдир. Янги авлод ижодий зиёлиларининг пайдо бўлиши давр талабидир. Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва

умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир”.[128]

Жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи ижтимоий институт сифатида бўлган фандир. Илм-фаннинг асосий ўзаги эса ижодиёт ва креативликдир. Ижодиёт инсон фаолиятининг янги нарсалар ёки қадриятлар яратишга қаратилган хислатини билдиради. Инсон, жамоа, кишилар ва ташкилотлар уюшмасини ижодиёт субъекти деб аташ мумкин.

Ижод - сифат жиҳатидан янги ва бетакрорлиги, ўзига хослиги ва бетакрорлиги билан ажралиб турадиган нарса ҳосил қилувчи фаолиятдир.

Ижодкорлик инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳасида намоён бўлади: саноат, техник, илмий, бадиий, сиёсий ва ҳоказо.[129]

Ижодиёт – бу инсонни тобора такомиллашиб бораётган хилма-хил эҳтиёжларини қондирадиган янгидан-янги моддий, ижтимоий ва маънавий қадриятлар яратиш фаолиятидир. Фанда яратиладиган янги ғоялар, назариялар ва технологик лойиҳалар маънавий қадриятлар турига киради.

Ижодиёт хусусида сўз юритганда ижодий тафаккур ва ижтимоий-ижодий фаолиятни фарқлаш лозим. Биринчиси маънавият, санъат, фан соҳасида яққол намоён бўлади. Ислоҳотларни амалга ошириш, янги ижтимоий тузилмаларни бунёд этиш ижтимоий-ижодий фаолиятни билдиради.

Ижодиётнинг асоси ва ҳаракатлантирувчи кучи тафаккурдир. Тадқиқот оламига қадам қуйган олим изланишнинг бунёдкори бўлган тафаккур фаолияти ва

---

[128]Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б. 88.

[129]Пелипенко В.Н. Методология научного творчества: Учеб. Пособие. – Тольятти: ТГУ, 2010. - С. 96.

қонуниятларини яхши билса, ўзини ўрганиш, ижод қилиш потенциалини бойитади.

Креативлик ва ижодиётда норационал жараёнлар, онг ости қатлами муҳим омилдир. Норационаллик ақл назорат қилмайдиган, мантиқ, илмийлик нормалари амал қилмайдиган руҳий ҳолатдир, англаш жараёнидир. Норационалликка ногаҳон фаҳмлаш, муаммони тўсатдан ечилиши, онг тафаккур, ижодий туш кўриш, ғойибона (қалбан) билиш ва бошқалар киради.

Норационаллик бу ногаҳон, интуитив билиш даражасида намоён бўлади. Норационал билиш, онг ости қатламдаги жараёнлар хусусияти ва моҳияти ҳали кам ўрганилган. Онг ости қатламида содир бўладиган ижодий жараён кўлами ва динамикаси тадқиқотчи изланиш фаолиятини катта қизиқиш ва муттасил олиб бориши билан белгиланади.[130]

Нооадатий фикрловчи креатив тафаккур эгалари ўз тақдирларини рўёбга чиқариш йўлида ўзига хос услублари билан тинимсиз равишда изланадилар ва алал-оқибатда улар курраи заминнинг ўз ниятига етган энг бахтли инсонлари қаторидан жой оладилар. Аслида ҳам одамзотнинг бу дунёдаги якка-ю ягона олий вазифаси - ўз тақдирини ўзи ҳоҳлагандек (албатта ижобий ҳолатда) рўёбга чиқаришга эришувидир. Барча одамлар ёшлик дамлариданоқ ўз тақдирларини билсаларда аммо, фурсат ўтгач ҳаётнинг “қаршилик бўронларидан” иборат “сирли бир куч” уларни ўз тақдирларини рўёбга чиқариш имконсиз эканлигига ишонтира олади. Бу сирли қудрат даставвал инсонга худди ғанимдай туюлиши вақт ўтгач эса онг ва тафаккурига таяниб иш кўрувчилар ўз

[130]Қўшоқов Ш.С. Илмий тадқиқот методологияси. С.: СамДУ.: 2014. - Б. 29.

мақсадларини рўёбга чиқариш йўлини чуқур мулоҳазага асосланган худди ана шу қудрат кўрсатиб беради.[131]

Интуиция кутилмаганлик, уни ҳал қилиш усуллари ва воситаларининг онгсизлиги ва ниҳоят объектнинг зарур даражасида ҳақиқатни тўғридан-тўғри англаш билан тавсифланади.[132]

Биз икки руҳий оламни - онглилик ва ноонглилик (онг ости) жабҳалари мавжудлигини аниқладик. Бу икки олам рационал (иқлий-мантиқий) ва норационал (ногаҳон, интуитив) билиш даражаларини ташкил қилади. Норационал билиш, онг ости қатламдаги жараёнлар хусусияти ва моҳияти ҳали кам ўрганилган.

Креативликка таъриф берсак, креативлик бу - инсоннинг муаммо доирасида янги ғоялар, муқобил ечимлар ва имкониятларни ноёб ва бошқача (ноанъанавий) тарзда яратиш қобилиятидир. Демак, креативлик (ижодкорлик) - бу олдиндан айтиб бўлмайдиган, оригинал (бошқаларда учрамайдиган) ва ноёб нарсаларни тасаввур қилиш қобилиятидир. Бу ифодали, ҳаяжонли ва ижодий бўлиши керак. Бу инсон ҳар қандай шароитда ҳам қанчалик яхши (унумли) фикрлай олишининг кўзгусидир.

Тадқиқотчилар фаолиятида муаммони интуитив ечими кўп ҳолларда кутилмаган пайтда топилади. Француз олими А.Пуанкаре математик функциялар устида олиб борган тадқиқот ишлари самара бермай турди. Худди шу пайтда геологик экспедицияга қатнашиши учун Кутанс шаҳрига боришга тўғри келади. Йўл машаққатлари боис олиб борган тадқиқоти унинг хаёлига ҳам келмайди.

---

[131]Тереза М. Амабайл. Креативное мышление в бизнесе / Пер. с англ. - М.: Альпина Бизнес Букс. Серия «Классика Harvard Business Review»), 2006. - С. 228.

[132]Ли Е.В. О роли интуиции в творческом процессе // Фалсафа ва фанлар методологияси муаммолари: Республика илмий-назарий семинар материаллари. – Тошкент. “MUMTOZ SO’Z”, 2016. - Б. 48-51.

Поездран тушиб, белгиланган манзилга бориш учун извошнинг зинасига қадамини қўяётганида тафаккурида муаммони топа олмаган ечими тўсатдан пайдо бўлади.

Муаммо устида тинмай иш олиб бориш онг ости руҳий жараёнларни жадаллаштиради, хаттоки туш кўриш механизми ҳам бу жараёндан четда қолмайди. Уйқудаги руҳий ноақлий фаолият (ижодий туш кўриш) баъзида уйғоқликдаги ақлий фаолиятдан фарқ қилиб, сифат жиҳатидан самаралироқ бўлиши мумкин. Худди шунингдек, Д.И.Менделеев ҳам кимё асосларини етук даражада билмаганида даврий система жадвалининг тўғри варианти тушида аниқ намоён бўлмас эди. Кўплаб рационал-мантиқий уринишлар натижасиз бўлган бир шароитда, интеллектнинг фаолият энергияси пасайганида, уйқуда мия ярим шарларининг тормозланмаган ҳужайралари онг ости тафаккурни фаоллаштиради ва бу ноонгли руҳий фаолият оқибатида Д.И.Менделеев тушида кимё элементлари даврий тизимининг тўғри варианти “кўринади”, ҳосил бўлади.

Бундан кўриниб турибдики, фан тарихида ижодкорлик, яратувчанлик айнан тафаккурниг креативлиги ва норационалликнинг кучи орқали тараққий этган.

**Ижодиёт ва креативлик бўйича маълумотлар юзасидан ушбу хулосага келинди. Креатив тафаккурнинг хусусиятлари қўйидагилар деб изоҳланди**:

- Олдин мавжуд бўлмаган янгиликни яратиш;
- Интуитив, иррационал билимларга таянади;
- Тўсатдан, кутилмаган, ногаҳон илҳомланиш ва ечимни топиш;
- Креативлик чегарасиз бўлиб, кенг кўламли ижодий изланиш учун чегаралар йўқлигини кўрсатади;

- Асосан тафаккурда кечадиган тасаввур, фантазия ва хаёлга асосланади;
- Креативликнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи онг ости ва норационалликдир;
- Натижаси эса кутилмаган ва башорат қилинмаган бўлади.
- Жамиятда прогрессив характерга эга;
- Фан тарихидаги кашфиёт ва ихтиролар креативликнинг маҳсулидир.

***Креатив тафаккур тарзининг рационал ва норационал жиҳатлари.***

Мамлакатимизда ривожланиш натижасида инсонларнинг менталитет ва тафаккур услубларининг ўзгариши, қадриятлар тизими замонга мувофиқ бўлишига олиб келади. Бу ўзгаришларнинг асосида рационализм, рационалликка асосланган инсон фаолияти ётади[133].

Намоён бўлишда рационал ва норационал тафаккур жараёнлари билан боғланган илмий тафаккур тарзи фан тараққиётида янгиланиш ва ворисликни таъминлаш, илмий анъаналарни сақлаш, билиш жараёнида тушуниш, англаш каби муҳим функцияларни бажаради. Бу илмий тафаккур ривожланиш динамикасини кўриб чиқишда яққол кўринади. Тафаккур тарзидаги динамик (ўсиш) ва диахроник (кўп босқичли эволюцион) жараёнларни ўрганиш уларни таснифлаш, қиёслаш ва эпистемологик томонларини таҳлил қилишни тақозо этади. Айрим тадқиқотчилар рационаллик ва норационалликни синергетика таълимоти билан тушунтиришга ҳаракат қиладилар. “Синергетика таълимоти асосан мураккаб очиқ тизимларнинг эволюцияси ва ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг умумий қонуниятларини ўрганар

---

[133]Абдуллаева М.Н. Мустақилликнинг ижтимоий-ғоявий асолари // Ғоялар ва инновацион тараққиёт. II илмий-назарий семинар материаллари. - Урганч, 2013. - Б. 9.

экан, шунингдек инсоннинг хилма-хил фаолиятлари, хусусан, илмий ижодиётдаги содир бўлиш механизмларини тадқиқ этишга бир қанча аниқликлар киритди. Илмий ижодиёт жараёнида содир бўладиган норационал тафаккур хислатининг объектив асослари ва омилларидан бири бу - борлиқдаги синергетик жараёнлардир. Борлиқда илмий ижодиётнинг рационал ва норационал жиҳатлари аналогияси ҳамда ўхшашини билдирадиган, уларга монанд бўлган ҳодисалар, жараёнлар ва қонуниятлар мавжуддир”[134]. Мазкур мулоҳазада шаклланаётган синергетик тафаккур тарзи ва ёндашувнинг концептуал ва эвристик жиҳатларига эътибор қаратилган.

***Креатив тафаккур тарзининг рационал жиҳатлари.*** Фалсафа тарихида рационаллик ва ақл муаммоси қадимдан изланиш объекти бўлиб келган. Чунки рационаллик инсон фаолиятининг барча соҳаларида намоён бўлади. Инсоннинг мақсадли ва онг назоратидаги ҳаракатлари рационал фаолиятдир. Мақсадни рўёбга чиқарадиган маънавий куч мотив (боис)дир. Мотив ёки билиш мотивацияси инсон фаолиятини объектга йўналтиради, истак, майлни ҳаракатга келтириш орқали тадқиқотчига изланиш энергиясини беради.

Классик рационаллик анъаналарида тафаккурни бир ёқлама мантиқий тузилишдан иборат тўлиқ рационал ҳодиса сифатида қаралади[135]. Лекин рационаллик ва норационаллик тафаккурнинг диалектик алоқадорликда бўлган муҳим унсурларидир.

---

[134] Азизқулов А.А. Табиатшунослик концепциясида синергетика назарияси // Синергетик парадигма: муаммо ва имкониятлар. Илмий-назарий семинар материаллари. –Т.: 2013. – Б. 90.

[135] Мудрагей Н.С. Рациональное и иррациональное. Историко-философкий очерк. – М.: Наука, 1985. - С. 7.

М.Абдуллаеванинг фикрича, рационал фаолият объект, субъект, мақсад ва унга етишиш воситаларини онгли равишда танлаш, мақсадни фаолият натижасига айлантирадиган пухта ўйлаб чиқилган ҳаракатлар мажмуалари борлигини тақозо этади[136]. Бу эса ижодий тафаккурнинг инновацион ва эвристик томонларини очишда муҳим аҳамиятга моликдир.

Креатив тафаккур тарзининг рационал жиҳатлари инсон билиш фаолиятининг фактларга таяниши, истиқболдаги мақсадни тўғри қўя билиш, мантиқ қонун-қоидаларига амал қилиш, илмий тадқиқотда усулларни тўғри танлаш кабиларни эътироф этиш мумкин. Шунингдек, илмий тафаккур тарзида рационаллик келажакни илмий башорат қила олиш, муаммога тўғри баҳо бера олиш, режали ва алгоритмик ҳаракат қилиш имкониятини беради.

Креатив тафаккур тарзининг рационал жиҳатлари илмийликнинг талаб ва нормаларига жавоб бериши керак.

Илмийлик мезонларининг амал қилиши илмий билишни бошқа турдаги билимлардан фарқ қилувчи хислатларга эга бўлишини тақозо этади. Булар қуйидагилардан иборатдир: объективлик, аниқлик, исботланганлик, мантиқан асосланганлик, доимо янги билимга йўналтирилганлик, олинган натижаларни (шу жумладан, усули, йўли ва мазмунини) бошқа муассаса ёки лабораторияда қайта тиклаш мумкинлиги.

Илмий тафаккур тарзининг рационал жиҳатлари К.Поппер фикрича, "бу муаммоларни ҳал этишда ақлга ҳамда аниқ тафаккур ва тажрибага мурожаат этишдир"[137].

---

136 Абдуллаева М.Н. Рационаллик дунёқарашнинг шаклланиши ва ривожланиши омили сифатида // Фалсафа ва фанда рационализм муаммоси. - Т, 2007. - Б. 5.
137 Алексеев П.В., Панин А.В. Философия. - М, 1999. - С. 300-301.

Ижодиётнинг асоси ва ҳаракатлантирувчи кучи тафаккурдир. Тадқиқот оламига қадам қуйган ёш мутахассис изланишнинг бунёдкори бўлган тафаккур фаолияти ва қонуниятларини яхши билса, ўзини ўрганиш, ижод қилиш потенциалини бойитади. Тафаккур олий руҳий жараён бўлиб, бунда сўз, образ, тасаввур ва тушунчалар ҳаракати, маъноларининг боғланиши орқали воқелик образи, тасвири, ғояси (онгда) ҳосил бўлади. Тафаккурда ҳукм, тушунча ва хулоса ҳосил қилиш, мулоҳаза юритиш жараёнида фикрлаш операцияси (амали) содир бўлади.

Илмий тадқиқотда тафаккур фаолияти ақлий билиш сифатида намоён бўлади. Анализ ва синтез, умумлаштириш ва фарқлаш, мавҳумлаштириш, гипотезани олға суриш, исботлаш, назария ишлаб чиқиш - буларнинг ҳаммаси тафаккур туфайли амалга ошадиган ақлий билишдир.

Рационал билиш тафаккур тарзининг рационаллик (лот., ақлий, оқилоналик) хислатини намоён этади. Рационалликнинг асосий белгиси мантиқ қонун-қоидаларига риоя қилиб фикрлаш, англаш, илмийлик нормаларига асосланиб мулоҳаза юритишдир. Бу қуйидагилардир:

1. Исботланганлик;
2. Мантиқ қонун-қоидаларига асосланиб фикрлаш;
3. Асосланганлик;
4. Тушунтириш ва башорат қилишга қодир бўлиш;
5. Олинган натижаларнинг тажрибада тасдиқланиши;
6. Экспериментал маълумотларга, фактларга таяниш.

Постноклассик илмий тафаккур тарзида рационаллик муҳим эвристик, концептуал аҳамиятга эгадир.

К.Туленова илмий рационалликни турларга бўлади. “Фан тарихий ривожланишининг ҳар бир босқичи - мумтоз (классик), номумтоз (ноклассик) ва номумтоз фанидан кейин (постноклассик) ўзига хос илмий рационаллик тури билан ифодаланади[138].

Тадқиқот жараёнида олинган фактлар ва маълумотларни рационаллик нормалари асосида таҳлил қилиш ва умумлаштириш янги хулоса, ғоя ёки тасаввурнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Изланишда асослаш, исбот қилиш, тушунтириш, етарли асос келтириш орқали ҳам янги билимга келиш мумкин. Бу ерда илмий ижодиётнинг рационаллик хислатлари намоён бўлади. Тадқиқот амалиётида шундай вазиятлар ҳам бўлиб турадики, рационаллик нормалари (масалан, мантиқ қонун-қоидалари) ниҳоятда мураккаб, зиддиятли муаммоларни ҳал қилишда, объектни янгича тушунтирадиган ғояни олға суришда етарли бўлмай қолади.

***Креатив тафаккур тарзининг шаклланишида норационал жараёнларнинг роли ва аҳамияти.*** Норационаллик ақл назорат қилмайдиган, мантиқ, илмийлик нормалари амал қилмайдиган руҳий ҳолат, англаш жараёнидир. Норационалликка интуиция, ногаҳон фаҳмлаш, муаммонинг тўсатдан ечилиши, онг, тафаккур, ижодий туш кўриш, ғойибона (қалбан) билиш ва бошқалар киради. Булар эса илмий тафаккур тараққиётида муҳим эвристик роль ўйнайди.

Инсоннинг руҳий оламида - онглилик ва ноонглилик (онг ости) қатламлари мавжуддир. Бу икки қатлам олам рационал (ақлий-мантиқий) ва норационал (ногаҳон, интуитив) билиш даражаларини ташкил қилади.

---

[138]Туленова К. Фалсафада рационаллик муаммоси // Фалсафа ва фанда рационализм муаммоси. И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти. - Т: 2007. - Б. 20 б.

Норационал билиш, онг ости қатламдаги жараёнлар хусусияти ва моҳияти ҳали кам ўрганилган. Онг ости қатламида содир бўладиган ижодий жараён кўлами ва динамикаси тадқиқотчи изланиш фаолиятини катта қизиқиш ва муттасил олиб бориши билан белгиланади. Тадқиқотчилар фаолиятида муаммонинг интуитив ечими кўп ҳолларда кутилмаган пайтда топилади. Интуитив тафаккурда тадқиқотчи масаланинг аниқ қўйиши, муаммо устида давомли изланиш олиб бориши, муаммонинг ечими устида узоқ мулоҳаза юритиши ва бутун диққат-эътиборини шу жараёнга йўналтириши натижасида ривожланади[139]. Демак, ишчанлик, доимий изланиш ва мотивация интуитив тафаккурни ривожлантирар экан.

Француз олими А.Пуанкаре математик функциялар устида олиб борган тадқиқот ишлари самара бермай турди. Худди шу пайтда геологик экспедицияга қатнашиши учун Кутанс шаҳрига боришига тўғри келади. Йўл машаққатлари боис олиб борган тадқиқоти унинг хаёлига ҳам келмайди. Поезддан тушиб, белгиланган манзилга бориш учун извошнинг зинасига қадамини қўяётганида тафаккурида муаммонинг топа олмаган ечими тўсатдан пайдо бўлади.

Шуниси қизиқки, А.Пуанкаре суҳбатдоши билан гапни бузмаслик учун «топилган» ечимни таҳлил қилиб ҳам ўтирмайди. Манзилга етиб борганидан кейин фавқулодда пайдо бўлган ечимни тегишли математик воситалар билан текширади ва унинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилади.

Муаммо устида тинмай иш олиб бориш онг ости руҳий жараёнларни жадаллаштиради, ҳаттоки, туш кўриш механизми ҳам бу жараёндан четда қолмайди. Уйқудаги руҳий ноақлий фаолият (ижодий туш кўриш) баъзида

[139]Грановская Р.М., Березная И.Я. Интуиция и искуственный интеллект. - Л.: Ленинградский университет. - С. 165-166.

уйғоқликдаги ақлий фаолиятдан фарқ қилиб, сифат жиҳатидан самаралироқ бўлиши мумкин. Бизгача етиб келган манбаларга кўра, Ибн Сино ва Ал-Хоразмий каби алломалар кўп муаммолар жавобини туш кўриш пайтида олишар экан.

ХХ асрни бошларида атом структурасини ўрганиш бошланганида унинг ўзи қандай шаклга эга эканлиги номаълум эди. 1897-йилда инглиз олими Джозеф Томсон электронни кашф этди. Атом таркибида электрон бор эканми, демак, у қандайдир структурага эга бўлиши керак. Конкрет хулосага келиш учун эса фактлар ҳам етарли эмас эди. Бундай шароитда тасаввур қилиш, онг ости билиш кучи фаоллашади.

Ўзининг интуициясига асосланиб, Томсон атомни олхўридан пиширилган пудингга (товада тайёрланадиган овқат) ўхшатди. Бу мушоҳадали модел бўйича атом электронлар сингдирилган (ўрнашган) ва мусбат зарядланган моддани ташкил қилади. Мазкур мушоҳадали моделнинг ишлаб чиқилиши шуни кўрсатадики, ақлий (мантиқий) билишни кучи етмаган ҳолларда тадқиқотчилар норационал билиш шаклларидан, яъни тасаввур ёки ғояни бир муаммоли соҳадан бошқа тармоқдаги муаммоли соҳага кўчириш, фантазия қилиш ёки интуициядан фойдаланадилар.

Норационалликка мисол келтиришни давом эттирамиз. Томсон билан бир вақтда тадқиқот олиб борган япон физиги Ханатаро Нагаока (1865-1950) атомнинг тузилишини Қуёш системаси тузилишига ўхшатди. Бунда олим атом физикасидан йироқда бўлган Максвеллнинг Сатурн планетаси ҳалқаларининг барқарорлиги ҳақидаги таълимотидан фойдаланди. Бу астрономик таълимотдан тўғридан-тўғри атом структурасига оид ғоя келиб чиқмайди. Х.Нагаока ноодатий ёндашувни (норационал тасаввур қилишни)

амалга ошириб, атомда марказ бўлиши ва у билан таъсирда бўлган электрон ҳақидаги гипотезани интуитив, ногаҳон пайқаш тарзида планетар тизим ғояси билан боғлади.[140]

Тафаккурнинг рационал, ақлий-мантиқий жиҳатлари тадқиқотда мантиқ қоидаларига, илмийлик нормалари асосида изланишлар олиб боришда намоён бўлади. Қачонки, онг ости жараёнлар, интуиция, тасаввурлар ишга тушганида тафаккурнинг норационал, ноонгли хислатлари ҳаракатга келади. Ҳар иккала хислат – ақлий-мантиқий ва онгсиз, интуитив фикрлаш қизғин олиб бориладиган тадқиқотларда яратувчанлик функцияларни бажарадилар.

Шундай қилиб, инсоннинг фан соҳасидаги интеллектуал фаолиятини муҳим жиҳати бўлган илмий тафаккур тарзини ўзига хос хусусиятлари ва функцияларини муҳокама қилиш, уларнинг адабиётларда берган талқинларини таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларга келиш имкониятини беради:

- илмий тафаккур тарзи ўз ичига лидер фаннинг ғоялари, тасаввурлари, тамойиллари, тушунчаларини олади. Илмий тафаккур тарзи парадигмага қараганда кенг тушунча бўлиб, давр ва амал қилиш жиҳатидан кўпроқ йўналтириш кучи ва ғоявий-интеллектуал мавқеига эга;
- конструктив илмий тафаккур тарзи оламнинг илмий манзараси ва фан методологиясига таъсир қиладиган, кашфиётларни метаназарий умумлаштиришга ёрдам берадиган, истиқболни кўрсатадиган ёки аксинча, ўзи тубдан ўзгариши мумкин бўлган маънавий-руҳий ҳосиладир;
- ҳам ақлий-мантиқий фикрлаш, ҳам норационал тафаккур фаоллиги жараёнида намоён бўладиган ижод

[140]Қўшоқов Ш.С. Илмий тадқиқот методологияси. – С.: СамДУ, 2014. - Б. 36.

қилиш динамикаси ва кўлами тадқиқотчи тафаккури теранлиги, унинг мунтазам ва жиддий меҳнат қилиши билан белгиланади. Ҳозирги замон креатив тафаккур тарзининг моҳияти, ижтимоий зарурияти, ёш мутахассислар ва олимларнинг касбий малакани эгаллашидаги методологик аҳамиятга эгадир.

# IV БОБ. ЗАМОНАВИЙ ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИДА ИННОВАЦИОН ТРАНСФОРМАЦИЯ

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонда барқарор ривожланиш жараёнларини янада тезлаштириш ва самарасини ошириш учун илғор иқтисодий механизм, замонавий илмий йўналишлар ва инновацион технологияларни яратувчи креатив ёшлар ва янгича тафаккур соҳибларини тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки, кенг кўламдаги ислоҳотларни амалга ошириш янгича, проектив тафаккур тарзига боғлиқ. Бу вазифаларни ҳал қилиш ёш мутахассисларда янгича фикрлашни шакллантириш, мамлакатимизда жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, салоҳиятли ўринни эгаллаш борасида ўтказилаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислоҳотлар фан ва техниканинг инновацион йўналишда ривожланишини таъминлаш мураккаблашиши мумкин. Шу сабабли тадқиқотда жамият, инсон, унинг фаолияти ва тафаккурига оид  замонавий постноклассик характердаги ғоялар ва назариялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, ёш олимлар дунёқараши ўзгариб бораётганлиги назарий жиҳатдан асослаб берилди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: "Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда. Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда"[141].

Инновацион ривожланиш бир қатор сифат ўзгаришларида намоён бўлади. Биринчи навбатда

[141] Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. 2016-йил 7-декабрь / Ш. Мирзиёев. - Тошкент: O'zbekiston NMU, - 2017.  - Б. 23.

жамиятнинг барча жабҳаларида структуравий ва функционал янгиланишлар устувор жараёнга айланади. Бундай ўзгаришлар палласига кирган жамиятда янги технологияларни жорий этиш, инновацион ва проектив фикрлаш ва фаолият кўрсатиш, илғор ишлаб чиқариш усуллари ва воситаларидан кенг фойдаланиш ижтимоий эҳтиёж даражасига кўтарилади. Бу эса барқарор амалиёт тусини олади.

Индустриал жамиятнинг шаклланиши янгиликка нисбатан ижобийлик ва яратувчанлик муҳитини юзага келтирди. Бу жамият машинали ишлаб чиқариш, бозор иқтисодиёти, меҳнатни илмий ташкил қилиш, техник, ташкилий ва иқтисодий рационаликка (оқилона иш юргизишга) асосланган. Янгиликка бўлган интилиш, янгиликни тадбиқ қилиш орқали такомиллашиб бораётган эҳтиёжларни қондириш, турли ноанъанавий таълим муҳитини яратиш доимий жараён тусини олади. Табиийки, ижтимоий янгиланиш, унинг назарий ва амалий масалалари тадқиқот предметига айланди[142].

## 4.1. Креатив ва инновацион тафаккур: қиёсий таҳлил

Бугунги кунда айниқса инновацион тафаккур ва креатив фикрлаш оммалашиб бормоқда. Шу боис мамлакатимизда “2019-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси” қабул қилинди. Ҳужжатга кўра, 2019-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси ва Ўзбекистонни 2030-йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлик даражасини ва

[142] Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамиз. Т.: Ўзбекистон, 2017. - Б. 169.

инновацион жиҳатдан тараққий этганлигини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш Стратегиянинг бош мақсади этиб белгиланди.[143]

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, XXI асрда саноатнинг иқтисодий ўсиши иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шу жумладан инновация сиёсатида илмий-техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришнинг асосий таркибий қисмларини интеллектуаллаштиришнинг етакчи роли билан таъминланади. Инновация сиёсатининг оқилона йўналишларини излаб топиш ва технологик ўзгаришларни илгари суриш кўп жиҳатдан иқтисодий ривожланиш даражасида ўз аксини топади: глобал иқтисодий рақобатда инновациялар ютиши учун қулай шароит яратиб берувчи мамлакатлар. Бу нафақат аниқ стратегияни ишлаб чиқиш, прогрессив технологик тузилмаларни шакллантиришга қаратилган, балки бутун воситалар арсеналидан фойдаланиш қобилияти ва биринчи навбатда илм ва таълимни, айниқса, олий таълимини ривожлантириш, бу саноатнинг рақобатбардошлигини қайта тиклаш ва ошириш учун инновацион сиёсатни шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Лекин инновацион фаолиятни амалга оширишда креатив тафаккур муҳим аҳамият касб этади.

Ижодий фаолиятнинг тафаккур ва ҳаёт тарзини ўзлаштиришга олиб келадиган инновацион фаолиятни субъектив (мотив, эҳтиёж) ва объектив омиллари мавжуддир. Инновацион жараёнлар ижтимоий

---

[143] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 21-сентябрдаги “2019-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 22.09.2018 й. 061855441951-сон.

жараёнларнинг ўзгариш моҳиятини ифодалайди, жамиятнинг ривожланиш манбасидир.[144]

Креативлик (ижодкорлик) - инсоннинг янги ғоялар, муқобиллар, ечимлар ва имкониятларни ноёб ва бошқача тарзда яратиш қобилиятидир.

Креативлик тўғрисида фикр юритишдан аввал бу сўзнинг маъносини очиб оладиган бўлсак, "Креатив" сўзи инглизчадан олинган бўлиб, "ижодий" том маънода эса "янги ижод, ижодий яратиш" сингари маъноларни англатади. Бу тушунчаларни умумлаштирган ҳолатда қуйидаги таърифни беришимиз мумкин: Креатив тафаккур – ақлнинг пешқадамлиги, тезликка қарорлар қабул қилиш ва бундан чўчимаслик, иш вазифаси ва соҳасига содиқлик, тафаккурнинг мослашувчанлиги, ноанъанавийлиги, ностандарт қарорлар ва ечимлар қабул қилишдан ҳайиқмаслик, онг, тафаккур ва ақлни барча йўналишларда истиқболини кўриш ва англашга ўргатиш, прогноз қила олиш каби хусусиятларнинг мақсадли тарбияланиши ва шакллантирилишига боғлиқ бўлган жараён[145].

Креативлик - бу олдиндан айтиб бўлмайдиган, оригинал ва ноёб нарсаларни тасаввур қилиш қобилиятидир. Бу ифодали, ҳаяжонли ва ижодий бўлиши керак. Бу инсон ҳар қандай шароитда ҳам қанчалик яхши фикрлай олишининг кўзгусидир. Демак, креативлик кўпроқ тафаккурда кечадиган руҳий когнитив жараён бўлса, инновация эса унинг тадбиқи ва натижасидир. Креативлик назария десак, инновация эса унинг амалиётидир.

---

[144]Туленова К.Ж., Расулев Э.Х. Образование и инновации: взгляд в будущее // Ўзбекистон фани ва технологияларида инновация: муаммолар, ечимлар ва истиқболи. С., Самарқанд, 2007. - Б. 118-120.

[145] Юсупова Г.Б. Ёшларда креатив тафаккур ва мақсадга эришишга нисбатан ишонч ҳиссини шакллантиришнинг самарадорлиги. Т., 2014. б. 7.

Ноодатий фикрловчи креатив тафаккур эгалари ўз тақдирларини рўёбга чиқариш йўлида ўзига хос услублари билан тинимсиз равишда изланадилар.[146] Креатив тафаккур янги билимларни муваффақиятли ҳосил қилишда омил бўлса, инновацион тафаккур уларни муваффақиятли амалга оширишнинг калити ҳисобланади, агар ижод маҳсули ғоя бўлса, инновацион тафаккур маҳсули унинг асосида аниқ шароитларда аниқ натижага эришиш лойиҳасидир.

Креатив ва инновацион тафаккур ўртасида бир қанча таъкидланган фарқлар мавжуддир. Креативлик ва инновация ўртасидаги асосий фарқ шундаки, биринчиси янги ғоя ёки режанинг концепциясини англатади, иккинчиси эса илгари жорий қилинмаган янги нарсаларни бошлашни назарда тутади. Креативлик - янги ғоялар, фантазиялар ва имкониятлар яратиш ҳаракати. Инновация - жамиятга янги ва самарали нарса киритишдир.

“Инновацион тафаккур" атамасини 1993-йилда Жаҳон фалсафий Конгрессида В.П.Делия киритган, деб ҳисобланади. Унга кўра, инновацион тафаккур ўзининг энг умумий шаклида "янги натижаларга олиб келувчи тафаккурни ривожлантириш", деб тушунилиши лозим, унинг предмети "воқеликнинг янги фрагментларини яратиш, уларни ўзгартириш ёки аксинча, мавжуд воқеликнинг барқарор ҳолатини сақлаб қолишга қаратилган жараёнлар"дир.[147] Инновацион фикрлаш бу ёндашувларнинг оқилона муросасидир: унда ижодий жараёнлар тасаввурни боғлаб оригинал ғояларни ҳосил қилиш учун ишлатилади. Бу ғоялар кейинчалик рационал

---

[146]Тереза М. Амабайл. Креативное мышление в бизнесе / Пер. с англ. — М.: Альпина Бизнес Букс. Серия «Классика Harvard Business Review»), 2006. - С. 228.
[147]Делия В.П. Инновационное мышление в XXI веке. Москва: Де-По, 2011. - С. 232.

ва мантиқий фикрлаш ёрдамида таснифланади, танланади, уюштирилади ва синовдан ўтказилади.

Инновацион тафаккур кўп босқичли даврий жараён бўлиб, унинг бошланиш, юксалиш ва якунлаш фарқлари, вақт оралиқлари мавжуддир. Инновацион тафаккурнинг фан ва амалиётдаги роли ва аҳамияти маълум жиҳатдан эвристик усул ва ёндашувларнинг ривожлантирилишига боғлиқдир.[148]

Инновацион тафаккур тарзи инсоннинг янги эҳтиёжлари ва муаммоларини қондиришга йўналтирилган янги ғоялар, қадриятлар ва лойиҳаларни ихтисослашган корхоналар ва уларни янгилаб туришга кетадиган вақтни қисқартиришга қаратилган интеллектуал фаолият шакли ва тизимидир.

Рус олимлари инновацион тафаккурнинг конструктив, трансформацион, амалий ва ижодий характерга эга эканлигини таъкидлайдилар.[149] Лекин бу жиҳатлар креатив тафаккурда ҳам мавжуддир. Бу жиҳат уларнинг умумийлигини кўрсатади.

Инновацион тафаккурни кенг ижтимоий онг йўналишига айланишининг сабаб ва оқибатини жамиятда содир бўладиган инновацион тараққиёт ташкил қилади[150]. Натижада инновацион тафаккур креатив тафаккурни амалга оширувчи ижтимоий механизмга айланади.

---

[148]Султанова Г.С. Постноклассик илмий тафаккур тарзи ва инновация. Монография. “Globoedit” 2019. - Б. 52.

[149]Усольцев А.П., Шамало Т.Н. Понятие инновационного мышления // Педагогическое образование в России. - 2014. - № 1. - С. 94-98.

[150]Қўшоқов Ш.С. Инновацион тафаккур концепцияси // Фан ва фалсафада инновацион тафаккур муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. - Самарқанд: СамДУ, 2010. - Б. 17.

***Инновацион тафаккурнинг хусусиятлари:***

1) оригиналлик - нарсаларни бошқача кўриш, тахминларни шубҳа қилиш ва иш учун анъанавий ёндашувлардан чиқиш қобилияти;

2) мажбурият, қатъият, ўз-ўзини рағбатлантириш, ғайрат ва тиришқоқлик;

3) ҳамма нарсада мукаммалликка интилиш ва ўз-ўзини танқид қилиш;

4) ақл ва ҳазил туйғусининг мослашувчанлиги;

5) бошқа одамларнинг фикрларидан мустақиллик, ташқи босимга қаршилик ва ўзига ишонч;

6) шубҳа, қизиқувчанлик, муаммоли вазиятларда ноаниқлик ва мураккабликка бардошлилик.

Демак, инновацион тафаккур янгиликни яратиш, амалиётга жорий этиш эканлигини инобатга олсак унумли тафаккур турига киради. Инновацион тафаккур ижтимоий характерга эга бўлиб, ҳозирги замонда жамиятнинг барча соҳалари инновацион тафаккурни қўллаш ижтимоий тараққиётга олиб келади. Хусусан, бизнес, таълим, сервис, бошқарув соҳаларида инновацияни киритиш шу соҳани ривожланишига олиб келади. Масалан, инновациянинг аҳамиятини бизнес олами ва ишлаб чиқаришда олайлик, келажакни олдиндан кўра билиш ноанаъанавий фикрлаш машҳур раҳбарлар - инноваторлар Билл Гейц, Стив Жобсларнинг фаолиятларида яққол кўзга кўринган. Бундай кишилар дунёга машҳур бўлганларининг сабаблари ҳам инновацион тафаккурга таяниб, ўз фаолиятларини олиб боришларида эди. Анъанавий тафаккур эса шиддат билан ўзгараётган замон талабларига жавоб бермай қолмоқда. Шу боис, кимки ўз фаолиятида инноваторликни моҳирона қўллай билса, шундай кишилар машҳурликни қўлга киритиб, ишлаб чиқаришда ҳам улкан самарадорликка эришишади.

Таълим тизимида эса айнан XXI аср ахборот технологиялар асрида педагогларда инноваторлик қаттиқ талаб этилади. Ҳар бир дарсда янгича ёндашув, ўзгача дарс услублари, фан доирасида қизиқарли маълумотлар инновацион технологияларни ўз ўрнида қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу эса дарснинг ўз мақсадига эришишига таълимнинг самарадорлигига ҳамда кучли мутахассис етиштиришдаги муҳим омилдир. Айнан хориж таълим тажрибаси ҳам бу соҳада инноваторлик ҳам креативлик муҳим омиллар эканлигини кўрсатиб берди.

Ривожланаётган мамлакатимизнинг таълимда олиб бораётган ислоҳотлари олий ўқув юртлари битирувчиларида мамлакатнинг технологик мукаммаллиги ва уларнинг касб-ҳунар фаолиятида инновацион фаолликнинг устуворлигини тушуниш, таълим технологияларини шакллантириш муҳимлиги таълим олувчиларда янги технологик ечимларни идрок этиш, ғояларни шакллантириш ва илгари суриш, ўз позициясини ҳимоя қилиш, турли хил таълим тренингларини ўтказиш, инвестициялар бўйича концептуал дастурларни ишлаб чиқиш ва раҳбар соҳа кадрларини тайёрлаш, ўз-ўзини такомиллаштириш ва англашга бўлган эҳтиёжни тарбиялашга қаратилган.[151]

Креатив тафаккур, муаммони ечимини топувчи ёндашув ёки бор фикрлардан, янги комбинацияларни яратишга қобилиятни ифодалайди. Бу иқтидор кўпинча, ишчининг шахсий қобилиятларига боғлиқ, аммо шу ўринда унга хос тафаккур тарзи ва ишчи кўникмалари сезиларли таъсир кўрсатади.

---

[151] Касимова М.В. Бўлажак кадрлар - замонавий таълимда инновацион ғояларни амалга оширишнинг асосий модераторлари // "Самарқанд вилоятини инновацион ривожлантириш: муаммо ва ечимлар" мавзусида республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Самарқанд. 2020. - Б. 10.

М.Н.Абдуллаеванинг фикрича, ижод жараёни эҳтимолий характерга эгадир. Чунки, исталган натижани ҳосил қилиш жараёнининг айрим ёки ҳатто барча таркибий қисмларига ёки хусусиятларига нисбатан кўп ёки кам поливариантлик имкониятини беради. Ижодий жараён ҳар доим қолипдан чиқиб, уни енгиб, илмий тадқиқот фаолиятининг янги воситалари ва операцияларига ўтишни ифодалайди.[152]

Ш.Қўшоқов эса ижодиёт жараёнинин виртуаллик феномени билан боғлайди. "Виртуалистика олиб борилаётган тадқиқотлар, тадқиқот натижаларини фалсафий-методологик ва эпистемологик умумлаштириш шуни кўрсатадики, ижод ва виртуаллик универсал, кўп сифатли билиш объекти бўлиши билан бирга, улар ўзаро боғланган феноменлар эканлиги аниқланмоқда"[153]. Ҳақиқат ҳам ижодиёт ва креативлик дастлаб инсон онгида виртуал ҳолда амалга ошади.

Креатив тафаккур – жамиятлар тараққиётининг индустриал, илмий-техник инқилоблар ва кескин ўсиш, олға кетиш даврида шаклланган ҳамда замонавий жамиятдаги техник тараққиётнинг янги босқичларини инсоний захиралар билан бойитишга хизмат қиладиган ноанъанавий фикрлаш қобилияти ва тараққиёт омилларини таъминлашга йўналтирилган тафаккур ҳисобланади. Шунингдек, креатив тафаккур замонавий бошқарувчилар, олимлар, педагоглар, менежерларнинг ҳам тафаккури бўлиб, жамият тараққиётида унинг энг қуйи босқичларидан тортиб, энг юқори даражаларигача креатив тафаккур талаб қилинади. Мазкур тафаккур

---

[152]Абдуллаева М.Н. Инновационная основа научного творчества // Фан ва технологияларда инновация: муаммолар, ечимлар ва истиқболи. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд: СамДУ, 2007. - Б.12.

[153] Қўшоқов Ш.С. Постноклассик фалсафа ва фанлар методологияси муаммолари. Жамоавий монография. Масъул муҳаррир Ш.С. Қўшоқов. – С.: СамДУ, 2011. – Б.109.

қуроли – инсон маънавияти, табиати, билими, ақлий салоҳияти шунингдек, мана шу жуда катта базани ишлата олиш қобилиятини ҳам ўз ичига олади.

Креативлик бу – хаёлот (фантастлик), фараз; қолиплардан ҳоли бўлиш, таваккал қилиш, танқидий фикрлаш, баҳо бера олиш қобилияти, ўзича мушоҳада юритиш, рефлексия.

Креатив фикрлаш истиқболли, қизиқарли лойиҳа яратмоқчи бўлган бизнесмен учун заруратдир, кўплаб ўхшаш компаниялар орасида ажралиб туради, ноёб ва таниқли бўлади. Лекин нафақат бизнесда креатив тафаккур фойдали бўлади, балки, кундалик ҳаётда, шахсий муносабатларда, карьерада янги имкониятлар очиш имконини беради. Чунки, креативлик, ҳамма жойда қолипдан ташқарида ўйлашга олиб келади. Буюк шахсларнинг ҳаммаси (Архимед, Арасту, Пифагор, Гиппократ, Ал Хоразмий, Ибн Сино, Амир Темур, Коперник, Ньютон, Энштейн ва бошқалар) креатив тафаккур соҳиблари бўлишган.

Креативлик ҳар қандай шаклда муҳим янгиликларни яратиш қобилияти сифатида тавсифланади. Иқтисодий маънода креативлик деганда, ходимнинг самарали, осон тақсимланган ва кенг қўлланилиши керак бўлган ҳар қандай фаолиятда муҳим янгиликларни ишлаб чиқариш учун самарали, натижага йўналтирилган қобилияти тушунилади.

Шу билан бирга, ижодий фаолиятга хос бир неча умумий хусусиятлар мавжуд: 1) меҳнатнинг ижодий компоненти, янги шаклларни ёки маълум элементларнинг янги комбинациясини яратиш қобилиятини англатади; 2) ижодий ғоянинг асосий табиати, унинг қиймати.

Креатив тафаккур туфайли инсон ҳар қандай муаммони оқилона ҳал қила олади. Креатив тафаккур ижодий ёндашувнинг натижасидир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, креативлик ва ижодиёт айнан бир нарса эмас. Креативлик ва ижод ўртасида фарқ мавжуддир. Ижодиёт - бу санъатга хос бўлиб, бадиий асарни яратиш жараёнидир. Лекин кўп адабиётларда креативлик ва ижодиёт айнанлаштирилади. Креативлик анча кенг тушунча бўлиб, қўллаш соҳалари ҳам кенг миқёсда намоён бўлади. Хусусан, фан ва таълимда, бизнес ва иқтисодиётда, сиёсат ва бошқарувчиликда, дизайн ва технологияда турли хил йўналишда креативлик ўз ифодасини топади.

Айни пайтда креативлик тубдан янги, илгари номаълум ғояларни шакллантиришдир. Ижодий фикрлаш бадиий образларни моделлаштиради ва уларни сценарий ёки предметда мужассамлаштиради.

Таълимда креативлик педагогнинг дарс жарёнига ноаъанавий ёндашуви, доимий равишда ўз устида ишлаб, машғулотларига янги элементларни кирита олиши, талабаларда ҳам креатив тафаккурни юксалтира олиши, ўз ўқувчиларини мавжуд муаммоли вазиятлардан чиқиб кета олиш кўникмаларини шаклантиришидир. Ғарб таълим тизими асосан “ягона қолип”ни четлаб, бошқалардан ўзгачалик, ноаънавийлик ҳамда ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришга қаратилгандир. Бунинг исботини Гарвард университетида ҳам кўриш мумкин. Шу туфайли бундай университетлар юқори рейтингда туради.

Илмий тадқиқотда ҳам креатив тафаккур янгича ёндашувни билдиради. Айниқса фанлар дифференциациясида креативлик фандаги инқилоблар ва парадигмал янгилашга олиб келади. Буни фан тарихидан ҳам кўришимиз мумкин. Фанларнинг объектига қараб

креатив тафаккур турлича натижаларни беради. Масалан, креатив тафаккур ижтимоий фанларда янги ғоя, концепция ва қарашларни ишлаб чиқишга олиб келади.

Креатив тафаккур табиатшунослик фанларида янги қонуниятларни очиш ва илмий кашфиётларни англашга ёрдам беради.

Креатив тафаккур аниқ ва техника фанларида эса янги дастурлар, ихтиролар қилиш қобилиятини намоён этади.

Шубҳасиз, икки турдаги тафаккурнинг (креатив ва инновацион) комбинацияси ҳар қандай фаолиятда максимал натижаларга эришиш имконини беради. Шундай қилиб, жамиятда янгиликка эришиш креатив ва инновацион тафаккурни параллел равишда ривожлантириш муҳимдир. Креативликни ривожлантириш муаммоси психологиянинг тадқиқот доирасига киради. Чунки психологияда креатив тафаккурни ривожлантириш бўйича амалий машқлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Янги ғояларни ҳаётга татбиқ этиш янгилик бўлиб, унинг оқибатлари ижобий бўлиши керак. Инновация эволюцион ва инқилобий йўл билан амалга оширилади.

Инновация (лот, innovation – янгилаш, янгилик) ҳисобланади:

1) янгилик, янги нарсаларни жорий этиш, модернизация қилиш, ислоҳ қилиш;

2) иқтисодиётда - янги технологияга, меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришнинг янги шаклларига инвестиция;

3) тилшуносликда - янги шаклланиш, тилда янги ҳодиса;

4) фалсафада – янги қарашлар, ёндашувлар, парадигмалар ва концепциялар;

5) таълимда – янги ўқитиш усуллари, воситалари.

Демак, инновацион тафаккурни янгиликка “хизмат қилувчи” ва унинг муваффақиятини таъминловчи алоҳида тафаккур тури сифатида қараш мукин.

Баъзи ёндашувларга кўра, “инновацион тафаккурни қўйидаги хусусиятлари мавжуд: креативлик; илмий-назарий; ижтимоий, прагматик, конструктив”.[154]

Бошқа тадқиқотчи эса инновацион тафаккурни креативликка айнанлаштириб талқин қилади, “инновацион тафаккур - бу муаммоли вазиятларни ҳал қилишда дедуктив усулдан четга (қолипдан) чиқишдир”.[155]

Шунинг учун ҳам инновацион фикрлаш барча ҳолларда ижтимоий амалиётининг турли соҳаларида янги нарсаларни топиш, кашф этиш, яратиш, шунингдек, аввалги ғоялар, қарашлар, баҳолар, ёндашувлар ва технологияларни янгилашга қаратилади.

Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, креатив фикрлаш қобилияти - ҳодисалар, вазиятлар ва объектларни янги ёруғликда кўра билиш ва муаммоларнинг ўзгача ечимини топа билишдир. Креатив фикрлаш, андоза фикрлашдан фарқли ўлароқ, ҳодиса ва объектларнинг одатдаги кўринишидан воз кечишни ўз ичига олади, вазифаларнинг асл ечимларини келтириб чиқаради.

Инновацион фаолиятнинг ўзига хослиги ва унга мос келувчи инновацион тафаккур ҳам назарий билимларни доимий равишда янгилаб бориш, амалий касбий фаолиятда қўллай олиш, муайян касбий фаолият соҳасида аниқ билим ва тажрибадан фойдаланиш кўникмаларини

---

[154]Усольцев А.П., Шамало Т.Н. Понятие инновационного мышления // Педагогическое образование в России. - 2014. - № 1. -С. 94-98.
[155]Утемов В.В. Задачи открытого типа как инструмент формирования инновационного мышления // Молодой ученый. - 2011. - №1.

ривожлантиришдан иборат шахснинг юқори даражадаги билиш қобилиятини назарда тутади.

***Креативлик ва инновация ўртасидаги асосий фарқлар:***

1. Янги ғоялар ҳақида фикр юритиш ва уларни ҳақиқатга айлантириш сифати ижоддир. Креативлик ғояларни амалиётга тадбиқ этиш ҳаракати янгиликдир.

2. Креативлик - бу ижодий жараён бўлиб, янгиликдан фарқли ўлароқ, у маҳсулдор жараёндир.

3. Креативликни ҳеч қачон ўлчаб бўлмайди, аммо инновацияни ўлчаш мумкин.

4. Креативлик янги ва ноёб ғояларни ишлаб чиқаришдир. Аксинча, инновация бозорга яхшироқ нарса олиб келиш ҳақида.

5. Креативлик ва ижод пул талаб қилмайди, инновация пул ва маблағ талаб қилади.

6. Ижодда таваккалчилик йўқ, таваккалчилик эса ҳар доим янгилик билан боғлиқ.

***Креативлик ва инновация ўртасидаги умумийлик:***

**1.** Креативлик ҳам инновация ўзида янгиликни акс эттиради;

**2.** Иккаласи ҳам интеллектуал фаолиятнинг натижасидир;

**3.** Креативлик ҳам инновация ҳам ижтимоий тараққиётда намоён бўлиб, ривожланишга олиб келади;

**4.** Креативлик ҳам инновация ҳам жамиятнинг барча соҳаларида сифат ва миқдор ўзгаришларга олиб келади.

**5.** Креативлик ҳам инновация ўзаро диалектик алоқадорликда бўлиб бир-бирини тақозо этади.

**Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, креатив ва инновацион тафаккурнинг қиёсий таҳлили ушбу жадвалда ифодаланган:**

| **Мезонлари** | **Креатив тафаккур** | **Инновацион тафаккур** |
|---|---|---|
| Моҳияти | Олдин мавжуд бўлмаган янгиликни яратиш | Олдин мавжуд бўлмаган янги-ликни яратиш уни муваффақиятли амалиётга жорий этиш |
| Маҳсулот | Ғоя | Ғоя+технологиялар , уни амалга ошириш усуллари |
| Характерли жиҳатлари | - Интуитив, иррационал; Кутилмаган, ногаҳон, Чегарасизлик, кенг кўламли ижодий изланиш учун чегаралар йўқлиги, | - интуиция ва мантиқнинг мувофиқлиги, рационалликни кўплиги Прагматизм, натижаларни олиш, ижод субъектининг асосий фаолият соҳаси билан яқин алоқада бўлиш, олдиндан белгиланган чегараларда ижодий ёндашув; креативлик субъектининг фаолияти, олдиндан белгиланган |

| | | |
|---|---|---|
| | | чегаралар доирасида ижодий ёндашув-кўпинча инноваторнинг касбий манфаатлари соҳаси |
| Натижа | Кутилмаган, тўсатдан, башорат қилинмаган | Кутилган ва башорат қилинган |
| Шакллантириш учун шарт-шароитлар | Тасаввур, фантазия ва хаёл | Тасаввур, фантазия + мантиқ, билим, тажриба |
| Субъектда креатив инновацион тафаккурни шакллантиришда унинг касбий тайёргарлигининг ўрни | Махсус тайёргалик талаб қилинмайди | Махсус тайёргалик талаб қилинади |
| Субъектнинг асосий фаолияти билан боғлиқлиги | Муайян фаолият билан боғланмаган | У муайян фаолият тури билан узвий боғлиқ |

***Хулоса қилиб айтганда,*** креатив тафаккур янги билимларни муваффақиятли ҳосил қилишда омил бўлса, инновацион тафаккур уларни муваффақиятли амалга оширишнинг калити ҳисобланади, агар ижод маҳсули ғоя бўлса, инновацион тафаккур маҳсули унга асосланган аниқ шароитларда аниқ натижага эришиш лойиҳасидир. Креатив ва инновацион тафаккур ўртасидаги таъкидланган фарқлар бир нарсани кўрсатади, уларнинг

шаклланишига ёндашувлар фарқ қилиши керак. Албатта, кишиларнинг креатив тафаккур яхшилаш учун фаол қўлланиладиган усуллар - тренинглар, ишбилармонлик ўйинлари, ақлий хужум (мия бўрони), ижодий вазифаларни ҳал қилиш ва бошқалар - инновацион тафаккурнинг ривожланишида муҳим роль ўйнаши мумкин.

## 4.2. Проектив тафаккур тарзида конструктив инновациянинг намоён бўлиши

Инсонларни ҳаёт тарзида ҳам инновациялашув жараёни содир бўлмоқда. Айни пайтда Республикамизда ижтимоий-гуманитар фан йўналишлари ва парадигмалари инновацион қайта қуриш палласига кирди. Бу жараённинг таъсири сифатида охирги вақтларда фан методологияси предмети доирасига ***проектив тафаккур тарзи*** муаммосига эпистемологик таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлган «инновация» тушунчаси кириб бормоқда.

1958-йилда илгари ташкил этилган Москва мантиқ доирасининг бевосита давоми сифатида пайдо бўлган Москва услубий тўгараги проектив тафаккурни ва лойиҳа, дизайн, лойиҳа маданияти ва бошқалар каби ўзаро боғлиқ тушунчаларни тушунишга катта ҳисса қўшди.

О.И.Генисарецкий, Г.П.Шчедровицкий, В.Л.Глазйчев ва бошқалар проектив тафаккурнинг фалсафий ва методологик асосларини фаолият сифатида ишлаб чиқдилар. Улар касбий фикрлаш ва билимнинг турли шакллари: архитектура, муҳандислик, бошқарув ва ҳоказоларнинг тузилиши ва ўзаро боғлиқлигини ўргандилар.

Илмий адабиётларда Гвидо Штомпфнинг бир мақоласида “проектив тафаккур эмас, балки у фикрлаш. Иқтисодчилар томонидан дизайндан "ўғирланган" тушунчаси бўлиб, фетишга айланди. Аслида бу касб ва маҳоратдир”, деб билдирилган фикр мавжуд[156].

Проектив тафаккурни ривожлантириш учун ассоциатив психология, хулқ-атвор (бихевиоризм), гештальт психологияси, психоанализ ва бошқалар каби фикрлаш назарияларининг тўпланган интеллектуал бойликларини билиш керак.

Проектив тафаккурни баҳолашнинг методологик асоси ҳам интеллект назарияси бўлиши мумкин.

Америкалик психолог Говард Гарднер (1943-йили туғилган) интеллектнинг бир нечта назарияси сифатида дунё миқёсида тан олинган назарияни таклиф қилди. У ақлнинг лингвистик, мантиқий-математик, фазовий, мусиқий, кинэстетик (масалан, спорт ёки рақсда танангизни назорат қилиш қобилияти), шахсий[157] каби турларини фарқлайди.

Бу “тўлиқ ривожланган шахс” ақл ҳақида бир хил даражада ишлаб чиқилган ақл барча бу турдагиларни ўз ичига олади, деб тахмин қилиш керак. Бу воқеликка қандай мос келади ва у меҳнат ихтисослиги юқори бўлган жамият учун яхши бўладими-йўқми, алоҳида тадқиқот мавзусидир. Проектив тафаккур тарзи анъанавийлик ва янгиланишни ўзида мужассамлантирган ғоявий-концептуал ҳосиладир. Унда доим янги режалар, лойиҳалар, тизимли, интегратив, плюралистик, оптимистик, эвристик ва ижодий ёндашувлар намоён бўлади.

---

[156] Штомпф Г. Проектное мышление – это не о размышлениях, а о действиях // Проблемы управления в социальных системах. 2012. № 6. С. 68-72.
[157] Gardner H. Frames of Mind. The Theory of Multiple Intelligence. Vil'yams, 2007.

Интеллект ва тафаккур чамбарчас боғлиқ, аммо бир хил эмас. Проектив интеллект-ақлий, ахлоқий ва жисмоний ривожланиш қобилияти ва лойиҳа фаолиятини амалга ошириш қобилияти (лойиҳа тайёрлиги). Инсоннинг лойиҳа тайёрлигининг ривожланиши инсон ҳаёти давомида ҳам аста-секин, ҳам кескин равишда содир бўлади ва проектив тафаккур бир томондан, ақлнинг функцияси, иккинчи томондан - ақлни шакллантириш усулидир. Агар разведка қисқа муддатда давлат, статик бўлса, унда фикрлаш ҳар доим жараён, динамикдир. Фикр юритишимиз тафаккурнинг моҳияти ва турларини тафаккурсиз идрок этиш мумкин эмас, деб ҳисобловчи Жером Брунернинг изоҳи билан тасдиқланади, объектив, образли, имо-ишора, рамзий фикрлаш ва уларнинг бирикмасининг олтита вариантини ажратиб кўрсатади[158].

Проектив тафаккур тарзи киши онгида лойиҳаларнинг шаклланган тасаввурлари, тамойиллари ва рационаллик нормаларининг шундай мозаик бирлигини ташкил қиладики, унда у бетакрор, яхлит сиймога эга бўлади, анъанавий ва янги қарашларга нисбатан йўналтириш, бирлаштириш, умумлаштириш, баҳо беришга асос бўлиш функцияларини бажаради.

Мазкур таърифдан шу нарса келиб чиқадики, фикрлаш жараёнининг ўзига хос сиймосини, бир бутунлигини билдирадиган проектив тафаккур тарзида индивидуаллик, хусусийлик ва айниқса инновация биринчи навбатда кўзга ташланадиган хислатдир.

Инновацион жараён янгиланишнинг технологик томонини билдиради. Янгиликларнинг пайдо бўлиши, қабул қилиниши, ўзлаштирилиши, тарқатилиши ва тадбиқ қилинишини ўз ичига оладиган кенг қамровли

---

[158] Bruner D.S. Psikhologiyapoznaniya. Zapredelami neposredstvennoy informatsii [Psychology of learning. Beyond the immediate information]. Moscow: Direkt-Media, 2008. -P 782.

ҳодисадир. Инновацион фаолият янгиланишнинг ижодий томонини билдириб, мавжуд тафаккур ва ҳаёт тарзи, меҳнат воситалари, предмет ва усуллар, ижтимоий тузилма ва технологияларни ўзгартиришга олиб келади.

Инновация янги ғоялар, технологиялар, информацион лойиҳалар ва маҳсулотларни кашф этиш, ишлаб чиқиш ва жамиятга тадбиқ қилишни билдириб, ҳозирги замон ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолият тизимларида асосий фаолият турига айланмоқда. Ақлий меҳнат соҳасида кашфиёт, ихтиро, янги ғоя ёки лойиҳаларни ишлаб чиқишга олиб келадиган проектив инновацион тафаккурга айланади. Бундай айланишни бир қатор ижтимоий шарт-шароитлар ва сабаблар тақозо этади.

Йўналтирилмаган, соҳавий проектив ва инновацион тафаккурнинг шаклланиши заминида янгиликни ишлаб чиқиш, тадбиқ қилиш ва тарқатишга қаратилган илмий мунтазам амалга ошириладиган жараёнга айлангандан кейин ижодий фикрлаш ўзига хос интеллектуал инновацион фаолият, меҳнат даражасига кўтарилади.

Проектив ва инновацион тафаккур тарзи инсоннинг янги эҳтиёжлари ва муаммоларини қондиришга йўналтирилган янги ғоялар, қадриятлар ва лойиҳаларни ихтисосланган корхоналар ва уларни янгилаб туришга кетадиган вақтни қисқартиришга қаратилган интеллектуал фаолият шакли ва тизимидир.

Асосан янги фактлар, ғоялар ва лойиҳалар яратишга йўналтирилганлиги, бу жараённинг тартибланганлиги, тизимлилиги даврий мунтазам характерга эга бўлиши инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятини белгилаб беради.

Проектив тафаккур тарзи ва инновацион қараш Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг сиёсий фаолиятида яққол намоён

бўлди. Айниқса, Ўзбекистонни иқтисодий қолоқликдан чиқариб, шиддат билан ривожланаётган мамлакатлар қаторига қўшилишида муҳим роль ўйнади. Бунинг яққол мисоли бутун дунё тан олган “**ўзбек модели**”дир.

Ўтган асрда “япон мўъжизаси” деб эътироф этилган япон халқининг проектив ва инновацион тафаккури тан олинса, бугунга келиб “мустақиллик меъмори”нинг проектив тафаккур тарзи ва инновацион таълим жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Професcионал лойиҳа фикрлаш турлари:

Касбий тафаккур эгалланган билимларнинг умумийлиги ва уни қўллаш усули таъсирида шаклланади. Бундай тафаккурнинг ривожланишига фақат шу билимларнинг такрор-такрор қўлланишигина инсон, энг аввало, ана шу касб-ҳунар категорияларида иккиланмасдан фикр юритиши ёрдам беради. Бундай фикрлаш ҳам ҳар бир киши ўз тор профессионал соҳасида орқасида бориш мумкин эмас, деган маънода камчиликлари бор. У олинган билим ва шахсий тажрибадан ҳосил бўлган намуна бўйича ҳаракат қилади.

Шунинг учун, агар профессионал лойиҳа тафаккури бошқарув фанларидан ташкил топган фикрлаш, деб тушунилса, улар орасида калит "лойиҳани бошқариш "бўлса, у билан" бухгалтерия тафаккури "ёки" бошқарув тафаккури" ўртасида алоҳида фарқ йўқ. Лойиҳа ишларини бажаришда икки хил жараённи ажратиб кўрсатиш мумкин бўлгани учун бунга салбий нурда қараш керак эмас:

1) лойиҳа маҳсулотини яратиш; 2) уни яратиш жараёнини бошқариш.

Проекцион фикрлаш оқибатида воқеликни танлаш оддий "ақл-идрок" билан ҳосил қилинган мантиқий боғланишлардан ташқарига чиқади. Соғлом фикр ирсий ва ижтимоий тажрибанинг умумлашмаси бўлиб, олдинги инвидиуал тажрибага ҳам асосланади. Бошқа томондан,

проектив фикрлаш кундалик ҳаёт чегарасидан ташқарида «кашфиёт»дир. Ҳозирги ҳодисалар умумийроқ контекстда талқин қилинади. Яъни, бу шахснинг онгли муносабатини амалга оширадиган кенг кўламли танловдир. Проектив тафаккурнинг характерли хусусияти шундаки, у чизиқли мантиқ асосида қурилмайди. Бу юқорида муҳокама қилинганидек, муқаррар равишда воқеликни квантлашнинг катта миқёсдаги кундалик ҳаётга татбиқ этишни англатиши натижасидир. Хусусан, бу дизайн контекстида қабул қилинган қарорларнинг кўпинча парадоксал, оддийга нисбатан чизиқли бўлмаганлигида намоён бўлади. Тафаккурнинг бундай катта, умумлаштирувчи кўлами оддий борлиқдан ташқарига ва ҳақиқий шахсдан ташқарига чиқадиган воқеликни танлашда юқори даражадаги абстрактликка мос келади.

**Профессионал проектив тафаккур турлари**

| Лойиҳа турлари | Проектив тафаккур турлари |
|---|---|
| Технологик лойиҳа | Проектив-технологик тафаккур |
| Муҳандислик лойиҳаси | Муҳандислик тафаккури |
| Дизайнерлик лойиҳа | Дизайн- тафаккур |
| Дастурий лойиҳа | IT- тафаккури |
| Илмий тадқиқот лойиҳаси | Тадқиқотчилик тафаккури |
| Ижтимоий  лойиҳа | Проектив-гуманитар тафаккур |
| Бизнес-лойиҳа | Тадбиркорлик тафаккури |
| Иқтисодий лойиҳа | Проектив-иқтисодий тафаккур |

***Проектив тафаккурнинг мантиқий хусусиятлари:***

1) Проектив тафаккур чизиқли мантиққа асосланмайди. Юқорида айтиб ўтганимдек, бу яратилган маънавий воқеликда абстракциянинг турли-туман миқёслари синтези, яъни асл воқеликнинг кўп миқёсли квантланиши оқибатидир;

2) Проектив мантиқ истисно учинчи кундалик ҳаёт тамойили учун normal орқасида кетади. Ҳақиқатан ҳам, мавҳумликнинг катта миқдори кундалик мантиққа зид бўлган баёнотларни бирлаштириши мумкин. Бу Проектив тафаккурга хос бўлган абстрактлашганда маънавий воқеликнинг қўшимча ўлчамлари очилса, кундалик даражадаги зиддиятли тушунчалар бирлаштирилиши мумкинлиги оқибатидир;

3) юқоридагиларга асосланиб лойиҳавий мантиқни синтез, деб аташимиз мумкин. Каттароқ контекст нуқтаи назаридан қарама-қарши конструкцияларни уларнинг ўзаро таъсирини таъминловчи маълум мезонлар бўйича бирлаштириш мумкин. Бу тўлдирувчи мезонлар воқеликни кўриб чиқишда янги маънавий ўлчовларнинг пайдо бўлишини ифода этади. Бундан ташқари, ҳетерожен ғоялар мумкин синтез даражаси, асосан, чекланган эмас. Проектив тафаккурда абстракция даражаси қанчалик юқори бўлса, прогноз қилинаётган маънавий воқеликда шунчалик гетероген омиллар бирлаштирилиши мумкин;

4) шу билан бирга, проекцион фикрлаш ҳақиқатнинг таҳлилига асосланади. Шуҳрат ва бойликка эгоистик интилишлар қанчалик кам бўлса, Проектив тафаккур кўлами шунчалик катта бўлади;

5) проекцион фикрлаш ёпиқ системалар тавсифининг нотўлиқлиги ҳақидаги Годелнинг теоремасини енгишга ўхшайди. Лойиҳавий ёндашув ёпиқ ва ўз-ўзидан кўринадиган ва тасвир ва тушунчаларнинг

умумий даражаларига ўтадиган тасвир ва тушунчалар тизимларини "очади". Кундалик даражадаги қарама-қарши компонентлар янги ғоялар контекстида бирлаштирилади ва Михаил Эпштейн ҳақида гапирадиган келажакнинг "новдаси"га айланади. Одатий чизиқли мантиқ псевдо-ёпиқ тизимларнинг ички тавсифига мос келади. Абстракциянинг катта кўламига эришиш муқаррар равишда чизиқли детерминизм билан зиддиятга олиб келади. Демак, ҳозирги воқеалар умумийроқ мазмунда талқин қилинади. Тафаккурнинг каттароқ кўламига мансуб омиллар сабабий муносабатларга кўшилади, бу эса аниқ сабабларга нисбатан натижаларнинг чизиқсизлигига олиб келади.

Проектив фикрлаш маънавий иерархияни яратади, шунинг учун муаммоларни тушунишнинг ҳар бир кейинги босқичи ҳам янги танлов қадамидир.

Аслида, проекцион фикрлаш ҳар доим лойиҳалаш режасининг бирлаштирувчи контекстида турли хил ва ҳатто зиддиятли маъноларнинг синтези бўлиб, ҳар қандай ҳодисани умумий контекстда жойлаштиришдир. Ва, албатта, у воқеликни яратишда фикрнинг фаол, дунёни шакллантирувчи ролини ва унинг ифодасини (тимсолларини) ўз зиммасига олади. Инновацион таълимда проектив тафакккур тарзи эса бозор иқтисодиёти шароитида, маориф соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда муҳим гносеологик қуролдир.

Проектив ва инновацион тафаккур тарзининг фан ва амалиётдаги роли ва аҳамияти маълум жиҳатдан эвристик усул ва ёндашувларнинг ривожлантирилишига боғлиқдир.

Инновацион таълимда проектив тафаккур тарзи догматик, метафизик ва бинар тафаккур тарзларига қарама-қарши бўлиб, унда янгиланиш, ҳозирги замон

тафаккур тарзининг концептуал-эвристик жиҳатлари динамикасини кўриш мумкин. Шунингдек бунда талабаларнинг мустақил, ижодий фаолиятини кучайтириш, янгиликка бўлган интилиши, инновацион лойиҳалар яратилишига эришиш мумкин.

Проектив фикрлаш замонавий цивилизация имкониятларини кенгайтириш учун зарур бўлган самарали воситадир. Бу мумкин бўлган ривожланиш имкониятлари сонини кенгайтириш имконини беради ва сезиларли даражада инсон омон қолиш ресурс оширади. Лекин, ўз-ўзидан, Проектив тафаккур прогрессив тараққиёт ва барқарорликни кафолатламайди. Проектив тафаккурнинг ахлоқий, сифатли ва салоҳияти интеллектуал ва маънавий парадигма сифатида ажратилиши керак. Бу, менинг фикримча, проектив фикрлаш учун хизмат қилиши керак.

Проектив тафаккур тарзининг конструктивлиги ва ўзгарувчан хоссалари ҳамда қонуниятларини тадқиқ қилиш учун зарур бўлган назарий ғоялар, ёндашувлар ишлаб чиқдилар. Ижтимоий ҳаётда проектив тафаккурнинг конструктив трансформациясига объектив ва субъектив, ички ва ташқи кучлар, турли омиллар таъсир кўрсатади.

Проектив тафаккур тарзининг коснтруктивлиги фандаги парадигмалар янгиланиши билан ҳам белгиланади.

Тафаккурнинг конструктив жиҳатларини кучайтириш, фан ва амалиётга тадбиқ қилиш ҳозирги замон тафаккурини шакллантириш ва мутахассислар онгига сингдириш имкониятини беради.

Проектив тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси, концептуал моҳияти, унинг ижтимоий зарурияти, ёш мутахассислар ва олимларнинг касбий малакани эгаллашидаги методологик вазифадир.

Лойиҳаларни амалга оширишнинг зарурий шарти сифатида проектив тафаккур доимо мавжуд бўлган, бошқа томондан, турли тарихий шароитларда у жамият фани ва маданияти билан биргаликда турлича бўлган ва ривожланиб келган.

Проектив тафаккур учун иқтисодий ва бошқарув фаолияти учун уни шакллантиришнинг методологик асосларининг бир неча даражалари мавжуд:

1-даража - тафаккурнинг умумий фалсафий талқини, ақл-идрок, объектив воқеликни билиш йўллари ва тафаккурнинг ўзи, тафаккур ва амалиёт ўртасидаги муносабат.

2-даража турли мезонларга кўра тафаккур турларини структуралаш ва проектив тафаккурига энг кўп мос келадиган турли билим соҳаларидан шу тушунчаларни умумназарий категория сифатида танлаш (яъни, касбий фаолият туридан мустақил).

3-даража - проектив тафаккурнинг ҳаёт тажрибаси ва умумий таълим билан шаклланган, иқтисодиёт ва бошқарув соҳасидаги ўзига хос касбий билимларга эга бўлган умумий маданий компетентлик сифатида бирлашувидир.

Демак, инновацион таълимда проектив тафаккур тарзи жамиятнинг янгиланишида хусусан, таълим, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларда сифатий ўзгаришларни амалга оширадиган муҳим омилдир.

1. "Проектив тафаккур" тушунчаси нафақат мавжуд бўлиш ҳуқуқига эга, балки амалиётга йўналтирилган лойиҳа ёндашувининг кучли даражасида жуда зарурдир. Шуни ҳар доим унутмаслик керакки, лойиҳа амалиёти турли хил ақл-идрок турларини, шу жумладан, ақл-идрок бўлмаган жойларни амалга ошириши мумкин. Шунинг учун лойиҳани бошқариш стандартлари жуда зарур ва рискларни бошқариш уларнинг ажралмас қисмидир;

2. Ривожланиш ва юксалиш жараёнида инсон фикрлашнинг турли босқичларини – кўргазмали-самарали, кўргазмали-образли, вербал-мантиқий босқичларини босиб ўтади. Шуни таъкидлаш керакки, унинг ядросида ҳар қандай фикрлаш лойиҳа асосида бўлиши мумкин. Катталарда тафаккурнинг аввалги турлари йўқолиб кетмайди ва ҳатто устунлик қилиши ҳам мумкин;

3. Агар оғзаки ва мантиқий фикрлаш андоза бўйича юзага келса, у ҳолда билимдан фойдаланиш қобилияти тафаккур ривожланишининг қуйи даражаси - лойиҳа тафаккурининг репродуктив турига тааллуқли бўлиши керак;

4. Агар билимлардан фойдаланиш янги вазиятда, ноаниқлик ва таваккалчилик шароитида юз берса, у ҳолда қарор қабул қилиш лойиҳавий фикрлашнинг унумли тури асосида амалга ошиши керак.

Лойиҳа менежменти бўйича ўқитиш профессионал лойиҳа менежменти тафаккурини шакллантириш учун мажбурийдир. Бироқ, лойиҳаларни бошқариш дастурлари талабаларнинг асосий касбий таълимининг ўзига хос хусусиятларига ва улар режалаштираётган лойиҳа фаолияти турига қараб созланиши керак. Тизимнинг бу элементлари ўртасида бирлик бўлмаса, лойиҳавий фикрлаш "мазмунсиз шакл" бўлиб чиқиши мумкин. Лойиҳа бошқариш фикрлаш ривожлантириш лойиҳа бошқариш фанлар мажмуи тор доирасида чекланган бўлиши керак эмас, иқтисодий назария ва умумий гуманитар цикли бошқа фанлар томонидан ташкил ваколатлар синтез керак, шундай қилиб, мазмуни билан ақл тўлдириш ва ижод учун асос яратиш ва иқтисодиёт ва бошқарув соҳасида тушунча.

## 4.3. Илмий тафаккур тарзида инновация ва инновацион фаолият

Ҳозирги пайтда креатив ғоялар ва инновацион технологияларни амалиётга тадбиқ қилиш долзарб вазифадир. Инновация жамият ҳаётининг у ёки бу соҳасини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган илғор ғоялар, улар асосида яратилган илмий-амалий ишланмаларни илм-фаннинг сўнгги ютуғи, техника ва технологияларнинг янги ихтироси сифатида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий қўлланилишини англатади.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев инновация тўғрисида: “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Шунинг учун биз Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этдик ва унинг олдига аниқ вазифаларни қўйдик. Бу вазирлик нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажаради, деб ишонамиз”[159], - деган эди.

Инновацион жараён янгиланишнинг технологик томонини билдиради, янгиликларнинг пайдо бўлиши, қабул қилиниши, ўзлаштирилиши, тарқатилиши ва тадбиқ килинишини ўз ичига оладиган кенг қамровли ҳодисадир. Инновацион фаолият янгиланишнинг ижодий томонини билдириб, мавжуд тафаккур ва ҳаёт тарзи, меҳнат воситалари, предмет ва усуллар, ижтимоий тузилма ва технологияларни ўзгартиришга олиб келади. Ижодий фаолиятнинг тафаккур ва ҳаёт тарзини

---

[159]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2018. - Б.20.

ўзлаштиришга олиб келадиган инновацион фаолиятни субъектив (мотив, эҳтиёж) ва объектив омиллари мавжуддир. Инновацион жараёнлар ижтимоий жараёнларнинг ўзгариш моҳиятини ифодалайди, жамиятнинг ривожланиш манбасидир.[160]

